

№ 5 (198)

11. 9. 40

АМАЖОН НОСИРОВ



# Ўзбек Ҷағабдиёмуға Ҷаза

22 т.







## КИРИШ

Ўзбек классик адабиётида лирик тур жанрларидан бири газал бўлиб, Улуг Оқтябрь социалистик революциясига қадар африканинг етакчи жанри бўлиб келди.

Ўзбек дунёвий адабиётининг лирик намоёндалари Отойти, Саххокий, Гадоий, Лутфий ва бошқа шoirларнинг нақодларида газал асосий жанр бўлди. XV асрга келиб Ўзбек газалиги Алишер Навоий номи билан боғлиқ ҳолда камолот чўққисига чиқди. Шoir газалик бошқа лирик жанрларга қараганда «дишхороқ ва широтафороқ» деб таърифлайди. Унинг ўзи ҳам ўзбек ва тожик тилларида уч миңдан ортиқроқ газал битди ҳамда бу жанр шаклан кичик бўлса-да, жуда катта гоҳларин бериши мумкин бўлган лирик тур эканини исбот қилди.

Буюк Навоийдан кейин Бобир, Машираб, Турди, Мунис, Отаҳий, Нодира, Увайсей, Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқий ва бошқа кўпгина шoirлар нақодларида ҳам газал асосий жанр бўлиб қолаверди.

Газал Шарқ шеърининг дунёга танилди. Немис классик шoirи Гёте ўзининг Хофиз таъсирида яратилган бутун бир китобини «Гарбий-Шарқий девон» деб атади ва унда шакл ва мундарижа жиҳатидан Хофиз газалларининг эслатувчи шеърларга катта ўрни берди. Шарқ газалиёти рус шoirлари Пушкин, Фет, Есенин-

Насыров О.  
Ўзбек адабиётида газал. Т. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.  
136 б. Тиражи 5 000.

Насыров А. Газель в узбекской литературе.

№ 747 — 71  
Навоий номи УЗССР  
Давлат кутубхонаси.

8С(узб)  
Индекс 7-23



И. С. Брагинский, Ойбек, А. Мирзоев, М. Шайхзода, А. Хайитметов, Н. М. Маллаев, В. А. Абдуллаев, Ф. К. Каримов, Э. Р. Рустамов, Р. Мажидий ва бошқа олимларнинг бу масаладаги фикрлари аҳамиятлидир. А. М. Мирзоев ўзининг «Рудакий ва X—XV асрларда ғазал инкишофи» номли асарда ғазалнинг келиб чиқиши замин-илдизлари, унинг асосий хусусиятлари, тараққиёт босқичлари, образлар системаси тўғрисида кўпгина мароқли фикрларни айтади. Олим ғазал қасида насибидан ўсиб чиққан деган фикрнинг нотўғри эканини ишончли фактлар билан исбот этади ва ғазалнинг замин дувёвий адабиёт тенденциялари ва халқ лирик қўшиқлари анъаналари эканини кўрсатади.

Ойбекнинг «Навой ғазалиёти», Шайхзоданинг «Навойнинг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» ва «Ғазал мулкисини султони», Н. М. Маллаевнинг «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожда Навойнинг роҳи ҳақида» мақоласи, А. Хайитметовнинг «Навой лирикаси», Р. Мажидийнинг «Отаҳий лирикаси» ва М. Юсуфнинг «Тарқабёт ашъарлари» номли китобларида ғазал тўғрисида қилган аҳамиятли фикрлари берилган.

Аммо бу асарларда асарлардан фарқли ўлароқ яна бир ривожда ғазалнинг жанр сифатидagi хусусиятлари, унинг вужудга келиш замини, асосий тараққиёт тенденциялари тўғрисида ғазалнинг лирик хусусиятлари ва инкишофи масаласидаги ғазалнинг ҳоли ва инкишофи масаласидаги ғазалнинг эҳсоси ҳисобланган.



## ҒАЗАЛНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Ғазал арабча сўз бўлиб, хотин кишига хушомад қилмоқ, алоҳида муносабатда бўлмоқ маъноларини билдиради.<sup>1</sup> Кейинчалик бу сўз адабий термин сифатида ишқ-муҳаббатни кўнлаган лирик шеърга тағбиқ қилина бошлади. Халқ орасида эса умуман шеър, шеърлик маъносида ҳам қўлланаверди.

Ғазалнинг нлқ таърифини Қайс ар-Розий беради. У ёзди:

«Ғазал дар асл луғат ҳадиси занон ва сифати ишқбози боэшон ва таҳолаки дар дўсти эшон аст, мағозалат ишқбозист... Ғазал зикри дўсти занон аст ва майли ҳавои дил бар эшон».<sup>2</sup> Яъни ғазалнинг луғавий маъноси аёллар ҳақида гапирин, уларга нисбатан бизнинг вужудимизда пайдо бўлган хушторликнинг ва севгини сўйлаб беришдир... Ғазал хотин-қизларга бўлган муҳаббат ва қалбнинг ўтап интилиши тасвирдир.

Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асарида ҳам шунга ўхшаш фикр баён қилинади.

<sup>1</sup> Х. К. Баранов, Арабско-русский словарь, М., 1958, стр. 721.

<sup>2</sup> Қайс ар-Розий, Ал-Муъжам фи маонри ашъор ул-Араб, Техрон, 1314 ҳ., саҳ. 306.

Ғазал тўғрисида Алишер Навоийнинг фикрларидики қатта сазовордир:

«...на рўзгор ҳавосидин ул фикрлар барча кўн умдин борди ва ишқи оғизгун зумиу бедийи ул хаёлларни хоғаримдин чиқорди. оллога анча душворлиқлар юзланди ва террам а анча саъб гирифторлиқлар айланди ва бошимга анча бало тоши отди ва ишқ сипоинг лагадкўби заиф найкарим била сўнгоқ аримни анча оёқ остида ушотганим, не сўзумдин хабарим ва не ўзлугум била ўзумдин асарим қолди. Ишқим ошуби тугеңида ҳар суубатким юзланур эрди, чун бир ҳамдар, рафиқим йўқ эрдиким, дардимин шамман изҳор қилғоймен, бирор байт бирла ул ҳол мазмунин назм қилиб, кўнглумни ҳоли қилур эрдим ва жүнүним шиддати ғалаёнида ҳар ошубким олимга келур эрди, чун бир ҳам ошубон мушқиқим йўқ эрдиким, махфий ўтуғни ошқор этгаймэн, бирор матлаъ биле ул аънини адо қилиб, қаттиг ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу восита била кўнглум ўтига ороле ва ишқим бедоди ноҳамворчилига андом ҳосил бўлур эрди» (Х. М., I т. 9-бет).

Алишер Навоий аввало ғазалиётнинг гойивий сематик томонларига кўпроқ эътибор берди. Шоир фикрича, ғазалининг етакчи маъзуи кдард ила сўз» (ишқ ва ишқ оташи) дид:

Э Навоий, сену Хусрав била Жомий таври,

С иъату рангни қўй, сўзла керак кард ила сўз.

«Алишер Навоийнинг минглаб ғазалларини кўздан кечирилгандан сўнг улар учун энг характер-

ли кайфият ишқий ҳиссиёт экани англашди. Ғамма шеърларида ишқий бир узишнинг интизорлик ҳисси тараннум этилади. Шунинг ягона илҳом манбаи ишқидир»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий тарққ ғазалининг маъну «дард ила сўз» деса-да, ўҳаётнинг ҳамма масалалари тўғрисида гўзал ғазаллар битди.

Унинг фикрича, ҳар бир шоир новатор бўлмоғи, шеърнинг бепоён баҳридан «оллий кадр дурлар»ни топмоғи лозим:

Қи бу баҳр ичраким поён анга йўқ,

Етишмак қазрига имкон анга йўқ.

Етишкан эл неча дур олгон эрмиш,

Не олай қадр дурлар қолгон эрмиш.

Ҳиндистонда яшаган олим Қабул Муҳаммад «Ҳафт кўлзум» китобида ғазал тўғрисида қуйидагиларни ёзди:

«...Ғазал луғатда хотин-қизларга муҳаббат демакдир, адабий истилоҳотда эса ягона назм, қофияда бирлашган бир неча байтдан иборат шеърдир. Бу байтлардан биринчисини маъсарий байт дейилади. Унинг мисралари ўзаро қофияланган бўлиб, уни матлаъ ва маъдаъ дейдилар. Агар иккинчи байтнинг ҳам ҳар икки мисраси қофиядор бўлса, зебматлаъ ва хусни матлаъ деб аталади. Охирги байтни эса мақтаъ ва хотима деб атайдилар. Шарт шуки, ғазалининг чегарани 11 байтдир, байтлар 12 байт, баъзилар 19 байтгача бўлади

<sup>1</sup> Ойбек. Навоий ғазалиёти, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1961, № 2, 3-бет.

дебдирлар. Аммо баъзи сўнги давр шоирлари 21 байтгача ғазал ёзганлар. 27 байтли бир ғазални ҳам учратдик. Лекин ғазалининг чегараси 19 байтдир. Агар ундан зиёда бўлса, уни қасида деб номлайдилар. Ғазалда аксар вақт маҳбуба жамоли зикри, севгили ҳуснининг сифатлари ҳамда ишқ кечинмалари бериллади, панд-насихат шеърятнинг бошқа турларида бериллади.<sup>1</sup>

Қабул Муҳаммад ғазал ҳақида ўзидан олдинги барча олимлар айтган мулоҳазаларни ҳисобга олган, тўлдирган. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, форс-тожик ва ўзбек ғазалиёти материалларига диққат қилсак, ғазал фақат ишқий мазмунга эга бўлади, деб айтилган гап ҳақиқатга унча мос келмаслиги аён бўлади.

Ғазал лирик поэзияда севги-муҳаббат мотивларини куйловчи жанр сифатида пайдо бўлди. Унинг етакчи мавзуй инсоннинг инсонга бўлган дунёвий муҳаббати, реал дунё гузалига бўлган ишқи эди. Форс-тожик шоирлари Хусрав Деҳлавий, Салмон Соважий ва бошқаларнинг ғазаллари учун асосий мавзуй муҳаббат бўлди ва бу ҳол кўп асрлар мобайнида давом этди. Шу билан бирга ғазалга аста-секин ижтимоий ҳаёт воқеалари ва унга бўлган муносабат элементлари кириб кела бошлади.

Напихада Саъдий ва Ҳофиз ғазалиётларида янги мавзуй, янги гоё ва образлар пайдо бўлди. Чунончи, улар ўз ғазалларига ҳаёт

<sup>1</sup> Қабул Муҳаммад. Ҳафт қулум, Лаҳна, 1230 ҳ., VII қисм, 44—45-бетлар.

ва унга муҳаббат, май ва шодлик, табиатнинг гўзал тасвири, панд-насихат, адолатсиз қурилган ҳаёт ва ундан шикоят, бахт ва бахтли замон сингари мулараққий гоё ва мавзурлари, фойласуф, ринд, золим шоҳ, риёкор шайх, вонз каби янги образларни олиб кирдилар. Кейинчалик Камол Ҳўжандий, Абдураҳмон Жомий, Бедил ва бошқалар ғазалиётдаги энг яхши анъаналарни ўзлаштирдилар ва жанрнинг бундан кейинги тараққиёти учун катта хизмат қилдилар.

Ўзбек ғазалиёти тараққиёти тарихида ҳам Хоразмий, Сайфи Саройи, Аҳмадхўжа ас-Сарроини, Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Туғлихўжа, Отоий, Саққокий ғазаллари учун асосий тема дунёвий муҳаббат ва у билан боғлиқ бўлган масалалар эди. Бироқ Лутфий, айниқса, Навоний ғазалиётнинг гоёвий-тематик чегарасини жуда ҳам кенгайтириб юбордилар, улар ғазалиётга ижтимоий ҳаёт воқеалари, фалсафий, ахлоқий-таълимий гоёлар, шунга мос ҳолда янги образлар галереяси кириб келди. Ҳатто бу даврга келиб сатирик ва юмористик ғазаллар ҳам пайдо бўла бошлади.

Ғазал бошқа лирик тур жанрлари сингари кишининг ички ҳис-туйғуларини ифодалайди. Унда ҳаёт воқеа-ҳодисаларига бўлган шoir муносабати лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини тасвирлаш орқали, маъшуқанинг гўзал портрети ва табиатнинг ажойиб лавҳаларини чизиб орқали юзага чиқарилади. Қасидадаги мадҳ, рубоийдаги фалсафа, май ва риндона кайфиятлар, туюқнинг бадий баркамоллиги, таржибанд ва таркиббанддаги ҳа-

ёт тўғрисидаги чуқур мулоҳаза ва тафаккур, қитъа ва фардлардаги дидактика, муаммолардаги киноя, чистонлардаги ҳамв ва юмор — буларнинг ҳаммаси ғазалда мужасамлашгандир.

Ғазалнинг формат-поэтик хусусиятларини деғанда, унинг қофияланиш усули, матлаъ, мақтаъ, байтлар сони, ҳажми, тахаллус қўланиши, композицияси, ғазалнинг хиллари ва бошқалар назарда тутилади.

Одатда, энг кўп тарқалган ғазаллар а-а схемасидаги қофиядор матлаъ (мабдаъ) билан бошланади. Ундан кейинги байтларнинг жуфт мисралари мақтаъ билан қофиядош бўлади. Охириги байтда аксар ҳолларда шоирнинг тахаллуси келади.

Матлаъ ғазалнинг асосий мавзунини белгилайди. Ундан кейинги байтлар матлада айтилган фикрни кенгайтиради, тўлдиради, изоҳлайди. Шунинг учун ҳам шоирлар матланнинг чуқур маъноли, бадий жиҳатдан баркамол ва тўзал бўлишига интиланлар. Хатто Қабул Муҳаммад қўллаган «курашувчи» маъносидаги «мусарриъ байт» термини ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Ғазалнинг мақтан (хотимаси)да айтилган фикрларга яқин ясалади. Ғазаллар матлан билан мақтан орасида маълум мазмуний алоқа мавжуд бўлади. Агар матлаъ бирор теъзини қўйса, мақтаъ ўша теъзини шарҳловчи ўзиндан олдинги байтлардаги фикрларни умумлаштиради, яқинлайди, лирик ёки фалсафий хотима ясайди. Базан матладаги биринчи мисра мақтада иккинчи мисра бўлиб келиши, яъни ғазал қандай бошланса, ўшандай та-

момланиш ҳам маълум ғоявий-бадний нағрузка ташийди. Проф. А. М. Мирзоев «Рўдакӣ ва X—XV асрларда ғазал инкишофи» асариде форс-тожик классик адабиётиде бу нарсә биринчи марта Анварийда учратини кўрсатади. Ўзбек ғазалчилигида ҳам бундай фактлар кўп, Алишер Навоийнинг «Хазоини ул-маоний» девонига кирган ғазаллардан 32 таси шундай шаклда яратилган.

Ғазалда тахаллуснинг қачон қўлланила бошлагани ҳозирча аниқ эмас. Е. Э. Бертельс, И. С. Брагинский, А. М. Мирзоев, М. Қулизода ва бошқа кўпгина олимлар бу борада классик тазкираларга мурожаат қилишнинг фойдасизлигини, чунки тазкиранавислар бу масалани ёритмаганликларини айтидилар. Жумладан, Е. Э. Бертельс қуйидагиларни ёзади:

«Форсий-ларий лирикада тахаллуснинг пайдо бўлиши тарихи ҳозирча ўрганилган эмас. Шуниси қизиқки, тахаллус дунёвий лириканинг илк намуналарида деярли учрамагани ҳолда, сўфий поэзияси тараққиётининг илк даврларидаёқ — Бобо Кўҳий (1050 йилда ўлган), Абдуллоҳ Ансорий (1088 йилда ўлган), Аҳмади Жом (1141 йилда ўлган) асарларида учрайди. Гарчи бу шоирларнинг шеърлари бизгача жуда кўп ўзгаришлар билан етиб келган деб тасаввур қилинган тақдирда ҳам, багари бир, тахаллус кейинчалик киритилган деб бўлмайди, у асарларнинг оригиналдаёқ бор эди. Нима учун сўфий шоирлар тахаллус ишлатишни кўп қўллаганлар деган саволга ҳозир жавоб бериш қийин. Ўз фикримизини тўғри эканига ишонтиришга ҳаракат қилма-



ганимиз ҳолда, шундай фаразни айтмоқчимиз: Маълумки, илк сўфий шоирлар кўпинча шаҳарларда яшар ва ҳунармандлар билан яқин алоқада бўлиб турар эдилар. Яна шу нарса маълумки, ўша давр бадийи ҳунар усталирининг энг яхши маҳсулотларига «фалончининг иши» деб имзо чекиш одадлари бор эди. Сўфий шоирлар шеърларидаги тахаллуснинг ана шу одадга қандайдир алоқаси йўқмикан деган фикрга бейхатиёр келасан кишини.<sup>1</sup>

Бу фикрнинг тўғри эканини қуйидагилар ҳам тасдиқлайди:

1. Утмишда кенг халқ оммаси ўқиб, ёзишнинг ўрганаш имкониятидан маҳрум эди. Улар газалларни тинглар ёки қуйлар эдилар. Қўшиқ тексти кимники эканини фақат тахаллусдангина билиш мумкин эди, шу бонсдан шоирлар тахаллус қўллай бошлаганлар.

2. Газаллар баъзан вазни, қофияси, радийи, мазмуни, темаси билан бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин (татабууъ). Бундай ҳодаларда ҳам тахаллус бўлиши жуда зарур.

3. Класстик шеъриятдаги жуда кўп терминлар уйга алоқадор сўзлардан тuzилган (масалан, байт-уй, рукн-устун, тарсёл-айвон ва бошқалар). Шоирлар ҳам ўз асарларини маълум даражада бинога ўхшатган бўлсалар, шеър охирига тахаллус қўйиш — мейморнинг ўзи қурган бинога номини ёзиб қўйишдек бир ҳодиса экани ажабланарли эмас.

Алишер Навоий ҳам шунга ишора қилиб,

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс. История персидско-таджикской литературы, ИВЛ, М., стр. 519.

қуйидагиларни ёзади:

Ўйлаким ҳар кимса неким қилгуси,  
Баъзи ишта бор онинг бир белгуси,  
Ким ўзи тахсисига имлодур ул,

Мўҳри ё тавқиръ ё тамгодур ул,  
Сафҳа дебосию назм иншосидур,  
Ким тахаллус позими тамгосидур.

Бу ишони бирда топти имтиёз,  
Не варақким наам қилди аҳли роз —  
Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,  
Ё бу Хуеравнинг, бу Жомийнинг дурур.

Қўринадики, шоир фикрича, тахаллус номининг (шоир)нинг тамгасидир, асар кимники эканини кўрсатувчи белгидир.

Албатта, тахаллуснинг пайдо бўлишида бошқа сабаб ва омиллар бўлиши ҳам мумкин. Аммо юқорида айтилганларнинг ўзидек тахаллус қўллаш маълум ижтимоий, ҳаётги сабаблар натижасида, ҳаёт ва турмуш талабларига жавоб сифатида пайдо бўлганини кўрсатиб турибди.

Газалнинг ҳажми тўғрисидаги масала ҳам муҳимдир. Қабул Муҳаммад «Ҳафт қулум»да кўрсатганидек, ўтмишда ҳам бу соҳада умумий бир фикр бўлмаган. Аммо «поэтикага доир илгарги ёхуд сунгги даврларда ёзилган асарларни кўздан кечирсак, аксарият газалнинг 5—15 байт доирасида турганини маълум деб билганлар. Бунинг жони бор. Чунки турли замонларда, турли муҳитда яшаган санъатшунослар ҳар бир бадийи асарнинг таъбир

куче, имкон томонларини ўйлаганлар»<sup>1</sup>. Алишер Навоий ўз қитъаларидан бирида шеърларнинг (ва, демак, ғазалларининг ҳам) ҳажми тўғрисида ёзган:

Навий шеъри тўққиз байту, ўн бир байт, ўн уч байт,  
Қилмавх узра қалам зайнат берур ул дурри  
мақюундин.

Бундан аниқ, албатта, етти байтдин ўқсак эмас, яъни  
Таназул айлай олмас рутба ичра етти гардудин.

Ғазалларда байтлар сонининг чегараланганлиги, бизнингча, икки сабаб билан изоҳланмоғи керак:

Биринчидан, ғазал-лирик шеър. «Лирик асар оний бир сезгидан туғилгани учун узун бўлмайди ва бўлмаслиги керак, акс ҳолда у созуқ ва сунъий бўлиб, китобхонга роҳат бериш ўрнига уни бездиради»<sup>2</sup>.

Иккинчидан, ғазал музика санъати билан, айниқса, мақомлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий қилган. Ашула қилиб айтилиш зарур бўлган шеърнинг ортқича чўзилиб кетиши тинловчига ҳам, ижрочига ҳам малол келади, музиканинг таъсир кучини суъсайтиради. Шу сабаблар ғазалдаги байтлар миқдорининг маълум даражада стабиллашувиغا олиб келгандир.

Ғазаллар композицион жиҳатдан икки хил бўлиши мумкин. 1. Пароҳанда ғазаллар. 2. Воқеабан (яънира ёки мусалсал) ғазаллар.

<sup>1</sup> 1. Шайхзода. Ғазал мулкнинг султони. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 18 декабрь, 1966, № 287.  
<sup>2</sup> 2. Г. Г. Белинский. Избранные сочинения, М., 1947, стр. 183.

Пароҳанда (яъни маълум бир сюжет асосига қурилмаган) ғазаллардаги ҳар бир байт ўзича мустақил, тугал бир мазмунга эга ир. Шунинг учун ҳам бундай ғазаллардаги (итларни бир ипга тизилган қиммагбаҳо ҳақ ил гавҳарларга ўхшатадилар. Аммо бундай ғазаллардаги ҳар бир байт ташқи кўринишдан мустақилдек, парохандадек туюлса-да, улар орасида маъно ва мантиқ бирлиги билан бо туради. Бундай ғазаллардаги бирликни назн, қофия, рафиф сингари бадиий элементлар ва лирик қаҳрамоннинг ички дунёси тасвири келтириб чиқаради.

Жамолнинг вафсини қилдим чаманда,

Қизорди гул уётин анжуманда.

Тамашно қилгани даълингни кўнгулум,

Киши билмас ониким, қолди қанда.

Чу жонимдин азиз жонона сенсен,

Керакмас жон манго сенсиз баданда.

Манго ул дунёда жоннат на ҳожаг,

Эшикнинг тууроғи басдур кафанда.

Солиб бормо меш, эй Юсуфи ҳусн,

Буқун Яъқубтек байтул ҳазанда.


Узун сонингдин узмасман кўнгулни,

Оёғинг қанда бўлса, жоним анда.

Тилар эл мансаби олий ва лекши

Отлой сарви озодлигига банда.

Бу ғазал мавзуи муҳаббат бўлиб, ошининг маъшуқага нисбатан оташин севги тавлифи ғазал мазмунини ташкил этади. Аммо ҳар бир байтда мустақиллик, алоҳидалик сезила-



ди, яъни кейинги байт олдинги байтнинг мазмунан давоми эмас.

**Биринчи байт:** ошиқ чаманда ўз маҳбубаси жамолни васф қилганда, анжуманда бирга бўлган ва ўзини гўзал деб ҳисоблаб юрган гул уятдан қизариб кетди, яъни маҳбубанинг ҳусни гулдан ортиқ.

**Иккинчи байт:** ошиқ кўнгли ёрнинг лаълабларини орзу қилади. Бироқ маҳбуба оғзи ғоят кичик бўлганидан, бу лабларни кишилар тополмайдилар. Бу байтнинг иккинчи хил маъноси ҳам бор: ошиқ кўнгли ёр лабларини орзу қилиб, унинг бадалидан чиқиб кетган, кўнглининг қаердалигини кишилар билмайдилар.

**Учинчи байт:** маъшуқа ошиқ учун жондан азиз, маъшуқа бўлмаса, унга ҳаёт керак эмас, яъни маъшуқа ҳаётдир.

**Тўртинчи байт:** ошиқ учун жаннатдан ёр эшиги тупроғи афзалдир.

**Бешинчи байт:** маъшуқа хусн элнинг подшоҳи (яъни ҳуснда Юсуф билан тенг), ошиқ ундан ташлаб кетмаслигини илтимос қилади. Акс ҳолда ошиқ севимли ўғлидан ажралиб, вайрона уйда ғариб бўлиб қолган Яъқуб ҳолига тушади.

**Олтинчи байт:** ошиқ ўз кўнглини маъшуқанинг узун сочларидан ҳеч ўзолмайди, шунинг учун ўз бошини маъшуқа оёғига қўяди, чунки гўзалнинг сочлари унинг оёғигача тушган.

**Етинчи байт:** эл мансабу амал истайдиги, ошиқ эса маҳбубнинг озод сарвдек қалдига банда (қул)дир.

Бундай композиция ғазалнинг эстетик таъсир кучини, ундан ўқувчи ва тингловчи олади-

ган завқни камайтирмайди. Чушки ундаги ваэн, қофия, радиф, умумий мантқий боғлиқлик, оҳанг, мусиқийлик ажойиб уйғунлик келтириб чиқаради, тингловчида завқ-шавқ уйғотади, ҳаяжонли кайфият пайдо қилади. Бундай ғазални шoir туйғуларининг силсиллага тушмаган туйғулари деса бўлади.

Ғазалнинг композицион жиҳатдан иккинчи хили воқеабанд (якпора ёки мусалсал) ғазаллардир. Бундай ғазаллар маълум силсиллага тушган, ҳаётий воқеаларнинг бирор эпизоди натижасида вужудга келган кайфиятлар тасвирини беради. Ўзбек классик адабиётида воқеабанд ғазаллар ёзичи Лутфий ижодидан бошланиб, Навоийда ўз камолоти-га еришди. Бобир, Машираб, Мунис, Отаҳий, Муқимий, Фуқрат ва бошқа шоирлар ижодида гўзал бир анъанага айланиб кетди.

Воқеабанд ғазалларда композиция ғоят пухта бўлади: экспозиция, тугун, кульминация, ечим сивгари компонентлар бўлади. Демак, бундай ғазалларда тугал маънодаги сюжет мавжуд бўлади.

Мақсуд Шайхзоданинг қўйидаги фикрлари диққатга сазовордир:

«Ғазал бобида кўнинча мувоҳасаса сабаб бўладиган масалалардан бири шу: ғазал ўзи воқеабанд (яъни сюжетли) асарми? Ғазал учун бушартми? Ғазалда сюжет (воқеа)нинг бўлмаслиги унинг нуқсоними?

Маълумки, ғазални классик поэтикада «муттаҳид ул-қофия» (яъни бир қофия негизда тузилган, яққофиячи) асарлар қаторига киритганлар. Бироқ барча ғазалларда бир воқеа, бир сюжетга риоя қилиб бутун бир

асар яратиб ҳеч қайси шoirга муяссар бўлган эмас. Лекин кимки бир бутун воқеага банд қилиб ғазал яратган бўлса, бундай ғазалларга якпора ғазал деб ном қўйганлар. Алишер Навоийда шу хил якпора ғазалларни юзлаб топиб ажратиб мумкин...

Бироқ Навоий ва бошқа буюк шoirлар ҳам ҳамма ғазалларини якпора қилиб ишлаганга уринмаганлар. Шунда ғалаги бир вазият туғилиб қолган: ғазалларнинг мутлақо якпора бўлиши шарт эмаслиги, қалаандарона ғазалларда ишқий ва фалсафий бирон фикрни ёхуд орифона бир ғазалнинг истаган байтида шoir ўзи истаган ижтимоий-сиёсий репликасини бермоқ имкониятига эга бўлади. Чунки ғазалнинг якпора бўлмаслигининг янги имкониятларини анча кенгайтирган»!

Демак, ғазалнинг пароканда ёки воқеабанд қилиб ёзлигини аввало ғазалнинг ғоявий мотивлари ва мавзудан келиб чиқади. Шайхзоданинг кўрсатишича, қалаандарона (рифона) ва орифона ғазаллар жуда кўп ҳолларда пароканда бўлганлар. Чунки бу ҳол шoirга катта эркинликлар берган ва кичик бир лирик шеърда кўпгина ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фикр юритиш имкониятига эга бўлган.

Ҳажвий ва юмористик ғазалларга назар ташласак, уларнинг энг кўп қисми якпора, сюжетли эканини кўрамиз. Бу ҳажвий ва юмористик ғазаллар жамият ҳаётида, айрим кишилар ва кишилар гуруҳларида учрайдиган

1 Мақсуд Шайхзода. Кўрсатилган мақола.

салбий жиҳатларни танқид қилишга қаратилганлигидандир.

Ғазал жанр сифатида VI—VII асрлардаёқ араб поэзиясида мавжуд эди. Қадимги араб поэзиясидаги ғазал жанри хусусиятлари тўғрисида озарбайжонлик адабиётшунос Маллик Маҳмудов «Хотиб Табризнинг адабий-танқидий қарашларига доир» деган мақоласида бундай деб ёзади:

«У даврда (VI—VII асрларда — О. Н.) ғазал арабларда ҳозир биз тушунган маънода эмас эди. Бу жанр шoir ёқтириб қолган ҳар бир қизнинг гўзаллигини очик шаклда васф этмоққа хизмат қиларди. Узи тўғрисида ғазал ёзилган қиз халқ орасида машҳур бўлиб кетганидан, бу ҳол кейинчалик ёқимсиз натижаларга олиб келарди. Шунинг учун ҳам исломиятнинг ilk даврларида ғазал ёзиш таъқиб этиларди, ғазал ёзган шoirлар оғир жазоланарди»!

Ғарчи ғазаллар ва уни ёзувчилар исломиятнинг ilk даврларида таъқиб этилган бўлсаларда, жанр ўз ҳаётини давом эттираверди. Араб шoirлари ҳам, кейинчалик бошқа халқ шoirлари ҳам ғазалдаги конкрет қиз образини эмас, умумлашган маъшуқа образини ярата бошладилар. Бу ҳол шoirларга чексиз имкониятлар берди.

Форс-тожик адабиётида ғазал ilk марта рўдакий ижодида шакллана бошлади ва унинг камолоти Саъдий, Хофиз, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий, Бедил, Саидон

1 «Озарбайжон» журнали, 1966, № 11, 204-бет.

Насафий ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқдир.

Ўзбек классик адабиётида газалиётнинг пайдо бўлиши замни ихтимойий-сиёсий ҳаёт воқеалари, шаҳарларда маданий ҳаракатнинг ўсуви, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти, шунингдек, халқ оғзаки ижоди, музика санъати ва форс-тожик классик газалиёти қўлга киритган ютуқлар ва анъаналар билан туташдир.

Ўрта Осиё халқларининг мўғул яғмосига қарши олиб борган кураши ва курашда га-лабага эришгани, сарбадорларнинг озодлик учун олиб борган курашлари, уларнинг ҳукмрон синф томонидан жазоланиши, мамлакатда мустақил феодализмнинг тугилиши, Темур ва темурийларнинг давлат тепасига келишлари, уларнинг боқиччилик сиёсатлари, золимларга, адолатсизликка қарши халқ газалиётининг ошishi, синфий зиддиятларнинг кескинлаша бориши, катта шаҳарларнинг вужудга келиши, шаҳарларда ҳунармандчиликнинг кучайиши, қишлоқ ва шаҳар орасидаги иқтисодий алоқаларнинг ортиши ва бошқа факторлар маданий ҳаётда, айниқса, адабиётда акс этмай қололмасди.

Гарчи диний идеология тарафдорлари зўр бериб аскетизмни, зоҳидликни тарғиб этаётган бўлсалар-да, реал ҳаёт муносабатлари одамлар онига кўпроқ сиғиб бораётган эди. Кипшлар, айниқса, илгор фикр эгалари муайян жамиятда яшаб туриб, ундан четда бўлиб мумкин эмаслигини ҳис қила бошлаган эдилар. Натижада, адабиётга дунёвий маззуб, гоё ва образлар кириб кела бошлади. Про-

грессив дунёвий адабиётнинг энг биринчи белгиси гуманизм эди. Инсон ва унга бўлган муҳаббат, инсон ва унинг тақдир, инсон ва унинг ҳис-туйғулари, кечинмалари прогрессив дунёвий адабиёт учун бош маззуб бўлиб қолди.

Дунёвий адабиётнинг тугилиши ва тақомилда **Хоразмий**, **Ҳайдар Хоразмий**, **Дурбек Сайфий Саройи**, **Қутб**, **Оғойи**, **Сақоқий**, **Гандой**, **Лутфий** каби шoirларнинг ролд ноят катта бўлди. Улар ўз ижодларида ўша давр учун муҳим ва актуал бўлган дунёвий гоё ва проблемаларин кўтариб чиқдилар, уларнинг прогрессив позициядан туриб ҳал этишга ҳаракат қилдилар.

Бадий асарнинг темаси ва гоёси унинг жанрини ҳам белгилайди. Бас, шундай экан, ўнда дунёвий масалаларни акс эттира олувчи, инсон ва унинг кечинмаларининг нозик ва турли жинсларини кўрсата олувчи, ўқувчи юрагига тезроқ етиб бора олувчи адабий жанрларнинг тугилиши, камолотга интилиши табийий эди. Ўзбек классик поэзиясидаги рубоий, туюқ, ғазал сингари лирик тур жанрлари ана шундай заминда пайдо бўлгандир, деб қарамоқ керак.

X—XII асрлар туркий адабий тилларнинг, шунингдек, ўзбек адабий тилининг ривожланишида алоҳида бир давр бўлди. Урта Осиё территориясининг катта қисмида бу даврда туркий тилда сўзлашувчи халқлар ва элалар яшар эдилар. Туркий адабий тилларнинг ривожланиш процесси катта шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва илм-фуннинг тараққиёти натижасида тезлашди. Турк ҳукм-

дорларнинг нуфузи ошганлиги, Урта Осиё, ҳозирги Қозоғистон, Қашқар каби жойларда яшовчи халқларнинг анчагина қисми туркий тилда сўзлашганлиги сабабли кўпгина расмий ҳужжатлар, анчагина адабий асарлар шу тилда яратиларди.

XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг I ярмига келиб эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш процесси кучайди. Хоразмийнинг «Мухаббатнома»си, Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» таржимаси ўзбек тили анча бой ва қудратли тил эканлигини исбот қилди. Отоғи, Сақокий, Гадоний, Лутфий ва айниқса Алишер Навоий ўзбек адабий тили камолотида катта роль ўйнадилар.

Алишер Навоий ўзбек тилининг ҳамма имкониятларини намоён қила билди, у энг кичик жанрлардан тортиб, Шарқ шеъриятининг чўққиси бўлган «Хамса» каби асарларни яратиб учун қобил тил эканини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан исбот қилди.

Ҳазалнинг ялқ намуналарини Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарида, Хоразмийнинг «Мухаббатнома»си, шунингдек, XIV асрда яшаб ижод этган Сайфи Саройи, Ахмадхўжа ас-Саройи, Мавлоно Қози Мухсин, Мавлоно Ихроқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Тўғлхўжа ижодларида учратамиз.

Масалан, Мавлоно Қози Мухсиннинг қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Севдугум бан одамийлар жонидур,

Каму хўблар хўбининг сўлтонидур.

Кечти Лайли, кечти Ширин хўблиғи,

Ушбу кун меним шахум давронидур.

Бандасидур бўйининг сарву чинор,

Ою гунаҳ юзининг хайронидур.

Янтоқи саирулар олма сөгар,

Дудони дордларинг дармонидур.

Не янгоқим мот этар тоза гули,

Не лудоққим Мисри шакир қонидур.

Энгакки зиндонина тушган асир

Улки букун Юсуфи Қанъонидур.

Қоша, кўза алданурсан, дойлар,

Мухсинунг тафарружи раҳмонидур.

Ҳазалда севиқли ёрнинг «сарву чинор бандаси» бўлган бўйи, ой ва куёшни хайрон этган юзи, олма каби ёноғи, Миср шакари сингари дудони, ошиқ учун зиндон бўлган қулдиргичи тасвир этилиб, лирик қаҳрамоннинг унга бўлган муҳаббати куйланади. Ҳазалда кейинчалик ўзбек классик адабиётида кенг тарқалган ийҳом (Кечти Лайли, кечти Ширин хўблиғи, Ушбу кун меним шахум давронидур), муболага (Ою гунаҳ юзининг хайронидур), ташбеҳ (Не янгоқим мот этар тоза гули) ва бошқа бадний санъатлар ишлатилган.

Ҳазал катта ижтимоий масалаларни кўтариб чиқмаган, бир плавлл, яъни муҳаббат ҳақидадир. Лекин унинг тилга эътибор берсақ, халққа яқин, содда бир услубда ёзилгани, арабча сўзлар ниҳоят даражада оз экани диққатни жалб этади.

XV асрнинг I ярмида — жамият катта соҳиба ва иқтисодий ўзгаришларни бошидан кечираётган даврда яшаб ижод этган Отоғи, Сақокий, Лутфий ва Гадоний каби ўзбек шоирлари XIV асрда яшаб ижод этган шоирлар-

дан фарқли ўлароқ ўз газалларида фақат дунёвий муҳаббат ғояларининггина эмас (гарчи бу тема улар ижодида етакчи бўлса-да), баъзан ҳаётнинг бошқа масалалари ҳақида ҳам гапирдилар.

Чунончи, Саккокий севикли маҳбубанинг тул юзини, пордек ёдоғини, ниста каби оғзини, Исо нафасли, жоду кўзли эканини ғоли чиройди қилиб тасвирласа-да, унинг харақтерини шарҳлар экан, аксар ҳолларда маҳбубани ситамкор, адолатсиз, жафокор, топ меҳрининг айтади.

Билурсенкам, кечар дунёи фойли,

Қулуиға қилмавил жавру жафони.

Басе кўп ваъдалар қилдинг бординг,

Кел эмди ваъдага қилғил вафони.

Вафои хусешида минг яшогил,

Ижобат қил, илоҳи, бу дунёи.

Агар бўлса бало хўбларни севмак,

Қабул қилдинг бу йўлда минг балони.

Зақоте бер лабнигини, десам, айтур:

— Қаруи, кетсун, бу Саккокий гадоши!

Газалдан кўринишича, ошиқ ўта садоқатли, маъшуқа жабру жафо қилувчи, ваъдасига бевафо, ошиқ севги йўлида минг балого тайёр, маъшуқа эса уни ҳайдашни буюрувчи адолатсиз. Шунинг учун ҳам шонр маъшуқадан шикоят қилади. Бироқ бу шикоят чуқурроқ ва кенгроқ ижтимоий моҳиятга эга. Бу ерда феодал муҳитнинг кўпгина маразларига қарши норозилик кайфиятлари ҳам акс этган.

Саккокийнинг айрим байтларида фалак-

нинг адолатсизлиги башш, ундан норозилик мотивлари ҳам учраб туради.

М а с а л а н:

Фалакким барча ғламилуғ қилур қон бағрини ҳар дам,  
Эшитса бағри қон бўлғай мейинг оҳу фиғонимни.

Саккокийга нисбатан Отойида социал мотивлар кўчлироқ ва ўткирроқдир. Унда таралкидунёчилик ва бадбинликка қарши кураш ғоялари кўп. У реал дунёни севнишга чақирарди, неқбилликни улуғлайди, гарчи изчил ва тўла бўлмаса-да, феодал зулми остида хонавайрон бўлган меҳнаткаш омманинг шикетимоний норозилик кайфияти ва исёнкорлик руҳини акс эттиришга нитилди.

Шундай қилиб, Отойи, Саккокий, Гадоий ва шуларга ўхшаш бошқа кўпгина шонрлар эски ўзбек тилидаги газалчиликнинг тараққиёти учун катта хизмат қилдилар, газалиётнинг тематик доираси ва образлар сийелеласини кенгайтирдилар.

Ўзбек адабиёти, айниқса, газалиёт тараққиётида Лутфийнинг хизматлари ғоят катта бўлди. Навоий Лутфий тўғрисида шундай ёзади:

«Ўз замонининг маликул каломи эрди,  
форсий ва туркиида назирӣ йўқ эрди, туркиида шуҳрати кўпрак эрди» (Асарлар, 12 т., 61-бет). Навоий Лутфийнинг шеърятини ҳаммадан устун қўяди, уни туркий шеърятнинг энг катта устаси деб билади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки Лутфий ижодиётида XV асргача бўлган эски ўзбек поэзиясининг барча ютуқ ва анъаналари мужассамлашган эди.

Лутфий энг аввало газалнависе шоирдир. Ҳўз газалларида форс-тожик шеърияти анъаналари, ўзбек халқ оғзаки адабиёти ютуқларидан моҳирлик билан фойдаланиди, кўнгина бадиий каифийлар яратди. Унинг кашфлари қаторига энг аввало газал жанри учун етакчи бўлган муҳаббат мавзусини ишлашдаги услубини киритган мумкин. У муҳаббат мавзудида газаллар битар экан, киши хотирасиде мустаҳкам ўрнашиб қозалдинг лавҳалар яратишга итилади, турмушнинг реалистик деталлари тасвирини беради:

Мудом сув тилагондек бийниҳи махмур,  
Қонимга ташна бўлубсан кўзунг хумори бизан.

Маҳбубанинг кўзлари хумор. Улар ошнқ қонини тўкмоққа ташна. Бу ҳолат махмур кишининг сувга ташналигига муқояса қиленади. Ҳаётнй бир детал!

Қутлуя аётинг ерга тегибдур, ошинг учун  
Эл ерга қузоб беш қилур барча ибодат.

Намоз вақтида кишилар ерга беш қўйиб ибодат қиладилар, шонр кулзмаганда бунн бошқача изоҳлайди: маҳбубанинг қутлуг оёри ерга теккан, шўннинг учун эл унинг оёғи иэларини тавоф қилади.

Лутфий газалларида сощнал норозилик мотивлари Отоийн, Саккокий ва Гадойй газалнётига нисбатан анча келг ва кучлидир. Шоир умр бўйи фақирликда яшади. Замонанинг нооқил қурилганини, адолатнинг поймол этилганиши, камол аҳли хор бўлганини, зулм, адо-

латсизлик, иккиозламанчилик, адолат авж олганини кўрди. Шоир буларнинг ҳаммаси тўғрисидаги ўз фикр ва ҳукмларини катта жасорат билан айта олади.

Айтимки: «Бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил!»  
Айтурки: «Бизнинг даврда ул расм қолибтур!»

Ё к и:

Ўқуттур бугуз бу Лутфий жонига жаври рақиб,  
Қайда бир доно дурур, ул жаври нодон тортадур.

Замона адолатли бўлса, мантиққа 1.ўга, донолар жабр-ситам кўрмаслиги керак. Адолат йўқки, донолар нодонлар жабрини тортадилар.

Лутфийнинг ўзбек газалиётига киритган яна бир янгиллиги шу бўлдики, ўз салафлари ва замондошларидан фарқли ўлароқ, висол шодлигини тасвирлайдиган газаллар ҳам яратди. Буларда шонр учрашув шодлиги, висол оғуши, ҳижрон ва гамнинг кетгани ва бошқаларни тасвирлайди.

Шоирнинг қуйидагима бошланувчи ва шулар каби газаллари мазкур темада яратилган асарлардандир:

Кўрдум сени, кетти гам, алминатуллоҳ,  
Жон тонди ҳаёт ушбу дам, алминатуллоҳ.

Ўзбек газалиётининг замнн-илдизларидан бири ўзбек халқининг бой оғзаки ижодидир. Илк ўзбек газалиётнда халқ оғзаки ижодининг баракали таъсирини яққол кўрнш мум-



кин. Бу таъсар бадий воситаларда, газалларнинг лексик хусусиятларида, вазнинг халқ шеъри вазнига яқинлигида, қофия ва радифларнинг аксар ҳолларда туркий сўзлардан бўлишида кўринади.

Ўзбек газалчи шоирлари халқ оғзаки шокидидан образлар, бадий приёملар олдилар, халқ орасида кенг тарқалган мақол, матаи, идеоматик ва фразеологик бирикмалар билан, фольклор мотивлари билан газалларни музайян қилдилар. Ҳатто айрим газаллар бошдан-оёқ халқ мақоллари асосига қурилганини кўриш мумкин:

Аёқинга тушар ҳар лаҳза гусу,

Масалдурким, чароғ туби қароғу.

Маъраш доҳр аро соҳ лутф ила эҳсон тухай,

Ҳар не эксанг, анн-ўқ оуки ўрарсен охир.

Тўқсуб май муҳтасиб, мен йўқладим, лекин ул

усрукка;

Сув кетирмак ҳамону кўза сийдирмоқ ҳамон эрминш.

Шуви ҳам айғиш керакки, Хорезмий,  
Отои, Саккобий, Гадоний, шунингдек, улардан кейин ижод қилган шоирлар аксар ҳолларда арузнинг ўзбек халқ оғзаки шеърини вазнига яқин бўлган рамал баҳрида ижод қилганлар. Арузнинг бошқа баҳрларида ҳам газаллар яратилверди, аммо ўзбек газалиёти ушун рамал баҳри етакчи бўлиб қолаверди. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳазоийи ул-маоний» девонига кирган 2 600 газалдан 1 600 га яқини шу вазда битилган. Бил

Навоийнинг кўрсатишича, Хусайн Бойқаро девонига кирган газалларнинг ҳаммаси рамалда ёзилган.

Ўзбек шоирлари форе-тожик поэзиясининг энг яхши анъаналарини ўрганиб, ўзбек поэзиясига татбиқ қилар ва катта муваффақиятларга эришар эдилар. Уша вақтларда эски ўзбек тилида **и**жод этган шоирлар энг аввало лирик турини кичик жанри — газалда ўз кучларини синая кўрар ва бу соҳада форе-тожик шоирлари билан мусобақалашар эдилар. Е. Э. Бертельснинг кўрсатишича, «Лутфий ўзининг бутун маҳоратини кичик лирик формани ишлаб чиқишга қаратди. Унинг учун ҳамма томонидан тан олинган газал устозлари Камол Хўжандий ва Ҳофиз асосий намуна эди. Лутфийнинг ўзи ўзининг асосий вазифаси қилиб Камол билан мусобақалашини қўйган эди».

Форе-тожик ва ўзбек халқларининг қадимий дўстлиги, ҳукмронлигини кўрсатувчи жуда кўп маданий-адабий фактлар мавжуддир. Навоий, Бобур, Маъраб, Мунис, Огаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат сингарига зал усталари Саъдий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Бедил ва бошқа шоирлар газаларига ҳар икки тилда ҳам мусаммаатлар бонладилар, татабулар қилдилар.

Лирик турининг ҳеч қайси жанри музикага газалчаллик яқин эмас, десак муболага бўлмайди.

«Шундай лирик асарлар борки, уларда поэ-

1 Е. Э. Бертельс. Навоий ва Джамий, ИВЛ, М., 1965, стр. 58.

зилип музикадан ажратиб туруви чегара қариб йўқолиб кетади», деб ёзган эди.  
В. Г. Белинский.<sup>1</sup>

Форе-тожик адабиётининг асосчиси Рўдакний фақат буюк бир шоир бўлиб қолмай, истеъдодли музикант ва қўшиқчи экани маълум. Кўпгина тазкираларнинг кўрсатишича, Рўдакний ўз шеърларини катта маҳорат билан ашула қилиб айтган ва бу тингловчиларга фавқулодда кучли таъсир этган.

Ўзбек классик поэзиясида илк ғазаллар намунасини яратган Хоразмий ўз «Муҳаббатнома»сига киритган ғазалларнинг қайси куй билан айтилишига ҳам ишорат қилади:

Хусайний пардаё узра тузуб соз,  
Муғаниий бу ғазали қилди оғоз.

Ўзбек ғазалиёти баҳрлари тўғрисида гапириб, Алишер Навоий ёзади: «Аммо бу латиф замонда ва шариф давронда бу сурудни рамали мусаммани маҳзуф вазнга элтиб, муסיқий ва адвор илмида мулоим таблиқ бевазир йиғитлар гариб нағамот ва алҳон биле ажаб тасарруфлар қилиб, султон соҳибқирон мажлисида айтурлар...» (Асарлар, 14 т., 180-бет.)

Маълумки, ғазаллар ва улар заминнда пайдо бўлган мусамматлар бошқа лирик жанрларга нисбатан халқ орасида кенг шўрат тошган. Бунинг сабабларидан бири музикадр десак, янглишмаган бўламиз. Шунингдек, ғазаллар ва мусамматлар жуда кўп

<sup>1</sup> В. Г. Белинский, Танланган асарлар, Тошкент, 1955, 135-бет.

музикачилар учун ялҳом манбаи бўлган.

Ғазалнинг музика билан яқин алоқада бўлиши унинг халқчиллигини, демократлашуви-ни оширди. Шунинг учун ғазал кейинчалик фақат ёзма адабиётнинг жанри бўлиб қолмай, оғзаки адабиёт жанрлари қаторига ҳам ўтди. Фикримизнинг далили сифатида ўзбек халқ достонларидаги, шунингдек, Самарқанд атрофида яшовчи икки тилли ўзбеклар томонидан яратилган кўпгина ғазалларни кўрсатиш мумкин.





### ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЭТАПЛАРИ ВА ЕТАҚЧИ ТЕНДЕНЦИЯ- ЛАРИ

Адабиёт ижтимоий ҳаёт воқеаларининг образли инъикоси бўлганлиги сабабли унинг тараққиёт этаплари ўша ҳаётнинг тараққиёт этаплари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Базан эса «унинг тараққиётидаги маълум даврлар жамиятнинг умумий тараққиёти билан мутлақо мос келмаслиги ҳам мумкин»<sup>1</sup>.

Бу фикрни умуман санъат ва адабиётгагина эмас, айрим адабий жанр ва турларга нисбатан ҳам татбиқ қилиш мумкин. Чунки адабиётдаги айрим жанрларнинг пайдо бўлиши ва камолоти ҳам ижтимоий тараққиётнинг муайян этаплари талабидан келиб чиқади. Ғазал жанри тараққиёти этаплари тўғрисида гапирганда ҳам ана шу принципга амал қилмоқ зарур.

Ўзбек классик ғазалиёти тараққиёт этапларини белгилашда муайян даврдаги ижтимоий-сиёсий шароит ва унга боғлиқ ҳолда ғазалиётнинг гоёвий ва тематик хусусиятлари, адабий метод, қарама-қарши оқимларнинг

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 1 том, Ўзбекистон, Тошкент, 1959, 362-бет.

ўзаро қурашлари, формал-поэтик турлар, традиция ва новаторлик, образлар системаси, етакчи бадиий хусусиятлар, халқ оғзаки ижодиёти билан муносабат ва бошқа масалаларга эътибор бериш зарур.

Шунга кўра, ўзбек классик ғазалиёти тараққиёт этапларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. XIV аср ва XV асрнинг I ярми ўзбек ғазалиёти.
2. XV асрнинг II ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиёти.
3. XVII аср ва XIX асрнинг ўрталаригача бўлган ўзбек ғазалиёти.
4. XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиёти.

### 1. XIV АСР ВА XV АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ГИ ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИ

Бу давр ўзбек дунёвий адабиётининг турлилиши ва тараққиёти билан характерланади. Бу даврдаги ўзбек ғазалиётининг асосий гоёвий инсон ва унга муҳаббат гоёси эди. Отоий, Саққокий ва Лутфий инсонга бўлган ўзларининг оташин гуманистик муносабатларини муҳаббат мавзунини қуйлаш орқали бердилар. Муҳаббат улар талқинида олдининсоний эҳтирослик доirasидан четга чиқарди ва маълум фалсафий категорияни ташкил этади. Бу муҳаббат маҳбубага, реал дунёга, реал дунё гўзаллигига бўлган сеvgи тажасумидир.

Дунёвий муҳаббат мотивларини қуйлаш

феодад муҳитида илгор гояларни тарқатишга имкон берадиган идеология майдони эди. Шейр ўзининг ижтимоий, фалсафий, сийсий, адабий-эстетик қарашларини, илгор дунёвий гояларини, маърифатпарварлик тўғрисидаги фикрларини дунёвий севги қобилига ўраб бера олиши мумкин эди. Ҳазалиётдаги ушбу тенденция унинг образлар системасини ҳам белгилайди.

XIV аср ва XV асрнинг I ярмидаги ўзбек ҳазалиётида асосан уч образни: ошиқ, маъшук ва рақиб образларини кўрамиз.

Илк ҳазалиётдаги ошиқ садоқат, фидойиллик намунасидир:

Десаким: «Жон сипор қилма, Оғойим»,  
Турубман ушмуноқ, ўлдур, от, обим,  
Қулунигмен соқдосанг жоним боринча,  
Агар соқломасанг, сен бил, соғ, ойим!

Ошиқ кўпинча Фарҳод, Мажнун, Вомиқ ва бошқа афсонавий қаҳрамонларга қиёсланади.

Эй мусавир, сизсанг ул Лайли сифатлик шаклин,  
Сизгосен ошанда мен Мажнун хайрон суратин.

Тогдек ошқан куйдурдунг бу Ширинлик биле,  
Муудин ортуғроҳ мену бир йўли сен Фарҳод қил.

Ошиқ ва маъшукка образларининг бундай талқин қилиниши халққа яхши тўшунарли

эди. Улар халқ наздида муҳаббат, садоқат, чин инсонийлик, олижаноблик тинсолди эди. Кейинги даврларда ошиқ ва маъшукани бу афсонавий қаҳрамонларга ўхшатиш бир анъана сифатида давом этаверди.

Маъшукка тенги йўқ гўзал, унинг жамолидан қуёш, юзлари қизиллигидан дола хижил, нафаси Исо нафаси каби ҳаётбахш, лаблари оби ҳаёт, тишлари инжу, сочлари тун каби қора, кўзлари соҳир.

Бу даврда яратилган кўнглик ҳазалларда маъбубанинг ташқи қиёфаси тасвири берилди:

Яноғунг равзавунг жаннат гулдур,  
Бўюнг туби, лабинг кавсар елдур.  
Кўзунг нарисе, юзунг нарину зулфунг  
Гулистони Эрамнинг сунбулдур.  
Азалдин то, абад жон андалоби  
Жамолниг гулшаниниг буабулдур.  
Сабо даввори зулфунгдин ўтарда  
Сулаймон лашкариниг тулгулдур.  
Оғойини агар оламга сотсанг,  
Сот, эй зоҳид, ки ул хўблар қулдур.

Агар маъбубанинг ички дунёси ҳақида ёзсалар, кўпинча уни золим, адолатсиз, рақибларга ёр, ошиққа дилзор, ҳақиқий муҳибнинг қадрини билмайдиган дилбар сифатида талқин этадилар.

Нозанинларда вафоу меҳр бор дерлар, вале  
Кўп эшиттук биз дағи бу сўзин, аммо кўрайдуқ.  
Бағир қон айладинг экаври жафо бирла, э султоним,  
Кўзум ёши билан ҳар дам юзумда можоро қилма.

Бу даврдаги машуқа образининг бундай тасвир этилишининг ижтимоий моҳияти ҳам бор эди. Отойидаги мана шу моментга эътибор бериб, адабиётшунос Н. М. Маллаев ёзди: «Ошиқнинг шикоят ва надомат овози янада баландроқ кўтарилиб, яшаган муҳитининг айрим иллатларига — ҳаддан ошган ситам, мунофиқлик, шафқатсизлик ва бошқаларга қарши норозилик кайфиятлари мужасамлашади»<sup>1</sup>.

Бу давр газалиётидаги рақиб образининг характерли хусусияти шук, у машуқ даражада реалистик моҳият касб этади. Шoirлар рақиб образини сотқин, иккиозламачи, ёлғончи, бағри тош, бадфеъл, инсонийликдан, севги-мухаббатдан маҳрум каби сифатлар билан чизадилар. Бу даврда ана шундай кишилар роҳат-фароғатда яшаётгани, улар ошиқлар бахтига чанг солиб, бошига битмас-туганмас аламлар келтирганликлари, ошиқлар рашк ўтида қовурилаётганликлари газалда ҳаёт ҳақиқати билан далилланади.

Рақиб образи орқали шoirлар ижтимоий адолатсизликка нисбатан ўз муносабатларини кўрсатганлар.

Тиллар рақибинг борсам эшигинга гадо теб,  
Итатки магар ўзина ул қилди қабола.

Дедимки: «Рақибин қошиндан кўтар». Айтур:  
«Бир гул қаники, олаида юз хор топилмас».

<sup>1</sup> Н. М. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи, I-китоб, ЎзССР «Урта ва олий мактаб» нашриёти, Тошкент, 1963, 347-бет.

XIV — XV асрнинг I ярми ўзбек газалиёти учун характерли яна бир хусусият шукки, у ўзбек халқ оғзаки ижодиётидан чўқур озиқланиб туради. Оғзаки ижод учун хос бўлган юксак бадий тил элементлари, бадий воситалар: таъбеҳ, сифатлаш, қочғирим, қарғиш ва лексик бирикмалар, доимий эпитетлар ва мақол-мағаллар газалиётда жуда кўп учрайди. Бугина эмас, арузининг халқ оғзаки вазидага яқин рамали мусаммани маҳбул, рамали мусаддаси мақсур, мадиди мусаддаси солим, мунсарихи матвийи мавқуф, ҳазажи мусаддаси мақсур, ҳазажи мусаммани ахраби мақфуфи маҳзуф, ҳазажи мусаммани солим, рамали мусаммани маҳзуф вазидаги газаллар яратилди.

Бу давр шoirлари реал ҳаётда учрайдиган айрим воқеа-ҳодисаларни, ҳаётини реал деталарни муқојса предмети сифатида газалиётга олиб кирдилар. Натигада одамларнинг ўзаро муносабатлари, савдо-сотик, хунар-маидалик ва деҳқончиликка оид миннатдор эътизолар, табиат ҳодисалари тасвири газалдаш ўрни олди. Бу унга дунёвийлик, ҳаётинлик бағишлади, ишқий-ниғам кечималарнинг конкрет ва реал далиллар билан тасвирлашишга олиб келди:

Машфаатдур манто савам дарди,  
Агар эл қошида зарар кўришур.  
Зуафринга савдосида жонни фидо қилди кўнгул,  
Қорвони Чинга, оре, чоре йўқтур бождин.

Сўнги байт жуда широйли ҳаётин детал, асосига қурилган. Ошиқнинг кўнгли машуқа

зулфи савдосида жонин беради. Чунки савдо билан келган карвоннинг бож бермай идожи йўқ. Бу ерда «савдо» сўзи кўп маънода келади: 1. Савдо—савдо-сотиқ. 2. Савдо—ишқ. 3. Савдо—паршонлик. Ҳамма ҳолларда ҳам шоир айтомоқчи бўлган фикр мантиқдан тўғри.

1. Маъшуқа зулфига эришмоқ учун ошиқ мол-дунёси етмаса, жонини ҳам фидо қилади.

2. Ошиқ маъшуқа зулфи савдоси (ишқи)да жонини фидо қилади.

3. Маъшуқа сочлари ишқида ошиқ кўнгли паршон. Чунки сочлар ҳам паршон (ўризмаган).

«Чин карвон» дейишганда ҳам соч назарда тутиляптир. Чунки биричидан, сочнинг узунлиги карвонга ўхшатилади, иккинчидан, Чин карвони одатда мушк-анбар ҳам бўлиб келиб сотарди. Маҳбуба сочининг муаттарлигига ишора бўлганидан Чин карвони дейишган. Учинчидан, одатда маъшуқа зулфининг арабча «жим» ҳарфига ўхшатилиши, «Чин» сўзи ҳам шу ҳарф билан бошланишини эсласак, масала айден бўлади:

Уйқучи бахтим қаро чинини доим туш кўрар,  
Ваҳхи, тазбир ичра бордур тушта соч кўрган бало.

Ошиқнинг уйқучи бахти маъшуқанинг сочларини доимо тушида кўради. Таъбирга кўра, тушида ким соч кўрса, унинг бошига бало келармиш:

Ҳайратқа қолиб писга оғиз очтало қолди,  
Мажлиста чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.

Маъшуқанинг оғзи шу қўллар кичикки, мажлиста у ҳақда гап бўлганда, ҳайратдан писганинг оғзи очилиб қолади. Одатда дилбарлар оғзини писгага ўхшатилади (писга даҳон). Лекин маъшуқа оғзи писгани ҳам ҳайратга солган. Байда зулважҳайи савъатидан фойдаланилган, яъни байтин икки хил мазмунда тушуниш мумкин: 1. Гап оғзинг ҳақида борди. 2. Оғзингдан гап чиққан эди. Шунингдек, «Оғзи очилиб қолди» деган халқ ибораси байда жуда чиройли қилиб келтирилган.

Отоби, Саккобий, Лутфий газалиётларидан бундай мисолларни кўлиб келтириш мумкин.

## 2. XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XVI АСРЛАРДАГИ УЗБЕК ГАЗАЛИЁТИ

XV асрнинг иккинчи ярми газалиёти буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқ.

Навоий буюк новатор шоир эди. Бу энг аввало унинг образлар системасида кўринади. Шоир газалиёти рияд, мутафаккир сингари ижобий қаҳрамонлар, шайх, зоҳид, воиз, фақиҳ, муҳтасиб, адолатсиз шоҳ каби салбий тиллар билан бойли.

Навоийга қадар яратилган газалларнинг қаҳрамони — ошиқ фидокор, олижаноб секин эгеси, гуманет сифатида тасвирланган бўлса-да, у маъшуқанинг барча зулмларига кўнувчи, маълум даражада пасив эди. Бунинг устига у маъшуқадан секин талаб этишга журъат қилолмас, ўзининг муҳаббати билан масрур эди, холос. Навоий лирикасида энди ошиқ жасоратли, ўз қадрини билувчи, вафо ва муҳаббат изловчи, садоқатли, фидо-

кор сифатида тасвирланади, ўзини соҳиб  
қадр деб ҳисоблайди, эътибор талаб қилади:

Эй кўнгул, келдим, икков бўлур илгори кўзюли,  
Сара қадли истабон сийми узори кўзюли,  
Ерлинг кўз тулқонимиз кўзюли чун ўлга ёр,  
Бизда ҳам кўз бор, борибди бир ерда ёри кўзюли,  
Чун губори марказидан равшан айлар эл кўзи,  
Телмуруб тургунча бориб, шаҳсувори кўзюли,  
Саёр боғу дашт этар биз ҳам ана бир ёр улу,  
Бог сори кўз солован, дашт сори кўзюли,  
Гар анитдек шўх шаҳр ошубди офат тоғмасоқ,  
Бир фари мяхрибонга тамгусори кўзюли,  
Гарин полайдо эрур мақсуд армон қолмасун,  
Хосу ом ичра қила олгунча бори кўзюли,  
Эй Навоӣ, бўлмоғунг андин булар бирла халос,  
Келки, ҳам васили талаб сабру қарори кўзюли.

Шоир машуқа образини ишлашда ҳам ўз  
салафлардан анча илгари кетди. У машуқа  
образини анча ҳаётийлаштирди, уни реалис-  
тик штрихлар билан беъзади. Ҳазалии ўқир  
эканмиз, кўз ўнгимизда бутун борлиги билан  
XV аср ўзбек қизи намоён бўлади:

Ул зақанин улау гулгунани назора қил,  
Қим эрур бир олмақим, рағби эрур оку қилал,  
Ожиз ўлғай зулфининг сардолари таҳриридин,  
Гар хуруқ жисми тароғ янглиғ саросар чекса тил,  
Неча ўани ёшуруб чин юзга солиб гунчадек,  
Танг дилларга боқиб, халдон бўлиб бир ҳам оила,  
Сенда шабнам бурунчак, эй кўнгул, эрмас эжаб,  
Сунбул узра гар тунар шабнам, таажжуб қилманче,  
То киниб санжобни тўн, гулгун ўруқ, қилдинг хиром,  
Йўқ селиндек кабк раъно хусн саҳроенда бис.

Раз қизй ҳамдамалидин ою йил масг ўлмағил,  
Неча бўлғай ўтти умр ар ўлмаган бўлсанг ойл,  
Кўрманган бўлсанг, Навоӣ, сарв уза гул, қиз назар,  
Ким ул ой гулгуна суртуб хилъатин қилманш яшил.

Мазкур ғазалда шоир маҳубанинг пор-  
третини чизади: гузалининг юзига ула ва гул-  
гуна (элик) суртган, унинг ярми оқ, ярми қи-  
зил бўлиб, олмага ўхшаган. Унинг зулфи  
таърифини айтиб тугатиб бўлмайди. Иккинчи  
байтда тароқ тасвири ҳам бор. Ёрнинг қип-  
қизил лаблари гунчага ўхшайди. Соқларига  
бурунчак (понуқ)лар қадаган, санжобни тўн  
ва қизил этик кийган. Унинг юришлари как-  
лик хиромини эслатади.

Кўринадики, шоир конкрет ўзбек қизи пор-  
третини чизади ва унинг ўзига хос кийиниши,  
ҳусн-латофати, хулқи ва бошқа томонларини  
тасвирлайди.

Алишер Навоӣ новаторлигининг яна бир  
қирраси лирик қаҳрамон қиёфасида ҳам маъ-  
лум бўлади. Шоир лирик қаҳрамонни ўз са-  
лафлари сингари фақат ошиқ сифатидагина  
эмас, ринд, шоир, файласуф-мутафаккир си-  
фатида ҳам тасвирлайди. Натижада, лирик  
қаҳрамон ўша замоннинг энг олижаноб киши-  
си каби намоён бўлади.

Навоӣ лирик қаҳрамони борлиқдан, ҳаёт гу-  
залликларидан лаззатланишни нестайди. Аммо  
жамиятдаги тартибсизлик, адолатсизлик уни  
ўйлантиради, изтиробга солади, мушоҳада  
қилдиради:

Пил гавҳарқандурур ҳар саҳоби пил рағт,  
Бошида чангак ҳилолу ёнида хуриши занг,

Усру илҳори тажаммул қилди султони баҳор  
Қим бу янглиғ пил юз минг жилава айлар бедеранг,  
Айтади айвон зулоли ер юзми ойнавуни,  
Анжуму кув асидур айда раёхону ўланг,  
Дафъа-дифъа бир-бири узра бўлут офоқ уза  
Гўйибки тожире терди рухтни таво-танг,  
Чиле уни бирла май ил, кўргузди чун қавон қўзах  
Давр ила андоми чингу лаҳи-яро атвори чанг,  
Бўйла мавсулда керакдир айин баъзини туғали,  
Ҳам зумуррад ранг ер, ҳам боқан ёқут ранг,  
Бу бори бир ёну ул бир ёнки, нимак бопен,  
Соқил бўлғай бу давр ичра бағоят шўху шанг,  
Ҳам йилиттик, ҳам баҳор айёмини тут мўғтанан,  
Болау соқий учун қилмаққа тарки ному нанг,  
Эй Навоий, дам бу дамдур, тут ганинг, бола ил,  
Узга бир дамга стар-етмасқа чун воҳиф эманг.

Ҳазалда лирик қаҳрамоннинг баҳорнинг ажойиб манзарасига, демак, ҳаётга бўлган қизгин муҳаббати баён қилинган. Ҳаёт бир марта берилди, у кишига бахт-шодлик ато қилмоғи зарур. Аммо ҳаётда шодлик, бахт-саодат йўқ. Улар ўринини ғаму андуҳ, машаққатли меҳнат, азобу уқубат эгаллаган. Шунинг учун лирик қаҳрамон қаттиқ изтироб чекади, у ҳаёт бемаънигарчиликларини унутмоқ учун май ичди.

Алишер Навоий яратган образлар галереясида салбий образлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Агар унинг салафлари кўнчилиқ ғазалларида салбий образ қилиб асосан рақибни олган бўлсалар, шoir шоҳлар, шайхлар, соҳиблар, вонзлар қиёфасини чизди. Бу XV аср адабиётида жуда катта ижтимоий аҳамият.

та моллик бўлган жасорат эди. Халқ манфратининг ҳимой қилиб, золим, жоҳил, адолатсиз шоҳларни танқид остига олади. Иккинчидан, меҳнаткаш омманинг орзу-истакларини ифодалаб, шоҳларни одил, маърифатпарвар бўлишга чақиради.

Золим шоҳлар образи Навоийнинг эшик асарларида кенг ва атрофлича ишланган, лекин ғазалиётда ҳам айрим ўрипларда унинг шоҳларга муносабатини кўрамыз:

Эй Навоий, тар вафосиз чиқди ул султони ҳусн,  
Толтинг элдиким, тиларсен эмди султондин вафо.

Навоий ғазалиётдаги аниг шундай байтларни бир ерга тўпланса, золим, жоҳил, адолатсиз бир шоҳнинг мукаммал образи пайдо бўлади.

Навоийдаги яна бир янгилик шайх, зоҳид, вонзларнинг юмористик, ҳажвий образларини яратади, улар ҳақда махсус ҳажвий ғазалар битди.

Хуллас, ўзбек ғазалиёти, баъдий сўз санъати, ўзбек классик шеърини Алишер Навоий ижодида ўз камолотини топди, дунёга танилди.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср ўзбек ғазалиётининг иккинчи буюк вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобир эди. Унинг ширкаси Лутфий ва Навоий анъаналарининг давомчи бўлди.

Бобир классик поэзиямизнинг шу давр ичун янги бўлган мавзуъ ва образларни олиб



қирди. Ғазалнинг айрим турларини тажриба қилиб кўрди, ғазал тилини халқ тилига янада яқинлаштирди.

Бобир ғазалиётга диёр ва унга бўлган севги мавзунини ҳам олиб кирдики, бу ўзбек классик адабиётида муҳим воқеа эди.

Бобирнинг кўпгина ғазаллари диёр ва унга бўлган оташин севгини асосий иланда оригинал бир услубда беради. У «Ватанни кўпинча севимли бир «ёр» образи каби тасвир қилади. Ёрни диёрга, ёр ҳажрини диёр фироқига тенг қўяди. Бу икки образни — «ёр» билан «диёр» ни кетма-кет тизади ёки бири орқали иккинчисини ифодалайди. Диёрсиз ёрни, ёрсиз диёрни кўз олдига келтиролмайдми!»

Шунинг учун шoirнинг айрим ғазаллари биринчи қарашда ёрга бўлган муҳаббат тўрисидаги шеърга ўхшаса-да, унда ватан, диёр севгини жўш уриб туради:

Ғурбатда ул ой ҳажри мени тир қилибтур,  
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур,  
Мақдур борича қилурман сайин илосинг,  
То тенгрин, билмонки, не тақдир қилибтур,  
Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,  
Қимга ҳаваси сунбули тағйир қилибтур.  
Бу ҳид ери ҳосилдин кўп кўнгул олдим,  
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.  
Сендин бу қалар қолди бирок, ўлмади Бобир,  
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.

Мақдур ғазалда ватандан жудо бўлган,

1 Н. М. Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи,  
1-китоб, 652-бет.

диёрни соғинган, аммо Ҳиндистонда шоҳ бўлиб юрган кишининг қалбдаги соғини, ўкинч акс этган.

«Улки йиллар, оёлар ўткаргай ғаму мотам билар», «Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этсар», «Ғаҳи соғин не бўлди зорларни», «Ҳазон япирон янглиг тул юзунг ҳажрида сарғардим», «Келди ул вақтки бошимни олиб кетгаймен» каби ғазаллар ҳам ана шу мавзуда битилган.

Ғазалиёт тараққиётидаги Бобир хизматларидан яна бири шунки, у ғазал тилини халқ тилига янада яқинлаштирди. Агар Бобир ғазалларини унинг салафлари ғазаллари билан қиёсласак, тил нуқтан назаридан анча фарқ бор эканини кўрамыз. Бобир ғазаллари учун характерли момент тилининг жуда ҳам соддалигидир. У ўз ғазалларида ўзбеклар учун тушунилшин қийин бўлган сўзларни гоёл кам ишлатади. Бугина эмас, у қофия ва радифларни кўп ҳолларда соф туркий сўзлардан тизади. Масалан, 1965 йилда нашр этилган девонга кирган 114 ғазалдан 80 дан ортганини қофия, радифлари туркий сўзлардан иборат.

Шундай қилиб, Бобир ғазалиёти Нароий анъаналарининг қонуний давоми, шу билан бирга, XVI аср ғазалиёти етакчи тенденцияларининг тажассуми бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда ўзбек ғазалиёти янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Ғазалнинг формал поэтик ва голий-тематик турлари кўпайди, образлар системаси бойлди, ғазал ҳалққа яна ҳам яқинлашди, ундаги реалис-

тик тенденциялар кучайди. Кўрсатилаган даврдан кейин яшаган ҳамма шоирлар учун XV—XVI аср ўзбек ғазалиёти маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.

### 3. XVII АСРДАН XIX АСРНИНГ УРГАЛАРИГАЧА БУЛГАН ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИ

Бу давр адабиёти ўзбек халқи тарихининг янги даври маҳсулидир.

«...Феодал-клерикал реакция кишиларни, яъни аҳъларини қанчалик даҳшатли кулфатларга гирифтор қилмасин, бари бир у ялмфан, санъат ва адабиётдаги илгор традицияларни емириб ташлай олмасди, инсоннинг заковати ва даҳоси тараққиётини бўга олмасди». Прогрессив адабиёт яшашда давом этди. Ғазал ҳам ўзининг олдинги роли ва аҳамиятини сақлаб қолди, янада камол топди. Реакцион феодал-сарой адабиёти билан прогрессив демократик тенденциядаги адабиёт ўртасида борган кўраш ғазалчиликда ҳам ўзифодасини топди. Реакцион адабиёт вакиллари Аҳсанӣ, Адо ва бошқа кўлги ва шоирлар ижод этган ғазаллар ўта реакцион ғазаларни ифода этиш учун хизмат қиларди. Бу шоирлар бошқа адабий жанрларда бўлгани каби ғазалиётда ҳам шаклбозликни авж олдирилди, назирагўйликка, кераксиз мураккаб жимжимдорлик, ортиқча бежамадорликка берилдилар.

«Прогрессив руҳдаги ва демократик йўналишдаги асарлар ёзган Равнақ, Нишотӣ,

1 В. А. Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи, II китоб, «Ўқитувчи» насриёти, Тошкент, 1967, 9-бет.

Мужрим, Гулханӣ, Махмур, Ғозӣ, Шавқӣ ва Маъдан каби шоирлар қаламида ғазал бошқача йўл билан давом эттирилди. Уларнинг кўпчилик ғазаллари ҳаёт ҳақиқатини тақриблиқдан ёр ва дилдор, ошиқ ва машук, ақл ва идрок, дониш ва эътибор, зулм ва неғибод, хорлик ва зорлик ҳақида ҳис ва ҳаяжон тараққоли, ростгўйлик сазолари билан битилиб, мазмундор ва жозибали чиқар эди»!

Бу давр ғазалиёти ғазалчиликнинг барқарор анъаналарини, жумладан, севги мавзуси ва у билан боғлиқ ғоявий хусусиятларни давом эттирди. Шу билан бирга бу давр прогрессив ғазалиётда янги ижтимоий мотивлар пайдо бўлди.

Бундай ғазалларнинг биринчи намуналарини Машраб ижодида кўрамиз. Машраб ўз ғазалларида антиклерикал ва антифеодал ғояларни кўтариб чиқади, халқнинг оғир аҳволда яшаётганини, дунёга келиб, «Ғазада кетганини» айтади ва қайта дунё кўриш тўғрисида ҳаёли суради:

Шоирнинг «Дунёга келиб лойнга билмай бога қолдим», «Дунё сарига бир келибон ғамзада кеттим», «Дунёга келиб ранжу балони кўруб ўттум», «Тинмайин юрдум ва ғам даштида ҳайронлик билан», «Ёрни кўйида ўлгон бўрмукин?», «Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзае девона Машрабман», «Бу тани ҳоқини-ю, рухи равонни на қилай?», «Наманган шаҳридан кетсам, мени йўқлар қишим бўрму?» деб бош-

1 В. А. Абдуллаев. Юқорида кўрсатилаган китоб, 167-бет.

ланувчи кўлига назаллари фикримизнинг далилидир.

Ғазалларнинг яқин намуналарини Турди ижодида ҳам кўрамыз. Фикримизга унинг Субҳонқулихон ҳукмронлигини фож қилишга бағишланган оташнафас ғазаллари мисол бўлолади:

Бир сари азм айла, жойи номусулмондур бу мулк,

Фигинау авбон, зулму куфру тутендур бу мулк.

Бир калама хурматидин лек ислом оти бор,

Мутанҳо кирдори ҳайли кофиристондур бу мулк

Дур аҳду танг чашму бесару яъжуж ваъ,

Мухталиф маҳаб гуруҳи ўбакистондур бу мулк.

Наҳд жон берсанг тошмас یتасанг бир зарра айи,

Меҳнату андуҳи сўрсанг, фаровондур бу мулк.

Жойи یتому мусулмонлиг, Фароний, یتама,

Пойтахти кинвари Субҳонқулихондур бу мулк.

Турдининг «Тор кўнчилиқ беклар, манман деманг, тенглиқ қилинг», «Мусулмон бўлма асло ҳеч маҳаб йўлида, ўзбек» деб бошланувчи ғазаллари ҳам ана шундай типдаги асарлардандир.

Бу давр ғазалиётида яна бир тенденция кўзга яққол ташланади. Алишер Навоий бошлаб берган анъана асосида ҳажвий ғазаллар тараққий қилди. Турди, Гулханий, Махмур сингаря кўлига шoirлар ҳажвий ва юмористик ғазаллар битиб, уларда экспликаатор сифлар ва реактив дин аҳлларини қаттиқ қамчилайдилар. Айниқса, Махмур ҳажвий ғазалларининг катта устаси сифатида ижод қилди. Шoirнинг «Ҳапаялак», «Ғазали Муҳаммад Ражаб Авж дар боран худ», «Ғазали

Ҳожи Ниёз», «Ғазали лоуболи дар боран худ», «Дар сифати ҳаким Туробий ҳазор ҳалта будир», «Ғазал гуфтани мулла Якуб», «Ғазали қозини Хўжа сағбон» сингаря асарлари сиёсий сатирик ғазалнинг энг яқин намуналаридандир. Махмур бу ғазаллари учун объект қилиб аристократия вакилларини, руҳонийларни, амалдорларни олади. Уларни шафқатсиз таққид қилиб, ҳаётдаги ёмонликларнинг тинсони сифатида кўрсатади.

Шундай қилиб, бу даврдаги ҳажвий ва юмористик ғазалларининг мавзун анча келгайди, унга ижтимоий ҳаётдан порозилиқ мотивлари ҳам кириб келди. Шунингдек, уларнинг бадний хусусиятларида ҳам айрим янгиликлар пайдо бўлди:

1. Анъанага кўра, ғазалларга сарлавҳа қўйилмас эди. Кўпинча ғазалларнинг биринчи мисраси ё қофияси, радифи унинг номи вазифасини бажарган. Бироқ бу даврда яратилган жуда кўп ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг сарлавҳалари бор.

2. Бу давргача яратилган ҳажвий ғазалларда (масалан, Алишер Навоий ғазалларида), ҳаётдаги у ёки бу салбий шахсларнинг умумлашган образлари яратиларди. XVII асрдан бошлаб шундай ғазаллар билан бир қаторда конкрет шахсларни, шoirга замондош бўлган айрим кишилар образини реалистик тасвирловчи ғазаллар ҳам пайдо бўлди. Бундай ғазаллар кўнчилиқни ташкил этади. Бу нарсаси шунинг кўрсатадиги, ғазалда реалистик тенденция янада кучайди, у халқ ҳаётига яна ҳам яқинлаша борди.

3. Бу даврдаги ҳажвий ғазаллар кўпинча

фoш этилаётган кишининг ўз номидан ёзилар, натижада халқ орасида катта таассурот қолдирад эди. Бу халқ оғзаки ижодининг баракали таъсири натижасидир.

Бу даврдаги ўзбек ғазалчилигига буюк Фузунининг ҳам таъсири гоят катта бўлди. Фузунининг ижодиётидаги ҳаётга ва кишиларга бўлган оташин муҳаббат, юксак гуманизм фалсафаси ҳамда бадний гўзаллик ва баркамоллик ўзбек шоирларини ва китобхонларини мафтун қилди. Натижада унинг шеърининг халқимиз ўртасида катта шўҳрат топди ва XVII—XVIII асрдан бошлаб жуда кўп шоирлар Фузунининг шеърлари таъсирида асарлар битдилар, ундаги гоя, образларини тарафнам қилдилар, бутинамас, улар озарбайжон тили элементларини ўз шеърларига олиб кирдилар. Вафойи, Турди, Машраб, Роқим, Равақ, Андалиб, Нишотий, Мужрим Обид, Мунис сингари шоирлар ғазалиётларига назар ташласак, Фузунининг тилининг кучли таъсирини кўрамиз. Бу ҳодиса XIX асрда Нодира, Увайсий, Ғозий, Гулҳаний, Махмур, Отаҳий Комил Хоразмий каби шоирлар ижодида ҳам сезилиб туради.

XVII—XIX асрнинг ўрталаридаги ўзбек ғазалиёти формал-поэтик жиҳатдан ҳам тараққий қилди, ғазалининг турлари кўпайди, ғазали муламмалар, ғазали мувашшаҳлар, ғазали мушорраалар яратилди.

#### 4. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XX АСР БОШЛАРИДАГИ ЎЗБЕК ҒАЗАЛИЁТИ

XIX асрнинг иккинчи ярми Туркистонда катта ижтимоий-сиёсий воқеаларга бoй давр

бўлди. 1853—1876 йиллар орасида Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олинди. Халқ икки ёқлама зулм — колониал ва миллий зулм остида қолди. Натижада халқнинг иқтисодий аҳвали жуда оғирлашиб кетди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўйлашни объектив равишда ижобий ҳодиса эди. Чунки «Россия Шарққа нисбатан, ҳақиқатан, прогрессивроль ўйнади... Россиянинг ҳукмронлиги Қора денгиз ва Каспий денгизлари ҳамда марказий Осиё учун маданийлаштирувчилик ролинини ўйнади!». Россия қиёфасида Ўрта Осиё халқлари фақат колониал зулм келтирган «халқлар турмасини»гина эмас, «Европадаги революцион ҳаракатнинг илгор отряди»ни ҳам кўрди.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўйлашни натижа-сида бу ерга дунёда энг ҳаққоний ва революцион таълимот — марксизм-ленинизм таълимоти кириб келди. Асрий қоқоқлик ва жаҳолатда яшаб, озоодлик йўлини тополмай, озор чекаётган халқ тўғри йўл кўрсатувчи машъалга эга бўлди. Ўрта Осиёга капиталистик муносабатларнинг кириб келиши бу ерда ҳам пролетариатнинг шаклланишига хизмат қилди. Янги пайдо бўлган маҳаллий пролетариат рус пролетариати қиёфасида ўзинга содиқ дўст, чинакам иттифоқдош топди. Ҳар иккала-си барча эксплуататорларга — маҳаллий ва колониал зулмга қарши оғли, уюшган ҳа-

1 К. Маркс, Ф. Энгельс. Социализм, т. XXI, стр. 221.

2 К. Маркс, Ф. Энгельс. Коммунистлар партияси манифести, «Ўзбекистон нашриёти», Тошкент, 1965, 8-бет.

ракатни бошлаб юборди. Улар буюк Ленин асос солган ва тарбиялаган Коммунистик партия раҳбарлигида инқилобий курашга бел боғладилар ва охири енгиб чиқдилар.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишига маданият арбоблари икки назар билан қарадилар. Прогрессив позицияда турган, ҳаёқ ҳақиқатларига маълум даражада объектив баҳо бера оладиган маданият арбоблари бу ҳодисани қутладилар. Чунончи, Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Донш, Абай, Иброй Олтинсарин, Бердақ ва бошқа ўша замоннинг илгор фикр эгалари тарихий оқимнинг тўғри баҳолай олдилар. Аммо Ҳазиний, Мафҳум, Муҳъин, Қорийи сингари реакция арбобларнинг вакиллари билан бир гуруҳи Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишини худо томонидан юборилган жазо деб ҳисобладилар, бошқа гуруҳи чор амалдорлари теғирмонига сўв қўйиб, маҳаллий халқни зулм ва жаҳолат неканжасида тутиб туришга ёрдам бердилар.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши Ўзбекистонда демократик адабиётнинг туғилишига сабаб бўлди. Бу адабиёт учун классик мерос, буюк Навоний аъёнлари, ҳаёқ оғзани ижодияти ва қисман бўлса-да, жаҳон ва рус классик адабиёти таъсирли замин — асос бўлди.

Ўзбек демократик адабиёти учун юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, халқлар дўстлиги, ёрқин келажакка, ҳақиқат ва адолат талтанасига қимматли ишлов, қолонная зулмга, социал тенгеналикка, диний жаҳолатга нафрат қоялари етакчи эди.

Айланса, 1905 йилги рус революциясидан кейин Ўзбекистонда юз берган ўзгаришлар адабиётга янги инқилобий қояларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Завқий, Аваз, Анбар отия, Ҳамза асарларида замоннинг руҳи, қиёфаси акс этди.

Демократик адабиёт вакиллари ғазалиётнинг етакчи қоялардан бири ватанпарварлик эди. Ватан ва унга бўлган муҳаббат мотивларини тасвирловчи кўпгина ғазаллар яратилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек ғазалиётидаги маърифатпарварлик қояларини қуйлаш олдинги планга чиқди. Демократик адабиётнинг намоёндалари Фурқат, Аваз, Муқимий, Завқий, Нодим сингари шоирлар тинмай ўқиб-ўрганишни тарғиб қилдилар. Кейинчалик булар сафина Ҳамза, Айний, Авлоний каби маърифатпарварлар кириб келдилар.

Демократ шоирлар халқнинг бахт-саодатли бўлишининг қалити маърифатдир, деган ҳилосага келдилар. Авазнинг «Мақтаб», «Тил», «Топар экан қачон?», «Уламоларга», Қомил Хоразмийнинг «Қамол», Ҳамзанин «Илм неста», «Китоб», «Қалам» ва бошқа асарларида халқнинг маърифий жиҳатдан орқанда қолгани зўр ақилини билан тасвирланади.

Бу борада Аваз ижоддан мисоллар келтириш ўриндир:

Халқим оламим бари айлар тараққий қил-бақул,

Биз таназули айлабон қолдик эсиз не қора халқ.

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўймас бунёддек борхэ аввора жалқ.

Ё к и:

Очишлар, миялати вайронна обод этуви мактаб,  
Уқуси ёшларимиз, кўнглини шод этуви мактаб.

Авазнинг маърифатпарварлик ғазаллари ўзининг оптимизми билан ажралиб туради. Шонр ҳамма илм-и, бахтиёр бўладиган, маърифат нур сочувчи замоннинг келишига қаттиқ ишонади.

Бадий асарда маърифатли тартиб этиш диний таассубга қарши курашнинг ўзига хос усули эди. Диний мактабларнинг дунёвий bilimлар бермаслиги маърифатчиларни қоникчирмасди. Шонр ўзининг «Тил» номли машҳур ғазалида одамлар орасида алоқа ва муносабатларнинг воситаси бўлган байри тил-ни она тилдек билиш зарурлигини ва бу илм-хунар ривож учун аҳамиятли эканини ёзди:

Байри тилин савй қилинг билгали, ёшлар,  
Ким илму хунарлар ривожин андин аёлдор.  
Дозим сиза ҳар тилин билув она тилдек,  
Билмоққа ани байрат этинг, фойдали кондор.

Аваздаги каби маърифатчилик ғояси Ҳамза ғазалларида яққол кўзга ташланади. Ҳамза «Кимда дониш бўлса», «Уқил», «Илм не-та», «Китоб», «Қалам» ғазалларида Фурқат

ва Аваз шеърларида айтилган ғояларга ҳам-оҳанг «ҳар муруду мақсад»га етмоқнинг қалини, «ҳар баюдин асрағувчи энг муҳим қим-мат яроғ» маърифат эканини уқтиради.

XX асрнинг 10-йилларида келиб, 1905 йил-ги рус революциясининг таъсир натижасида Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инқилобий кўтаринкилик бошланди. Айниқса, биринчи жаҳон уруши бошлангач, Ўзбекис-тоннинг турли жойларида рус пролетариати билан маҳаллий ишчилар ҳамкорлигида ин-қилобий чиқишлар бўлди. Бу йилларда яра-тилган бадий асарларда кўнгина шонрлар яқинлашиб келаётган инқилобий бўронни се-за бошлайдилар.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинishi икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларни майдонга келтирди.

Бу ерда ташкил этилган вақтли матбуотда рус адабиёти ва унинг вакиллари ҳақида қа-тор материаллар эълон қилинди, марказий Россияда босилган бадий асарлар Ўрта Осиёга кириб келди. Бундан ташқари, турли сабаблар билан Ўрта Осиёга келиб қолган прогрессив интеллигенция ва рус революцио-нерлари маҳаллий халқ орасида, айниқса, маҳаллий ижодкорлар орасида рус адабиё-тининг тарқалишига катта ҳисса қўшдилар. 70—80 йиллардан бошлаб рус шонр ва ёзув-чиларнинг айрим асарлари, жумладан, Пушкиннинг «Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эргак», «Боқасарой фонтани», Крылов масаллари, Толстойнинг айрим ҳикоялари ўзбек тилида босилди.

Ўзбек демократ шоирларининг аксарияти бадий асар турмушни ҳаққоний тасвирлаши керак деб ҳисобларди. Чунончи, Муқимий:

Гар қилди бошимга ҳам келса дегайман ростин,  
Сўзми ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун,—  
деса, Аваз ёзади.

Баланд ногинадир кизбим, андан паноҳ этил,  
Улар ҳолатда ҳам деб рост сўз ҳолини табоҳ этил.

Шунга ўхшаш фикрларни Фурқат, Завқий, Ҳамза, Анбар отин ва бошқа шоирларда ҳам учратиш мумкин.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбек демократик адабиётида ҳам танқидий реализмнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Танқидий реализм XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида сатирик поэзиянинг кескин тараққий этишига сабаб бўлди. Муқимий, Завқий, Аваз ва бошқа шоирлар замона ярамасликларини, ҳукмрон синф ва унинг кирдиқорларини, руҳонийларни фош этарканлар, типик шароитларда типик характерлар яратдилар. Муқимийнинг «Сайлов», «Дар мазаммати замона», «Дар шикоят Лактин», «Ҳажви ҳалифан Мингтепа», «Турфа поддон баччагар», «Дар мазаммати қурбақа», «Авлён», «Чойфуруш», «Уруг», «Асроркул», Завқийнинг «Дар мазаммати замона», «Бўл», «Қарз», «Кўп қизик», «Каждор замона», «Ҳажви Ўнгчи эшон», «Абдурахим шайтон», «Ғудаслик бой», «Пашшалар»; Авазининг

«Шайх», «Икки шайх», «Кўсасан» сингари купгина сатирик ғазаллари танқидий реализм методи билан ёзилгандир. Бу ғазалларда замон руҳи яққол сезилиб туради, замоннинг реалистик тасвири берилди.

Масалан, Завқий «Бўл» радиопли сатирик ғазалида Ўрта Осиёга кириб келган капиталистик муносабатлар оқибати — ҳамма нарсани пул билан ўлчаш ҳодисасини жуда реалистик тарзда акс эттирди:

Аҳли дил бўлма, замоннинг бойи бўл, базозин бўл,  
Аққидин лангар чўп ушлаб, растанинг дарбозин бўл!  
Шеър эшитмайди биров, деврон қулоғи қар анга,  
Бир ҳовуҷ олтин, кумушиниғ хуш жараиғ овози бўл!  
Тегмагай ҳарғиз нишонга отган ўқ юз ҳажв ила,  
Хоҳ замоннинг шоири бўл, хоҳ тирандозин бўл,  
Истамас бўлса замона Завқий ёзган шеърини,  
Ким эшитсун яраши хоҳ рози, хоҳ норозин бўл!

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Ўзбек ғазалиётидаги образлар сиемасида ҳам бир қатор янгиликларни кўрамиз. Булар судхўрлар, банкирлар, саздогарлар образидир.

Бу даврда яратилган ошнқ, маъшуқа, рақиб образлари ҳам реалистик характерга эга бўлиб, қаҳрамоннинг қайси ижтимоий табақа вақили экани ҳам кўрсатилади.

Демак, демократ шоирлар янги ижтимоий муносабатлар натижасида пайдо бўлган янги табақа кишилари образини ҳам ғазалиётга олин қирдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бош-

ларидаги ўзбек ғазалиёти тил жиҳатидан ҳам, бадиий тасвирий воситалар жиҳатидан ҳам ғазалиёт тараққиётининг янги боёқчи бўлди. Гарчи энди ғазалининг янги оригинал формал-поэтик турлари пайдо бўлмаган эса-да, унга янги руҳ, оригиналлик бағишловчи қатор хусусиятларни, янги учрамайдиган оригинал ўхшатишлар, халқ иборалари, лексик бирикмалар ва бошқаларни кўриш мумкин.

Чинловчи, ўхшатишлар:

Ҳеч ошиқларни охи сизга тавсир этмади,

Бу бало кўнгулунинг қаттиқликда пўлод айлади.

Шавқидин кўрки еса — қўйса киши бир лўқмовор,

Гўйиб ивирмоён иесиг оя гадога нон келур.

Халқ иборалари:

Бозор шабда қайи тарафдин, дебон, келур,

Хайрон йўлида дийдаларим чормег яна...

Ногоҳ, Муқимий, учраса ақду ҳушим кетиб,

Турган еримда сурати девормен яна.

Мақол-маталлар:

Бор масақим, яхши одам дер эдим, ўзи билаур,

Йўқса найлардин қачон сизларга мен даво аюр.

Мани қачонгача ҳижрон тамда йиғлагасан,

Кўзум ёши бир кун сани тугтор, майлигаму?

Бўзда риш, эшакда жоя, тўти гапургоши билаи,

Эй афандим, сизга ул алабатга инсон бўлдиму?

Ғазалларнинг тилидаги янгиликлардан

ява бири шу бўлдики, оддий халқ тилидаги сўзларга сайқал берилиб адабий тилга кўплаб киритили бошланди.

Масалан, Муқимийда: ҳамёна, қалайсиз, тасаддуқинг кетай, масту инён, афандим, қирон келсун, ёқаси тугмалик, ширмоӣ, имлашмоқ, буз, эшак, сайлов, оқча, бир қоп сомон, мағзоба, қорни йўғон, пўстун, зарда қилиб, кўсаман, шумшук, доғули, жалтоб, кўкнор, улоқчилар, арава, искаб тонар, безгак, жўжа, хуржун, чова, хумдон, тўрва, шаҳсоққа, арқон, бордон; Фурқатда: камзули кўрмизи, хуштор, айланаӣ, сандал, тандур; Авазда: ватанпарвар, ҳуррият, капча, ёп, ҳаромизода, ситампарвар; Завқийда: атлас, кўнгуз, лангар чўл, раста, дорбоз, ўтхона (паровоз маъносда), уй пули, қўш ўрқачли нор ва шу каби сўзларнинг жуда кўп ишлатилганини кўраман.

Бундан ташқари, демократ шoirларимиз русча-интернационал сўзларга ҳам мурожаат қилди бошладилар. Кейинчалик бу сўзларнинг анчаси бизнинг тилимизда ўзлашиб кетди. Масалан, вогон (вагон) рад (ряд), банк, миллин (миллион), газит (gazeta), га-лош, поезд, мошин (машина), самовор (самовар), белат (билет), вексел (вексель), тил-граф (телеграф), тилпром (телеграмма) ва ҳоказо.







### ЎЗБЕК ГАЗАЛИЁТИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФОТИ

Газал пайдо бўлгандан то бизнинг кунларимизгача ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан тараққий қилди. Ҳар бир давр газалнинг гоявий-тематик ва формал-поэтик хусусиятларида маълум янгиликлар пайдо қилди. Бундай бўлиш гоят табиийдир. Адабиёт ҳам ижтимоий тафаккурнинг бир формаси сифатида доимий тараққиётда бўлади, янги давр вазифалари, талаблари натижасида ўсади, ривожланади. Натнжада, адабий жанрларнинг мазмун-мундарижасида ва шаклида ўзгаришлар, янгиликлар пайдо бўлади, у ёки бу жанрнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан янги турлари юзага чиқади. Бундан ташқари, ҳар бир улуғ шоир гоя ва мазмунда новатор бўлган каби шаклда ҳам маълум янгиликлар яратди. Тўғри, шакл мазмунга қараганда тез тараққиётга мойил эмас, унисбатан секинроқ ўзгаришга дуч келади. Бу ҳодисани газал тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Газалнинг мазмун, гоявий мундарижаси, образлар системаси, тематикаси ҳар бир даврда ўзгарган, тараққий қилган бўлса, унинг формал хусусиятлари: вазн, қофиялаш

усули, матлаъ, мақтаъ, таъаллус қўйиш одати ва бошқаларда катта ўзгаришлар юз бермади. Бироқ газал шакли узоқ вақт давомида қотиб ҳам қолмади, унинг формал-поэтик турлари кўпайди.

Шу вақтгача қилинган илмий ишларда газалнинг у ёки бу тури ҳақида турли муносабатлар билан гапирилган бўлса-да, унинг турла таснифи қилинмади. Шунинг учун биз ўзбек газалиёти материаллари асосида газалнинг формал-поэтик белгиларига ҳамда гоявий-тематик мазмунига қараб уни классификация қилишга уриндик.

### I

Утмишдаги жуда кўп тазкиранавислар газалнинг формал-поэтик хусусиятларига қараб маълум даражада тасниф қилишга уринганлар. Шу сабабли ҳам газални формал-поэтик жиҳатдан классификация қилар эканмиз, классик терминологиядан фойдаландик ва бундай классификацияни традицион классификация (тасниф) деб атадик.

Традицион тасниф учун газалнинг қофиялашни усули, тили, яққа ёки бир неча шоир томонидан яратилгани ва бошқа формал-поэтик хусусиятлари асосий принциплар қилиб олинди. Шундай қилиб, ўзбек классик ва ҳозирги замон газалчилиги материаллари ўрганилганда, газалнинг қуйидаги турлари аниқланди: оддий газаллар, газали ҳусн матлаъ, газали қитъа, газали мусажжаъ, газали муламмаъ, газали мувашиаҳ, газали мушопира, газали зуқофиятайн, газали зебоқофия.

а. Оддий газаллар. Классик ва ҳо-

эирги замон газалчилигимизда энг кўп тарқалган бу тур газалларни оддий газаллар деб атадик. Газалиёт тараққиётининг ҳамма этапларида ҳам бу тур газаллар а-а, б-а, в-а, г-а ва ҳоказо усулида қофияланган.

б. Газали ҳусни матлаъ. Бундай газалларнинг ўзига хос хусусияти шундгач иборатки, газал матлаи ва ундан кейинги байт ҳам тўла қофиядор бўлади, яъни газал қўшимчаланган бўлади.

Газалларда, умуман, матлаъ катта роль ўйнаган. Одатда газал матлаи қанча гўзал ва оригинал бўлса, бундай шеър яхши саналган. Чунончи, «Навой даврида газалининг матлаига катта аҳамият берилган», чунки «газалнинг оригиналлиги, аввало, шу матлага қараб белгиланган. Газалининг темаси, ғоявий йўналиши ҳам матлаъ асосида ривожлана бораган»<sup>1</sup>.

Газалда иккинчи матланинг бўлиши унинг бадиийлиги, жозоба-тароватини, зийнатини оширган. Бундан ташқари, шоир ўз ғоясини алоҳида уқтирмақ, таъкидламоқ мақсадида ҳам шундай қилган.

Ўзбек газалчилигида газали ҳусни матлаъ Алишер Навоийдан бошланди десак хато қилмаймиз:

Тун оқшом бўлади-ю, келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андуҳ ўтидин ҳар дам кулар парвонадек жоним.  
Не гам, кўрувса, кўксум пораси чоки гирибоним,  
Кўрунмас бўлса кўксум ёрасидин доғи пинҳоним,  
Ғамдин дурри маккундек, сиринким оқти Жайхундек,

<sup>1</sup> А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси, 125-бет.

Музайн қилди гардудек жаҳонни анки ғалтоним,  
Фалак ҳам тўлаи кивкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин.  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуридаи тобоним,  
Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ираа ўлғум ваҳ.  
Манига бўлсанг не Хири раҳ, нериб, эй оби ҳайвоним,  
Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тўйралик етмиш,  
Ул ой ҳақрида тор этмиш фалакин дули афроним,  
Навойи киби ҳижрондиш, бу оқшом ўлда афрондин,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб тар келса жононим.

Атайлаб Алишер Навоийдаги газали ҳусни матлалар орасидан газали мусажжан олдик. Чунки айрим газалларда иккинчи байтнинг қофияланиши тасодифий бўлиши мумкин. Келтирилган мисолда бундай эмас. Буни I ва II байтдан кейинги барча мисраларнинг сажли мисралар эканида, аммо ҳар икки матлаъ эса бундай эмаслигида кўриш мумкин.

Бу газалда лирик қаҳрамоннинг айрилиқдаги кечинмалари тасвир этилаётир. Бу маънони ўқувчига тезроқ ва аниқроқ етказиш учун шоир биринчи икки байтда фироқдаги ошнқнинг ҳолатини тўла тасвир этади. Қолган байтларда эса шоир ўз аҳволини бошқа нарсалар билан қўслаб тасвир этган.

в. Газали қитъа. Газали қитъалар формал жиҳатдан қитъаларга ўхшаб кетадилар, яъни бундай газалларнинг матлаъ мисралари ўзаро қофияланмаган бўлади.

#### М а с а л а н:

Дедим: қўлогинга олгун нерга тақ, ярашур,  
Дедим: тешуқлари оғриди, тор, майлигаму?  
Дедим: сошига улави кумуш пошук, ярашур,

Деди: белига тегиб оғритор, маънагаму?..  
Деди: висолинг-ла Алмаийи қил меҳмов,  
Деди: ёйи урушур ҳам сўкор, майлигаму?

Ғазали қитъаларни умуман ғазалиётини  
илк намуналарини деб қаралмоғи керак. Али-  
шер Навоий даврига келиб бундай ғазаллар  
эҳтимол бадийи жиҳатдан етук ҳисобланма-  
ган бўлсалар керак. Масалан, Навоий ўзи-  
нинг «Мажолис ун-нафос» асарининг I ва II  
мажлисларида турли шoirларнинг 84 та ға-  
зали матталарини келтиради. Булардан 13  
таси ўзбекча, 71 таси форс-тожик тилида.  
Аmmo бирортаси ҳам ғазали қитъаларнинг  
матталари эмас.

Бирок ғазалининг бу тури бутунлай йўқолиб  
кетмади. Бобир, Машраб ижодиётида, шу-  
нингдек, XIX асрнинг II ярми ва XX аср бош-  
ларида яшagan шoirлар (масалан, Ҳамза) га-  
залиёларида, ҳатто бизнинг замонамиздаги  
шoirларда аён-аҳёнда учраб туради. Ҳамза-  
нинг «Ўқиб», «Мактаб», «Ғалам» сингари га-  
заллари ғазали қитъаларнинг тилик намуна-  
ларидандир.

Ғазали мусажжаъ. Ғазали мусаж-  
жаъ (ёки сажли ғазал) асосий қофиядан таш-  
қари ички қофияларга ҳам эга бўлади.

Фикримизча, ғазали мусажжаъ ғазал жан-  
рини яна ҳам халқ оғзаки ижоди намунала-  
рига яқинлаштириш, эслаб қоллишини осон-  
лаштириш ва халқ куйларига мослаштириш  
истагидан келиб чиққандир. Лутфий, Навоий,  
Бобир, Машраб, Мунисе, Нодира, Увайсий,  
Муқимий, Фурқат каби шoirлар ғазалиётда  
бундай шеърлар кўлаб учрайди.

Ғазалининг бу тури шoirдан анча кагга ма-  
ҳорат талаб қилади. Чунки у асосий қофия-  
гагина эмас, ички мусажжаъ қофиясига ҳам  
диққат қилиши зарур бўлган. Шунинг учун  
бундай ғазаллар кўпроқ шoir маҳорати ка-  
молига етган пайтларда ёзилган. Шу нуқтан  
назардан қараганда, Алишер Навоийнинг га-  
зали мусажжаълари шoirнинг ўрта яшарлик  
ва қариллик йилларида кўпроқ яратилганини  
кўриш мумкин.

Ғазали мусажжаъ қофияларини усулга  
кўра икки хил бўлган. Биринчисининг қофия-  
ларини схемаси қуйидагича:

\_\_\_\_\_ а,  
\_\_\_\_\_ а.  
\_\_\_\_\_ б,  
\_\_\_\_\_ б,  
\_\_\_\_\_ а,

ва шу кабилар.

#### Масалани:

Ҳажринг кунин бир билару, ҳар соатин бир ойча бил,  
Ҳайрат маҳалли бўлмагай ўн икки ой гар бўлса бил.  
Ул ишватар чун очти юз, кўзга назар йўк, тилига сўз,  
Қим ашқиди боғланди кўз, ҳайраттин ул янглиғи тил,  
Чун шаҳсуворим отланур, андин фалак лаъб ўргенур,  
Ишқда жисмим тўлганур, ул навъким ўт узра қил...  
Кўрди Навоий жон аро, ғам шуъласи хирмон аро,  
Кўз мардумидек қон аро кўрган либосинини қили.

Кўринадими, бундай ғазалларда одатда маънавий ички қоялган бундай шеър мураббага ўхшаб қолгани мумкин.

Ғазали мусажжаларнинг иккинчи хили қуйидагича қоялган:

\_\_\_\_\_ а, \_\_\_\_\_ а,

\_\_\_\_\_ а, \_\_\_\_\_ а,

\_\_\_\_\_ б, \_\_\_\_\_ б,

\_\_\_\_\_ а. \_\_\_\_\_ а.

ва шу қабилар.

#### Мисол:

Қоши ёсини дейин, кўзи қаросини дейин,  
Кўнглима ҳар бирининг дарду бағосини дейин?  
Кўзи қаҳрини дейин, кичреки захрини дейин,  
Бу кудурат ора рухсори сафосини дейин?  
Ишқ дардини дейин, хажри набардини дейин,  
Бу қаттиқ дардалар аро васли давосини дейин?..  
Эй Навоий, дема қолу кўзининг васфини эт,  
Қоши ёсини дейин, кўзи қаросини дейин?

Кейинча ғазали мусажжаъ формасидан фойдаланиб ғазали мувашиъа, ғазали муламмаъ ва бошқалар, шунингдек, мусамматлар яратилган.

Д. Ғ а з а л и м у л а м м а ъ. «Муламмаъ» кўп маъноли арабча сўз бўлиб, ҳар хил рағба буюлганлик маъносини ҳам беради.

Термин маъносидан ҳам кўриниб турибдики, шоир ўз шеърини бир вақтда икки ёки ундан орттиқ рағбада — тилда ёзади. Муламмаъ терминни баробарида «ширу шакар» (базан «ширини шакар»), агар шеър уч тилда ёзилса, «шаҳду ширӯ шакар» терминлари ишлатилади.

«Ширӯ шакар» тожикча сўз бўлиб, сут ва шакар демакдир. Термин образли маънода қўллангани биланиб турибди. Ўзбек тилидаги шеър ҳам, форс тилидаги шеър ҳам яхши. Аммо ҳар икки тилда бир вақтда ёзилса, яна ҳам гўзалроқ, жозибалироқ бўлади, деган маънода ушбу термин ишлатилган бўлса, ажаб эмас.

Маълумки, ўзбек классик адабиётининг жуда кўп вақтлари султисонайн — икки тил эгаси эдилар. Хоразмий, Лутфий, Навоий, Гўлханий, Махмур, Мунис, Отаҳий, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Мирӣ, Ҳамза синагарни кўнгина шоирлар ўзбек ва тожик тилларида чиройли ва етук асарлар битган эдилар. Бу икки қардош халқ орасидаги қадимий дўстликнинг, маданият-маънавий алоқаларнинг ҳосиласидир. Шунингдек, кўнгина тожик шоирларини ўзбек тилида ҳам шеърлар битганлар. Бундай ҳолни буюк озарбайжон шоир Муҳаммад Фўзулийда ҳам кўриш мумкин. У уч тилни мукаммал билган эди. Озарий, форсий ва арабий тилларда гўзал ғазаллар ёзган.

Ғазали муламмаъ ўзбек классик ғазалчилигида ана шундай заманда пайдо бўлиб, асосан XVII, XVIII ва XIX асрларда келг таракқий қилди.

XVII—XVIII асрларда яшаб ижод этган оташнафас шоир Бобораҳим Машраб ғазали муламмасъ усталаридан эди:

Мендан саломе ба сўйи жопи,  
Эй бод, екур арзи ғарибон,  
Ҳам дәрдмандам, бехонумомам,  
Жоно, ту буди дардимга дармон,  
Ҳар чанд моҳи қурбон келодур,  
Ҳар дам қидурман жонимин қурбон,  
Эй дўст, ту рафти, то дийда рўят,  
Елауз қолбман дар шаҳри хирмон,  
Аз дарди ту номанда сабрам,  
Эмди пегарман тахти Сулаймон,  
Бечора Машраб кубди ғамингдин,  
Монанди зулфат ҳолим паршон.

XIX асрга келиб муламмасъ янада тараққий қилди. Дони, Мирий ва бошқа ўзбек шоирлари ҳамда Фахрий Рўмоний сингари тожик шоирлари кўпгина муламмаслар яратдилар. Чунончи, Мирийнинг қуйидаги ғазали характерли:

Айладим муңгуғ кўнгул ҳалон ба он сиймин бадан,  
Аз сари нозу итобам гуфт: — Муңгуғ санмусан?  
Дедим—Оре, мен эрурман хаста аз бедоди ту,  
Гуфт бо сад ноз: — Озорингни мен қиядим қачан?  
Дедим:— Эй, ширин зақан, имрўз коми дил бидеҳ,  
Аччиғ-аччиғ захриханд айлаб биғуфто:— Дам мазан!  
Гуфтам аз жаври ту омад жон ба лаб, ўлгум яқин...  
Гуфт:— Воқе нест, ҳозирдур сента гўру кафан...  
Турку тожик ишқинга ошуфта чун шарҳам кунам,  
Телбалардек Мирий ҳам гаҳ турку, гаҳ тожик даҳан.

е. Ғазали мувашшаҳ «Мувашшаҳ» сўзи арабча бўлиб, боғламоқ, айлантириб боғламоқ маъносини билдиради. Ғазали мувашшаҳ шундай бир шеърдирким, ундаги тоқё қофиядор мисраларнинг биринчи ҳарфларини бир-бирига боғланса бирор кишининг исми келиб чиқади.

Ўзбек поэзиясида мувашшаҳ қачон пайдо бўлган? Текширишлар шунини кўрсатадики, классик тазалиётимиз закиллари Хоразмий, Отоий, Саққокий, Лутфий, Навоий, Бобир ва уларнинг замондошлари бўлган бошқа шоирлар мувашшаҳлар яратмаганлар. Ҳолбуки, улар мувашшаҳни билар эдилар. Бунинг сабаби нима? Бунинг сабаби, фикримизча, у даврда кишиларнинг исминини яшириш санъати — муаммонинг кенг тарқалганлигидир. Шундай қилиб, мувашшаҳ ёзшига эҳтиёж бўлмаган.

Мувашшаҳ Европа ва рус поэзиясида анча кенг тарқалган, аслида қадимги юнон адабиётида пайдо бўлган акростихларга ўхшаб кетади. Акростихлардаги ҳар бир мисранинг биринчи ҳарфлари қўшилшидан кўпчи исми ё исми ҳамда фамилияси келиб чиқади. Лекин айни вақтда акростихлар билан мувашшаҳлар орасида каттагина фарқ ҳам бор.

Ғазали мувашшаҳларда кўпчи исми латин ҳarf билан чиқади:

1. Ғазал байтларидаги тоқ (биринчи, учинчи ва ҳокказо) мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади.

2. Ғазалдаги қофиядор мисраларнинг биринчи ҳарфлари олинади.

Шунини ҳам айтиш керакки, ўзбек классик

шеърнати араб алифбесига асосланган эски ўзбек ёзувида яратилганлиги сабабли биринчи қарашда киши исми ҳар қачон ҳам чиқарилмайди. Шунинг учун классик мувашишаҳларни ўқиб, улардаги исмларни топтоқ учун эски ўзбек ёзуви орфографиясидан хабардор бўлмоқ керак.

Илгор демократик поэзияда турган шоирлар томонидан яратилган ғазали мувашишаҳлар фақат бадий жиҳатдан, формал жиҳатдан юксак бўлибгина қолмай, ғоявий жиҳатдан ҳам етук ва нуқтадир.

Классик мувашишаҳларда икки усулни кузатиш мумкин.

Айрим шоирлар ғазал охирида маълум бир ишора билан киши номини қандай қилиб топшиш мумкинлигини кўрсатадилар.

М а с а л а н, У в а й с и й ё з а д и:

Увайсий, сонли мисраъ бошига бир ҳарфи тож эттим,  
Муред уздур, шқар бир исм, ўқур бўлсанг боимлосан.

Б у е р д а ш о и р а с о н л и (қофияли) мисраларнинг биринчи ҳарфлари қўшиб ўқилса, исм чиқишига ишора қилаётир.

Ғазали мувашишаҳларнинг иккинчи хилида номларни топиш тўғрисида ҳеч қандай ишорат бўлмайди. Отаҳий, Фурқат, Муқимий сингарини шоирларнинг ғазали мувашишаҳларида бундай ишоралар деярли учрамайди.

М а с а л а н, А ҳ м а д х о н н о м и г а ё з и л -  
г а н Ф у р қ а т м у в а ш и ш а ҳ и:

Утмай ишот ул пари ўтру келармукми?  
Жон чекти кўб бу гуссада қайгу келармукми?

Хасратда жон фиғор, кўпгилдур ҳўх илтизор,  
Ғорат нигоҳу ғаммаси жоду келармукми?

Мужда кетурди келмонидан субҳидам сабо,

Хилват билафша, хатти сумаибў келармукми?

Демаиғ мени фароват ила топти деб кеза

Олеиз кўзумага зарран уйқу келармукми?

Хуи тутти даштиларни кўзуминиғ сиршиқиди,

Ҳолим сўрарға кўзлари жоду келармукми?

Ойдек юзи фироқида мен йиғлабон кеча,

Олам кўзумага бўлди қоронгу келармукми?

Нолам уни қулониға етурса гар насим,

Деб кулбасида Фурқатий борму, келармукми?

Ж. Ғ а з а л и м у ш о и р а. «Мушоира»—икки ёки ундан ортиқ шоирнинг ўзаро шеърый суҳбати демак. Адабий терминологияда бу—икки шоирнинг биргаликда шеър ёзмоғидир. Мушоиранинг ғазали мушоира, мушоираи мусаммаот каби турлари бор.

Ғазалининг бу тури классик поэзиянинг илк даврларидаёқ пайдо бўлганга шубҳа қилмаймиз. Негакки, турли адабий фақалар, айрим шоирларнинг биографиясига доир маълумотлар мушоира ўзбек классик поэзиясида ҳам қадимий эканлигига етарли далиллар бера олади.

Алишер Навоий давrigа келиб мушоиранинг тараққий этгани маълум. Бидамизки, Хусайн Бойқаронинг саройида тез-тез адабий йиғинлар бўлиб турарди. Бунда шоирлар ўзларининг яхши асарларини ўқиб берад, турли адабий мавзуларда суҳбатлашар, тортишар, фикр олишар эдилар. Албатта, бундай пайтларда мушоиралар ҳам бўлиб турган. Булар фақат саройдагина бўймай, Навоий

Хузурида, Жомийиникида, шунингдек, бошқа шаҳарлардаги шoir ва фозилларникида ҳам- да мактаб-мадрасаларда ҳам ўтказилган ва бу анъана кейинчалик ҳам давом этган.

Масалан, Фурқат ёзди:

«Бу арода (яъни шoir Хўжаида экани- да — О. Н.) бир фозил киши бирга мувожи- лдин мадрасада анинг хузурида мустақим бўлдум ва баъзи илмлар иктисоб қилдим ва ҳар қайда яхши одам ва олим киши бўлса, бориб суҳбатига мушарраф бўлдум. Гоҳи шеър арбоби биле мушoirра қилдим...» (Фур- қат, II т., 124—125-бетлар).

XVIII ва XIX асрларда яшаган шoirлар- нинг кўпгина мушoirралари бизгача етиб кел- ган. Жумладан, Муқимий ва Нодим Наман- гонийларнинг қуйидаги ғазали мушoirраси эътиборлидир:

Н о д и м:

Жанжалда бўлиб биз биле муҳаббат Сотиболди,  
Бир марҳамат айлаб, бизи арзон сотиб олди.

М у қ и м и й:

Қозини(нг) хузурида этиб бизгача хизмат,  
Гўёки бир ўнга дуохон сотиб олди.

Н о д и м:

Қайтиб келаман деб, дараги бўлмади ҳаргиз,  
Қилма бу иш ўзгага ҳам, жон Сотиболди.

М у қ и м и й:

Очдинг бу кўнгул, гулчаларини бир нафасингда,  
Эй орази гул, соғларини райҳон, Сотиболди.

Н о д и м:

Бир сайру саёҳат тариқида тасаддуқ,  
Домлам биза борсанг-чи Намангон, Сотиболди.

М у қ и м и й:

Ногоҳ кўрибон ул келди, бўлдим асиринг,  
Нон урсун агар бўлса бу ёлгон, Сотиболди.

Н о д и м:

Гар ул қасами ноин Муқимийга ишонмас,  
Нодим урадур кўксига қуръон, Сотиболди.

Келтирилган мисолда ғазали мушoirра кон- крет бир тема, яъни Сотиболди Жанжалдан Наманганга кета туриб, тез қайтиб келаман деб, ўз сўзида турмай, бедарак кетганига ба- гишланган бўлиб, ҳар иккала шoir бу темани турли томондан очинга интиладилар. Ҳар бир шoir конкрет ҳолатда ўз маҳоратини кўрсатишга интилади, бошқача қилиб айтган- да, мусобақалашади.

Ёзма адабиётдаги мушoirраларни оғзаки ижоддан ўтган деб ҳисоблан керак. Қозоқ, қирғиз, туркманлар орасида айтишувлар кенг тарқалганидек, бизнинг ҳақимиз ичида ҳам тўй ва бошқа маросимларда тараф-тараф бўлиб айтиладиган ланарларни оғзаки мушoirралар деса бўлади. Бундай ланарлар кўпчи- на юмористик характерга эга бўлиб, маро- симга шодлик, хушчақчақлик келтиради, фойда қўшади.

М а с а л а н:

— Юқоридан келаман эшак ҳайлаб,  
Эллагимнинг ёнги теша бойлаб,

Бойнинг қизин сламан олчаклатиб.

Кели туғли хилман талтанглаиб.

— Анон тоғинг бошдан олган ҳайроқ.

Тўқим солмай тўриқ отга минган яйдоқ

Бой қизига мол бериб ялшгунча,

Дўннинг чаканга қўй, юртин бўйдоқ.

Отоий, Саккокий, Лутфий, Навоний, Бобир девонларида газали мушонралар учрамади. Эҳтимол улар газали мушонраларни ўз девонларига киритишни лозим кўрмагандирлар. Чунки одатда шoir девонга фақат унинг ўзи томонидан яратилган асарлар киритилган.

3. **Ғазали зуқофиятайн.** Бу—газалнинг кам учрайдиган турларидаи. «Зуқофиятайн» арабча сўз бўлиб, икки қофия эгаси, икки қофияли демакдир.

Қўшалoқ қофияли шеърлар санъаткорликнинг юксак намунаси саналган. Агар ғазал бошдан-оёқ шундай қофияланса, ундай ғазалии газали зуқофиятайн дейилган. Қуйдаги шеър шундай газалларнинг намунаси.

Еди лавъинг бирладур кўнглумда айш Жом жам,

Боеи навақининг шамимдин эрур ноком кам.

Сирри озингдир яқон ҳайнда беҳад ваҳму зан,

Бир табассум бирла бердинг елга ул авҳом ҳам.

Очмайин ораз ниқобидин, кўнгулдир воласи,

Ҳазридин васе ўлди ҳосил, еткүрүр найгом гам...

Наву но мус ибтилоси бирла Мирийдур асир.

Ким хижолат ҳаййидин тоз қилди бу бадном нам.

и. Ғазали зебоқофия ўзбек классик газалиида энг кам учрайдиган турдир. Бундай газалларнинг асосий формал хусусиятлари

шундан иборатки, газалнинг ҳамма байтлари худди матлаъ каби қофияланади (яъни а-а, а-а, а-а ва ҳоказо):

Дилбаримнинг зулфи сулбул, чеҳраси гулзор эрур,  
Бўйица ошиқ сапабар, юзица гул зор эрур.

Оғзи фасатук, кўрки таштук, ўзи мушфиқ ёр эрур,

Ҳусниниң чови Хитоу Чан ишида бор эрур...

Васфина Сайфи Саройиниң иши ашъор эрур,

Адиш ўзга бирла ошиққа емак ош ор эрур.

Кўрялсизки, одатда қофияланмайдиган мисраларнинг ҳам қофияланиши умумий қофия системасига зеб бўлиб тушган. Характерли томони шундаки, бундай газаллар ўзбек газаличилигининг нақ дaвлрлари учунгина хос, яъни бундай газалларин Аҳмадхўжа асаройи ва Сайфи Саройи шеъриятида учратилди, холос. Кейинги даврларда ҳам бундай газаллар яратилган бўлса керак, аммо уларнинг намуналарини биз бошқа учратмадик.

Ғазали зебоқофия шoirдан катта маҳорат талаб қилажаги кўриниб турибди. Чунки оддий газалларга нисбатан бундай газаллар учун икки барабар кўпроқ қофия зарур бўлади ва, демак, шoirдан тил ва унинг ресурсларини яхши билиш талаб этилади.

## II

Ўзбек классик газалиёти гоёвий-темастик жиҳатдан бой ва хилма-хилдир.

Эронлик олим Эҳсонийр Шотир ўзиниң «Шеърн форсий дар аҳди Шоҳрух» (1334 ҳижрий) деган китобида XV асрда яратилган форсий газалларни ўрганиб чиқиб, уларни гоё-



вий-тематик жиҳатдан ошиқона, орифона ва риндона (қаландарона) ғазалларга бўлади. Мақсуд Шайхзоданинг кўрсатишича, бундай тасниф ўша дэярларда яратилган ўзбек ғазалиёти учун ҳам тааллуқлидир.

Навой ғазалиётининг ғоявий-тематик донраси ҳақида бои маълумотни А. Ҳайитметовнинг «Навой лирикаси» асаридан олиш мумкин. Олим Навой ғазалиётини ишқий, сўфиёна, май темасидаги, сатирик, фалсафий, ватанпарварлик, пейзаж (асосан баҳор темасидаги) ғазалларга ажратди.

Ғазалининг ғоявий-тематик тараққиёти Навойдан сўнгги ўзбек классик шоирлари ғазалиётида давом этди. Масалан, ғазалда ёрдиёр ва унга оташин муҳаббат темасини Бобир ривожлантирган бўлса, сатирик образларнинг яратилиши Махмур, Завқий номлари билан боғлиқ бўлди. Муқимий эса, шайхлар, руҳонийлар — «авлиёларнинг иккиозламачилигини янги замон шароитида янгича баддий воситалар ёрдамида фоз қилди.

XIX асрнинг эҳири ва XX аср бошларида ҳажвий ва юмористик ғазаллардан ташқари публцистик ғазаллар ҳам тараққий этди. Бу, айниқса, Аваз, Муқимий, Фурқат, Ҳамза ва бошқа шоирлар ижодида ёрқин кўринади. Шунга мос ҳолда ғазалининг ана шу янги турларида янги образ—гражданин—шоир, исёнкор лирик қаҳрамон образи пайдо бўлди.

Ўзбек классик ғазалиётини ғоявий-тематик жиҳатдан қуйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Ошиқона ғазаллар.
2. Орифона ғазаллар.
3. Риндона (қаландарона) ғазаллар.
4. Ҳажвий ва юмористик ғазаллар.
5. Ахлоқий-таъ-

лимий ғазаллар. 6. Пейзаж ғазаллар. 7. Публицистик ғазаллар.

Энг аввало бундай тасниф шартли эканини айтиш керак. Чунки конкрет бир ғазални чуқур таҳлил этилса, унда фақат, айтилик, ошиқона ғояларгина эмас, орифона, риндона ғоялар, ҳатто ҳажвий ва юмористик элементлар ҳам бўлиши мумкин.

Шунга қарамасдан, гарчи кўпчилик ғазаллар кўп планли, кўп темали бўлсалар-да, уларда қандайдир бирор тема етакчи бўлади. Ўш, ғазалининг асосий ғоявий-тематик замирини ташкил қилади.

а. Ошиқона ғазаллар ўзбек классик адабиётидаги ғазалларнинг кўпчилигини ташкил қилади. Бундай ғазалларнинг етакчи хусусиятлари тўғрисида Мақсуд Шайхзода қуйидагиларни ёзди: «Ошиқона ғазалларнинг асосий мазмуни бир таъбир билан айтганда ошиқнинг ялнинши ва маъшуқнинг жабури жафосидан, шикоятдан иборат бўлган ва албатта, бунинг устига маъбуонинг жамол асосий ўрини эгаллаб олган». Албатта, ошиқона ғазаллардаги кайфиятларни бевосита шоир кайфиятларига боғлиқ бир нарсга деб аниқлаш, маъшуқа ва ошиқ муносабатларини шоир биографиясидан қидириш фойдасиздир. Ошиқона ғазалларнинг асосий темаси бўлган ишқ-муҳаббат кўпинча катта ижтимоий-фалсафий категорияга айланади.

Ўтмишдаги ошиқона ғазалларни ғоявий жиҳатдан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Юксак ахлоқий принципларга асосланган пок ишқ тўғрисидаги ғазаллар.

2. Сохта ишқ, ўткинчи ҳиссёғ тўғрисидаги  
газаллар.

Булардан биринчиси илгор мутараққий  
гояларни пролаганда қилувчи гуманиет шо-  
ирлар тарафидан яратилган бўлиб, инсоннинг  
энг оливи бахти бўлмиш дунёвий пок севги  
тўғрисидаги газаллардир. Бундай газаллар-  
да шонрлар дунёвий муҳаббатни илоҳий сев-  
гига ва ўткинчи ҳиссётта қарши қўядилар,  
уни ҳақиқий инсон бахти ва шодлиги сифа-  
тида куйлайдилар.

Жоним чиқадур, дард ила жонимма айтинг,  
Мен ҳаста гадо ҳолини султонима айтинг,  
Урғанмаку кўз ёши-ю ўлмақ дурур ишим,

Бу қиссани ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим бовлади қон гулча менгизлик,

Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,

Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобонима айтинг.

Дуффийи дилафгор тилар ҳажр элидги дод,

Аҳволини ул бетимау хонима айтинг.

Ё к и:

Кўнглум ўрталсун агар ғайрингга парво айласа,

Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқингни пайдо

айласа,

Ҳар киши васлин таманно айласам навмид ўлай,

Ҳар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа,

Узгалар ҳусин тамошо айласам, чиқсун кўзум,

Узга бир кўз ҳамки ҳусингни тамошо айласа,

Ғайр зикрин ошқоро қилса, дод ўлсун тилим,

Ҳанси бир тил ҳамки, зикринг фиқоро айласа...

Даҳр шўҳига, Навоий, сайд бўлма нечким,

Кун узори узара тун зулфин мутарро айласа.

Прогрессив шонрларнинг ошиқона газалла-  
рида куйланган муҳаббатнинг маъноси жуда  
кендир. Бу муҳаббат умуман инсонга, реал  
дунёга бўлган оташин муҳаббат сифатида  
удуғланади. Шунингдек, лирик қаҳрамон —  
ошиқ энг соф ва энг пок ахлоқли киши сифа-  
тида талқин этилади.

Реакцион адабиётдаги ошиқона газаллар  
сохта, ўткинчи ҳиссётларни тарғиб қилувчи,  
агар таъбир жоиз бўлса, порнографик шеър-  
лардир. Уларда аёлларнинг ташқи гўзаллиги  
ва севги тор интим туйғу сифатида тасвир-  
ланади. Ростини айтганда, бундай газаллар-  
да хотин-қизлар удуғлаямайди, аксинча,  
уларнинг инсоний қадри ерга урилади, иффа-  
ти ҳақорат қилинади.

б. Орифона газаллар ошиқона газал-  
лардан сўнг энг кўп тарқалган турдир. Бундай  
газалларнинг етакчи темаси фалсафий маса-  
лалар бўлиб, уларнинг «орифона» деб аталмо-  
ғи ҳам шундандир. Орифона газалларнинг те-  
маси, гоёвий мазмуни ва образлар системаси  
тўғрисида Мақсуд Шайхзода ўзининг юқори-  
да айтганимиз «Ғазал мулкининг султони»  
мақоласида қуйидагиларни ёзган эди:

«...Орифона газалларнинг мазмуни вужуд  
бутунлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг  
маънавий таянчини ташкил этади. Ваҳдат  
вужуд (ёки вужуд ваҳдат) бутун газалга  
фасилот, суратлар бахш этиб беради. Бу хил  
газалларнинг образлари ҳам, йўналиши ҳам  
бошқа оқимлардан тамоманла айрилади. Обид  
ва маъбуд, қосид ва мақсуд, позир ва ман-  
зур, холиқ ва махлук, маст ва махмур, шоҳ  
ва дастур, фоний ва боқий, одам ва олам,

Мусо ва Фиръавн, зоҳир ва ботин, зарра ва офтоб ва ҳоказолар орифона лирикани чуқур озиқлантириб туради.

Орифона ғазалларнинг келиб чиқиши сабабларини яхши билмай туриб уни тушунтириш қийин. Шунинг учун ҳам бу ўринда шу масалага қисқача тўхтаб ўтиш лозим деб ҳисобладик.

Кўнгина олимларнинг таъкидлашларича, Шарқда тасавуф аввало ортодоксал мусулмончиликка нисбатан норозиликнинг ифодаси сифатида пайдо бўлди. Кейинчалик у яқин йўналишда — прогрессив ва реакцион йўналишда давом этди.

Тасавуф фалсафаси гоят мураккаб ва чаққондир. Чунки ундаги турли оқимлар кўп қирралари билан бир-бирларидан фарқланадилар. Бироқ шундай бўлса-да, Ўрта Осиёда жон тарқалган тасавуфнинг уч йўналишини белгилаш мумкин. Булар ваҳҳ (мистицизм), зуҳд (аскетизм) ва вужудия (пантензм) оқимларидир. Биз мазкур ўринда тасавуф фалсафасидаги прогрессив адабиётга тегишли момент, яъни пантензм тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Пантензм фалсафасига кўра, кишиларнинг атрофини ўраб олган дунёда, борлиқда худо («офтоб»)нинг зуҳури («зарралари») бор. Шунинг учун бу дунё ҳам севилишга лойиқ. Сўфий учун энг олтин мақсад — офтобга етиш ва у билан қўшилиш (ваҳдат)дир. Бунинг учун у зоққ йўлни (тариқат) босиб ўтиши керак. Булар: тавба, вараъ (ҳалол-ҳаромни фарқлаш), зуҳд (қаноат, ўзини тия билтич), фақирлик, сабр, таваккул (ҳамма нарсада

хулоға сулиши), ридоъ (бўйсунмоқ) дир. Булар мақомлар деб аталади. Улар маълум психологик ҳолатларни ифодалайди. Шу мақомларни босиб ўтган киши ўз мақсадиға эришмоги мумкин. Кўрдикки, сўфий дунё машмашаларидан тўла юз ўғирмоғи керак. Шундан воқимларга, бойлик орғариши учун иштилган оқимларга, зар деб зўрлик қилувчиларга, художўзларга, инсон деб аталган энг юксак тўзалдикнинг инсонига жабр элувчиларга, ҳаром-ҳалолни тўхсоллига жабр элувчиларга, ҳаром-ҳалолни фарқламавчиларга нисбатан ғазаб ва нафрат келтириб чиқарилади. Тариқат мақомлари босиб ўтилган, сўфий фаного эришади, яъни у ўзингдан мутлақо воз кечади. Шундан кейингина у ўз мақсади — ҳақиқатга эришган, бақога етишган бўлади.

Тасавуф вақиллари үшбу фалсафани кенг халқ оммаси ўртасида тарқатишга иштилдилар. Бунинг учун улар поэзиянинг халққа яқин, тушунарли формаларидан (чунончи, ғазал, рубоий ва бошқалар) фойдаландилар. Бугина эмас, улар дунёвий поэзия учун хос бўлган образлар системаси, бадний приёмлар ва тасвир воситаларини ҳам қабул қилдилар. Бироқ буларни тасавуф вақиллари аллегорик маъноларда ишлатдилар.

Тасавуфнинг ваҳҳ ва зуҳд йўналишлари дунёни рад қилан, ўлмасдан бурун ўлиш каби реакция ғояларни тарғиб қилади. Шунинг учун бу оқим идеологлари яратган ориқона ғазаллар ўз навбатида ўта реакцион ғояларни тарғиб этди. Аммо вужудия оқими бу дунёни ҳам юксак қадрлар, ҳаётни художўзнинг неъматидеб билар, шунинг учун у дунё деб, бу дунёни унутмаслик ғояларини (дил

ба ёр, тан ба бозор) пропаганда қиларди. Худди шу оқим вакиллари яратган орифона ғазаллар дунёвий руҳда бўлиб, дунё, инсон, ҳаёт масалаларини ёритишга катта эътибор қиларди.

#### М а с а л а н:

Зиҳи зуҳури жамолнинг қуёш киби пайдо,  
Юзунг қуёшига заррот киби қави ўлуб шайдо,  
Юзунг энёсидин ар сўбҳ айи ичра баёз,  
Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо,  
Зуҳури ҳуеунг учун айлабон мазохирини,  
Бу кўзгуларда они жылвагар қилиб амдо,  
Чу жылва айлади ул ҳуеи неғабон ошиқ,  
Салойи ишқни этиб офариниш ичра нидо,  
Пари қабул эта олмай они, магарким мен,  
Қилиб отимни зулуму жаҳул бирла адо,  
Демайки мен, ўзи машуқ ўлуб, ўзи ошиқ,  
Қи тийи гайрат ўлиб анга нақш гайри зудо,  
Навойи ўлмади тавҳид туфтуғу била фаҳм,  
Магарки айлатосен тилини қатъу жонни фидо.

1-байт: Эй худо, қандай яхшики, жамолнинг зохир бўлиши худди олам ичра қуёшга ўхшайди. Қави заррот (яъни қуёш) юзинг қуёши олдида бир заррадирким, у сенинг жамолингга шайдодир.

2-байт: Агар юзинг (жамолнинг жилоси) дан тонга оқлиқ берилса (яъни сен дунёни бор этган бўлсанг), сочинг (яъни инсон билан майданган сирларинг) дан шом савдога (жазаба олийга) тушади.

3-байт: Дунёни (кўзгуларни) атайлаб жылвагар қилиб яратдинг ва унда ўз ҳуснингни зохир қилдинг.

4-байт: У ҳусини истаган ошиқ (яъни сўфий) ўз ишқи овозасини яратилаётган вақтиндақ нидо қилган эди.

5-байт: Бу нидонг пари қабул эта олмади, мен эса нодон ва жоҳил бўлганимдан уни (яъни ишқни, ошиқликни) қабул этдим.

6-байт: Мен эмас, ўзи (худо) ўзига (худога) ошиқ ва машуқ бўлди, яъни инсон худдо билан бирлашти, тавҳидга эришти. Ошиқнинг машуққа бўлган муҳаббати (гайрати) тини қалбида нақш қолдирди.

7-байт: Сўз билан тавҳидиятга эришмоқ мумкин эмас, бунинг учун жонни фидо қилиш лозим, яъни ошиқ (сўфий) тарикат йўлида ўзлigidан кечмоғи (фано бўлмоғи) зарур.

Мазкур ўринда Навойнинг прогрессив пантенстик қарашлари акс этган. Шоир худдонинсон дўсти Деб ҳисоблайди, бу дунёда худдонинг жамоли зоҳирдир, шунинг учун дунёни севин керак деган ғояни беради. Шу ўринда бошқа бир нарсасга ҳам диққат қилмоқчимиз. Шоир ўзининг орифона қарашларни ошиқона образлар, тасвир воситаларидан фойдаланиб бераётир. Бу ерда реал гўзалга хос жамол, соч агрибуллари ва ошиқ кечималарини билдирувчи сўзлар бор. Аммо улар мажозий маъноларладир.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек классик адабиётида учрайдиган барча орифона ғазаллар учун хос бўлган бир хусусият бор: бундай ғазалларнинг тили ошиқона, ахлоқий-таълимий, пейзаж ва бошқа турдаги ғазаллар тилига қараганда анча оғир, образлар системаси мавҳум, қоронғироқ бўлади. Фикримизни Навойи, Бобир, Машраб, Нодира,

Хувайдо ва бошқа шoirларнинг орифона газалларининг тили ва услуби исбот этади.

Орифона газаллар яратган жуда кўп ўзбек прогрессив шoirлари ўзларининг инсонпарварлик гояларини тасавуф фалсафаси инсонпардаларига ўраб пропалаганда қилганлар. Демак, маълум даражада орифона газаллар прогресс учун хизмат қилди. Шунинг учун ўзбек классик шoirларининг деярли ҳаммаси орифона газаллар битганлар. Ҳатто шеърини девоиларни орифона газаллар билан бошлаш одат тусига кирди.

XIX асрининг иккинчи ярмига келиб, яъни Ўзбекистонда антагонистик курашлар авж олган пайтларда яшаган прогрессив шoirлар ижодида орифона газалларни жуда кам миқдорда учратамиз, айримларида эса мутлақо учрамайди.

в. Риндона (қаландарона) газаллар кўпинча май ҳақидаги газаллар деб ҳам юритилади. Риндона газалларининг етакчи хусусиятлари тўғрисида гапириб, Мақсул Шайхзода юқорида зикр қилган мақолада қуйидагиларни ёзган эди:

«XV асрдаги қаландарона газалларнинг асосий куйлари дарवेशлик (риндлик) ва мастликни мақташ, зоҳид ва сўфийлар устидан кулш, майхона, бода ва соқийни улуглаш, дунёни бир жом шаробга сотиш. Тавабонни бузмоқ, тўнни (жомани) майхонага гаровга қолдирмоқ, масжидни тарк этмоқ, пири муғонга камарбасталик, соқийга маҳлиё ва мафтун бўлиб, ўзини йўқотмоқ — қаландарона газалларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Жаҳл, қайсарлик ва ўзига ортиқча би-

но кўншининг надомати ҳам қаландарлар поэзиясининг севиб ёқтирган мавзуларидан бўлган».

Муусулмон дини ақидаларига кўра, бу дунё инсонни синаш, унинг жаннат ва ё дўзахга муносибалигини аниқлаш учун яратилган фойврий бир дунёдир. Шунинг учун одамлар фойврий дунёда худого нбодат қилмоқлари, ундан шафқат тиламоқлари, зулм ва зolimга, адолатсизликка ва фақирликка чидамоқлари, дунёга кўнгли бермасликлари, кўзлари ёшли, қалблари гамли бўлмоғи, шодликдан узоқроқда яшамоқлари лозим. Кўринадими, бундай талаб илк тасавуф вакиллари қарашларига ҳам, прогрессив мутафаккирлар қарашларига ҳам зид эди. Натижанда улар онгида бундай талабларга қарши норозилик кайфиятлари пайдо бўлди. Худди шу кайфиятлар шарият таъқиқлаган май ва майхона, санам ва бутхона кабиларни мақташ орқали ифода этила бошланди.

Шундай қилиб, риндона гояларининг келиб чиқиши учун тасавуф фалсафаси ва прогрессив йўналишдаги адабиёт замни бўлди. Шунинг учун ҳам риндона газалларда иккинйўналишни кузатиш мумкин:

1. Ваҳдат майи (мистик май) тўғрисидаги риндона газаллар.

2. Шодлик, ҳаётга муҳаббат, шарият доғмаларига қарши кураш рамзи бўлган (дунёвий) май тўғрисидаги газаллар.

Бундан бировичи кўп ҳолларда тасавуф фалсафасига асосланади. Ундай газалларда май шодлик, ҳаётга муҳаббат тимсоли эмас, фалсафий категория, олий зот (худо) га

Ваҳдат бўлиш, ундан сўнг юзага чиқадиган психологик вазиятдир. Бу ҳақда «Миръоти ушшоқ» номли тасаввуф терминларини луғатида қуйидагилар битилган:

«Май — тажаллиёти олиҳиро гўянд»,<sup>1</sup> яъни май олғий зот (худо)нинг тажаллисидир.

Қўринаднки, ундай ғазалларда май дунёвий маънода эмас, мистик маънода келади. Чунончи, клерикал адабиётнинг йирик вакили бўлган Аҳмад Яссавий ўзининг «Ҳикматлар»ида «май» сўзини шу маънода ишлатади:

Қайда борсам, Хир бобом ҳозир бўлди,  
Ғавс-ул-Ғиёс май ичурди — тўйдим мано...  
Уттуз учда соқий бўлиб май улаштим,  
Жоми шароб қўлга олиб тўя ичтим.

Ваҳдат майн тасвир этилган ғазаллар ўқувчиларга шарият ақидаларига сўзсиз бўйсуниш кераклиги гояларини пропаганда қилиб, реакцияга хизмат этдилар.

Дунёвий прогрессив адабиёт вакиллари ҳам қўллаб риндона ғазаллар битдилар. Навоий, Бобир ва улардан кейин яшаган шoirлар ижодида бундай ғазалларни қўллаб учраши мумкин.

Бу шoirлар ижодидаги риндона ғазаллар шодлик, ҳаётга муҳаббат, шарият доғмаларига иттиботан исён рамзи бўлган майни тасвирлайди. Бироқ бу майни натурал май билан асло аралаштирмадик керак. Масалан, ада-

<sup>1</sup> Е. Э. Бертельс, Суфизм и суфийская литература, изво «Наука» М., 1966, стр. 173.

бийишмас А. Ҳайитметовнинг қуйидаги сўзларига диққат қилайлик:

«Маълумки, мусулмон руҳонийлари май ичини ташқиқ қилар, давлат маъмурлари эса, иувчиларни ташқиқ этар эдилар. Шунинг учун натурал маънодаги майни тўридан-тўри тарғиб этиш эски зороастризм динини ёқлаш, исломга ва мавжуд маъмурияга қарши борни деган гап эди. Навоий эса ана шу маъмуриянинг устуларидан бири, таниқли мусулмон шoirи ва идеолог сифатида ошқидан-ошқиқ шу йўлдан бориши мумкин эмас эди»<sup>1</sup>.

Шунингдек, Навоий ўз хатларида ҳам май ичмасликни қайта-қайта уқтиради. Масалан, «...ҳеч наҳфи ижтиноб чоғир таркича бўлмас... Ва чоғирни «умм ул-ҳабонс» дебдурлар. Жамъи ёмонлик андин мутаваллид бўлур». (Асарлар, 13 т., 101-бет).

У Мавлоно Садр Қотибий, Паҳлавон Хусайн, Сайид Қуразо ва бошқа шoirларнинг майга мағлуб бўлганликларини кўрсатиб, иувчилик орқасида ўз исёвдод ва саломатликларини йўқотганликлари учун танқид қилди.

Худди шунга ўхшаш фикрларни Махмур, Мунис, Нодира, Огаҳий, Фуқрат, Муқимий ғазалиётларига иттиботан ҳам бемалол аййтиш мумкин.

Навоийнинг майга бағишлаган қуйидаги ғазалини кўрайлик:

Соқиб, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,

<sup>1</sup> А. Ҳайитметов, Навоий лирикаси, 142-бет.

Шарт буким, ҳар неча турсанг лаболоб, сипқорай.  
Бўғима жоме қулоб, қутқар гадоимиди мени,  
Ваҳ неча бўғзум чекиб бир журъа учун ёлборай,  
Бир қадаҳ май берсалар, ваҳ, қолти ифлосдин,  
Неча лаъли қиймати тошқон гадодек олдорай,  
Тортай ўзумни эваз, ким қилса эҳсон бир қадаҳ,  
Бу баҳона бирла ўзлукдин ўзумни қутқорай,  
Ваҳҳи май жон нақдио тап доғидур, эй мугбона,  
Хилқатим ганжичасин юз қатла гар худ ахторай,  
Жонга еттим ақл васвоси била, тешири учун,  
Соқиб, жомимда афъюн эзкин, ботроқ телборай,  
Эйкин, дебсан гайрдин айру қелу чек жоми васл,  
Гар бу хилватда Навоий маҳрам эрмас, қайторай.

Ошиқ маъшуқанинг васлини излаб гадодек бўлган. Шунинг учун у соқийга мурожаат қилди, май сўрайди; у бир лаҳзагина ўзини унутмоқчи. Лекин ихтиёрин май ичмоқ гуноҳ, аммо унинг кўнгли май тилайди. Шунинг учун у соқийга майни ўз бўғзига мажбуран қуйиб юборишини илтимос қилади. Шариятта кўра, май ҳаром. Аммо унга мажбур қилиб ичирсалар, у ифлосликлар орасидан лаъл толган гадодек шодланган, шодликдан довдираб қолган бўлур эди. Мақсуд Шайхзода ёзганидек, ринд бир қадаҳ май учун ўзини эваз қилади, у нақд жони ва танини муғбачага тоширмоқчи.

Кўринадики, Навоий кўпинча ўз риндона газалларида ҳаётдан чеккан озор ва гамларини унуттиш баҳонаси сифатида майни тасвир этади. Албатта, бу ҳол реал ҳаёт манзаралари билан боғлиқдир. Ҳаётдан зада бўлган кўп кишилар меҳнат ва машаққат тортганлар, азобу андуҳдан қутулиш йўлларини билма-

ганлар, ўзлари учун чора деб майни танлаганлар. Шу деталь шеърга киритилган, аммо у ҳаёт ва ундаги норасоликларни таъкид қилишга хизмат этган. Шундай қилиб, прогрессив газалиёда май темасининг ёритилиши катта ижтимоий-сиёсий гоаяни ташнаган.

Фикримизнинг далили сифатида бошқа бир фактни ҳам келтириш мумкин. Маълумки, жуда кўп ошиқона, орифона ва бошқа газалларда шоирлар бирданига соқийга мурожаат қиладилар, май ичиш лозимлигини айтадилар. Масалан, Навоий ўзининг «Ул муҳаккал кўз жафосидин агар бўлсам қатил», деб бошланувчи ошиқона газалида соқийга мурожаат қилиб ёзади:

Соқиб, тут бир қадаҳ, майим, эритай тошин,  
Ким гаму андуҳ ензосидин эрур кўнглум сақиб.

Бундай мисолларни Бобир, Муавис, Отаҳий, Нодира сингари шоирлар газалиётидан кўп-кўп келтириш мумкин. Бу ҳол риндона газаллар катта ижтимоий-социал ва сиёсий проблемаларни ҳам кўтариб чиқувчи газаллар эканини кўрсатади.

Ҳажвий ва юмористик газаллар. Инсон тирик экан, унга қулги ҳамдамдир. А. И. Герцен таъбири билан айтганда, қулги, шубҳасиз, йўқ этувчи энг қудратли қуроллардандир! Ҳаётда учрайдиган камчилик ва қусурларни қулги воеситаси билан таъкид қилиш усули қадим замонлардан бери мавжуд.

† А. И. Герцен. Полн. собр. соч. и писем, т. X, стр. 12.

Ҳажв Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий асарларида элементлар ҳолда бўлса-да, кўрина бошлайди. Кейинчалик Лутфий, Юсуф Амирий, Яқиний сингари шоирларнинг асарларида ҳажвий образлар ва эпизодларни учратамиз. Аммо бу даврда махсус ҳажвий ва юмористик асарлар ёзган шоирларни кўрмаймиз.

Навоийгача бўлган ўзбек ғазалчилигида гарчи ҳажвий бўлмаса-да, юмор билан сўзланган ғазалларни онда-сонда учратиб бўлмаймиз.

Отойнинг қўйидаги ғазалга диққат қилайлик:

Сени мен оғладим, бевафо эмиштуксан,  
Кўнгулга офату жонга бало эмиштуксан,  
Бу мунча жонлар олиб, тўймадинг халойиқдан,  
Эй ҳусн боби, не кўзи қаро эмиштуксан,  
Азада не гунаҳ элтиб қўнгулки, хўблардин  
Бу мунча меҳнату ватга сазо эмиштуксан,  
Гаҳеки, босса оёғин юзумга, ибоз ила дер:  
«Оёғим оғриди, не бўрё эмиштуксан!»  
Юзига кўп тика боқсам, маша кўлб айтур:  
«Отойи, не кўзи тўймас гадо эмиштуксан?»

Келтирилган ғазалнинг IV, V байтларида ширин бир юмор бор. Мазҳуққа ўз йўлида ётган ошқинг юзини босганида оёғи оғриганини ноз билан айтиб, уни бўйрага ўхшатади. Ошқини «кўзи тўймас гадо» деб атайдди. Ғазаллардаги бундай байтлар, албатта, ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг шаклланиши ва ривожига маълум роль ўйнади.

Навоий ҳажвий ғазалларнинг чинакам их-

тирочиси бўлди дейиш мумкин. Чунки унга қадар яратилган эпик асарларда сатирик элементлар бўлса-да, том маънодаги ҳажвий ғазаллар йўқ эди. Унинг бундай ғазалларидаги ўзига хос хусусият шундан иборатки, шоир аввало бир мавзуга (дин-шариатни қўриқиб олган, халқни алдаб, риёкорлик қилувчи шайхларни фош этиш мавзусига) мурожаат қилади. Иккинчидан, бошқа тур ғазаллардан фарқли ўлароқ бундай шеърларда реалистик тенденция устун даражада бўлади. Шайхлар, вояларнинг қилмишлари реалистик картиналарда тасвир этилади. Кейинчалик Турди, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Завқий ва бошқа кўпгина ўзбек прогрессив шоирлари ҳажвий ҳамда юмористик ғазаллар яратдилар. Улар ҳажвий ва юмористик ғазалларнинг тематик доирасини кенгайтириб, янги-янги проблемаларни ва образларни олиб кирдилар.

Ўзбек ҳажвийнинг тараққиётида Турди ва Гулҳанийнинг роли ва хизматлари катта бўлди. Гарчи Турди ўзининг «Субҳонқулхон тўғрисида ҳажвия» мусаддасида, Гулҳаний машҳур «Зарбулмасал» асарида катта аҳамиятга эга бўлган тема ва ғояларни кўтариб чиққан бўлсалар-да, ўз ғазалларида ҳажвий образларни анча кам яратдилар. Чунончи, Турди «Аё валениамийи кироми от инъомини» деб бошланувчи ғазалида от инъом эттишга ваъда бериб, ўз сўзини унутган амалдордангина қилнади, холос. Шоир ушбу темани ёритиш орқали катта ижтимоий масалаларни кўтариб чиқмади.

Аммо Махмурнинг ҳажвий ғазалиёти ҳам-



ма жиҳатдан ҳам — тематика, ғойивий мазмун, образлар системаси ва бошқа жиҳатларидан катта аҳамиятга молик бўлди.

Махмур камбағаллик, қашшоқликнинг барча азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирди. У оддий меҳнаткаш вакили бўлгани учун ўз синфи аҳволини, кайфиятини, олимларга бўлган нафратини яхши билар эди. Ўзбек ва тожик тилларини мукаммал билган шоир ҳар яқин тилда баб-баравар лирик ва ҳажвий асарлар yaratди.

Махмур ўз сатирик ғазалларида тасвир этилаётган объектни фош этиш учун кўп ҳолларда оригинал приёмдан фойдаланади: қаҳрамонларни ўз тилларидан гапиртиради. Натияжада ахлоқсиз, бузуқ, одобсиз, бошқаларга зулм қилувчи, эл нафратига учраган кишининг тўла ҳажвий характеристикаси келиб чиқади. Шоирнинг «Дар ҳажви ҳаким Туробий ҳазор халта» сарлавҳали ҳажвий ғазалининг кўрайлик:

Биҳамдуллоҳ, табиби шаҳру Букротли халойиқман,  
Ажалди ҳам бани одамни ўлдурмоққа фойиқман,  
Табиби шаҳр номи ойда бир бемор ўлдурса,  
Вале мен кунда юз беморни ўлдирмоққа ҳозиқман.  
Мени бадбахт то зарбулмасал бўлдим табиблиқда,  
Жаҳон ворича акун кўп ҳақоратларга лойиқман,  
Ҳакими шаҳр деб олдимга ҳар шай келди —

Ўлтурдим,  
Тариқи ростим шуддурки, жаллоди халойиқман.  
Эрур кўп ноҳақ (шлар) гарданимга тавқи

лаънатким,  
Жаҳаннам садрига бу жүрм илан сардори собиқман.  
Адамдин то келибман даври оламда ҳисолим шуд,

Муусулмонларга ҳосилман, мунофиққа мувофиқман.  
Туробий, қайда кўрсам незанин рўйи мураббақий,  
Анга бир дуани кўрмай, пушти ноҳўрларга ошиқман.

Туробий шаҳар ҳакими эканидан ғоят хурсанд, у ўзини Букрот (Гиппократ) деб биланди. Аммо у одам болаенин ўлдиришга келганда, ажалдан ҳам ошиб тушди. Агар шаҳардаги бошқа табиблар ойда битта беморни ўлдирсалар, у кунда юз бемор ўлдирувчи «ҳозиқ». Шунинг учун у одамлар оғзида «зарбулмасал» бўлиб кетган. Энди у қиёматгача эл ҳақоратига лойиқдир. Унинг олдига ким даво истаб келса, албатта, ўлдиради. «Гапнинг рости, мен жаллоди халойиқман», дейди у. Шу ўринда халқ афсонасидаги қабристон олдида ўтмайдиغان, бордию ўтса ҳам, юзини беркингиб оладиган табиб образи киши хотирига келадди.

Гарчи мазкур ғазалда конкрет бир киши образини yaratишга ҳаракат қилинган эса-да, у катта умумлаштирувчи кучга эга. Аҳамиятли жойи шундаки, шоир Туробийнинг ўзини гапиртириб, эл олида шармандаю шармисор қилади.

Ўзбек сатирачилигида янги давр ўзбек демократик адабиётининг тугилиши билан — Муқддий ва унинг даври прогрессив ўзбек адабиёти намояндалари номлари билан боғлиқ бўлди. Бу давр сатирасининг тараққиёти учун асос бўлган омилар тўғрисида гапириб, адабиётшуно олим А. Абдуғафуров қуйидагиларни ёзди:

«Ўзбекистон территориясининг Россияга қўшилгани натижасида кенг тарқалган рус ижтимоий овғи, маданияти, фан-техникаси-

нинг, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларнинг таъсири остида, биринчи навбатда унинг пешқадам намоёндалари дунёқарашда турмуш ва ҳаёт масалаларига, табиат ва жамият ҳодисаларига янгича муносабатларнинг туғилиши, бир томондан, икки ёқлама эксклузивациянинг, адолатсизликнинг ниҳоятда кучайиб кетиши, капиталистик муносабатларнинг тобора кўпроқ юзага чиқа бориши, халқимизнинг зулм ва адолатсизликларга қарши ўз овозини унгуни курашининг активлашиши, ҳуқуқрон синфлар ва тузумнинг тартиб-қондалардан норозилигининг кундан-кунга орта бориши, иккинчи томондан, халқнинг шигилиши, орзу-истакларига яқин турган ўзбек демократик адабиётида танқидий реализм методининг шаклланишига, бу адабиётда, айниқас, шу метод асосида сатиранинг, сатирик йўналишнинг кенг ривожланишига олиб келди».<sup>1</sup>

XIX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек сатири расмининг тараққиётида, унинг гоявий-темастик камолотга эришуви ва кенгайишида Муқимийнинг роли, айниқас, жуда катта бўлди. Сатирик ва юмористик ғазаллар халқ орасида жуда тез тарқалиб кетар, ҳатто қўшиқ қилиб айтилар эди. Бу нарса ҳажв қилинаётган объектни тезда ҳаммага маълум қилиб қўярди:

Еткуниб тилсанг баногоҳ, қориндин чиқмас алиф,  
Саллагени кўрган киши дер: «катта мулло бацчагар!»

(Муқимий, II, 35-бет).

<sup>1</sup> А. Абдурафуров. Ўзбек демократик адабиётида сатира, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1961, 64-бет.

Муқимий ўз ҳажвий ва юмористик ғазалларида тема ва образлар системасини тоғат кенгайтирди, ҳаётнинг ўз салафлари қўл урмаган воқеаларига мувожааз қилди, янги замон—Урта Осиёда капиталистик муносабатларнинг туғилиши ва шаклланиши замонида яшагани сабабли шу давр учун характерли бўлган темаларда ҳажвий ва юмористик асарлар ёзди. Муқимийнинг бундай ғазаллари фақат див ва шарнат пешволарини фож қилмишга қаратилмади. Шоирнинг «Сайлов», «Дармазаммати замона», «Уруғ» сингари ғазаллари сиёсий сатиранинг ёрқин намуналаридан бўлиб майдонга чиқдики, Муқимийни ҳаққини равишда сиёсий сатиранинг асосчиларидан бири деб аташ мумкин бўлади.

Д. Ахлоқий-таълимий ғазаллар. Ёш авлод тарбияси ҳамма асрларда, барча халқлар адабиётида катта ўрин тутди. Ахлоқий-таълимий темада яратилган ялқ туркий адабий намуналарни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»да учратамиз. «Девон»да қадимги туркий халқлар томонидан яратилган қатор мақоллар ва ҳикмати сўзлар келтирилади. Кейинчалик Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Юғнакий асарларида ахлоқий-таълимий қарашлар асосий етакчи ўринга эгаллади. Шунинг учун ҳам бу икки шоир яшаган даврдаги ўзбек адабиётини дидактик адабиёт деб ҳам юритиш мумкин.

Ахлоқ синфий тушунча бўлиши билан барча тарихий тушунча ҳамдир. Ҳар бир синфнинг ўз ахлоқий системаси бўлгани каби турлий даврларнинг ўз ахлоқий принципи ва кодекси бўлган. Меҳнаткаш халқ ҳамма замонлар

да ҳам ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, илм-хунарга интилиш, дўстликда садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, ватанпарварлик, халқпарварлик, ватан ва халқ душманларига, зolim ва макдорларга, ўғри ва риёкорларга нисбатан нафрат каби энг олижаноб ҳислатларни улуглаб келган.

Аmmo феодал эксплуататорларнинг ахлоқ принципи ҳам бор эдики, улар фатализм, ҳудо ва унинг ердаги сояси бўлган подшоларга сўзсиз итоат, эзувчи ва зolimларга бўйсунуш, келажакдан умид қилмаслик ва шунга ўхшаш халқ манфаатларига мутлақо зид бўлган ғояларга асосланган эди. Реакцион ҳукмрон гуруҳларнинг идеологлари бўлган шайхлар, воизлар, носихлар, клерикал адабиёт вақиллари (чунювчи, Яссавий, Боқирғоний ва бошқалар) бу принципларни тинмай меҳнаткашлар онига сингдиришга интидилар.

Илғор прогрессив адабиётда ахлоқий-таълимий теманинг ишланишга келганда тамоман бошқача манзарани кўрамиз. Бу адабиётда оддий меҳнаткаш омманинг энг яхши ахлоқ нормалари улугланади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакийнинг ахлоқий-таълимий қарашлари. уларда бир оз маҳдудлик сезилса-да, прогрессив аҳамиятга эга бўлдилар.

Кейинчалик дидактик қарашлар маснавий, қасида, рубоий, қитъа сингари жанрларда, шунингдек, ғазалларда ҳам кўрина бошлади. Дидактик тема бошқаларга қараганда Лutfий ғазалиётда кенгроқ ўрин олди деса бўлади.

Лекин ахлоқий-таълимий ғазалиётнинг энг яхши намуналарини буюк Алишер Навоий яратди.

Алишер Навоийнинг ахлоқий-таълимий қарашлари унинг ҳамма асарларида акс этган бўлиб, у ахлоқ-одобга тегишли бўлган ҳамма масалаларни қамраб олди.

Шоирнинг жуда кўп ошиқона, орифона, риндона, ҳажвий ва бошқа ғазалларида, гарчи етакчи тема бошқа бўлса-да, ўрни келганда катта усталик билан ўз ахлоқий-таълимий қарашларини ҳам сингдириб юборади ва бу билан ўзидан олдинги шоирлар анъаналарини ҳам давом эттиради.

#### М а с а л а н :

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,  
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз,  
Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз,  
Ўзгаларди асрамоқ боре таманно қилмангиз,  
Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур эшҳор,  
Ким кўнгулдин тилга ош ошкоро қилмангиз,  
Чун кўнгулдин қалбу тил таммоз, маҳфий розини  
Жон ҳаримидин бу иккига хувайдо қилмангиз,  
Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас,  
Айтмоқким, элга андин нукта илмо қилмангиз,  
Саҳа этиб чун роз дуррин сочдингиз, позим бўлиб,  
Оҳинг дудин саҳобу кўзини дарё қилмангиз,  
Чок-чок айлаб кўнгулши, тилини айлаб юз тилим,  
Ташлаб илларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз,  
Мевада ҳижрон дорди-ю, йўқ васл, бори дўстлар,  
Чорас гар қилсангиз, жуз жони саҳбо қилмангиз,  
Чун Навоий ишқ розини асрай олмай, қилди фоин,  
Отгани роз аҳли туммориди ишмо қилмангиз.

Ахлоқ темасидаги газаллар Навоидан кейинги ўзбек поэзиясида ҳам кўпчилик яратилди. Мунис, Нодира, Увайсий, Отаҳий ва бошқа шулар сингари кўпгина шoirлар ижодида бу ҳолини кўриш мумкин.

### Масалан, Нодиранинг:

Қўлмагани эишхор изҳор эҳтиёж,  
Қим азиз элини қилур хор эҳтиёж. —

деб бошланувчи газали бошқа кишиларга эҳтиёж изҳор қилишнинг яхши эмаслиги, бу нарса киши обрўёига путур етказиши мумкинлиги тўғрисида яхши айтилган шеърдир.

Дидактик шеърлар, айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жуда тараққий этиб кетди. Фурқат, Муқимий, Завҳий, Аваз, Мирий, Нодим, Ҳамза сингари шoirлар шеърлари орасида ахлоқий-таълимий газалларни кўп учратиш мумкин.

Масалан, Фурқатнинг «Умр қарори йўқ, чунон барқ гузар, утар кетар» деб бошланувчи газали бундай шеърларнинг яхши намунаси дандир. Мазкур газалда шoir кишининг умри чақмоқ сингари тез ўтиб кетишини кўрсатиб, бу умрни эзгу ишларга сарф қилиш лозимлигини, шу қисқа умрни чиройли ва маъмуллик ўтказиш кераклигини айтади.

Асримизнинг бошларида Ҳамза ўзининг «Илм иста», «ўқи», «Китоб», «Қалам» сингари ахлоқий-таълимий газаллари билан машҳур бўлди. Шoir бахтининг калитини маърифат деб билади, кишиларни илмга, маърифатга чақиради:

Қим билурди оламу олам ишдир, ҳайвен нечин,  
Бўлавер эрди агар ишонди бу осор илм.

Қисми бир мавжуда боқсанг билмоқда кайфиятин,  
Лозим ўлгай толмақда аввал ўқиб ахбор илм.

Оламинг хуришиди кундир, оламинг хуришиди илм,  
Олами зуммоти тундир, оламинг подори илм.

Ҳар муроду мақалишга етмоқ истарсан мурод,  
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм.

Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан, Ниҳон,  
Илм иста, илм иста, истагини эишхор илм.

Учмишдаги ахлоқий-таълимий газаллар фактлари шунини кўрсатадики, одатда бундай газалларда ахлоқ масалаларининг конкрет бир томони олинади, ҳар тарафлама чуқур анализ қилинади. Натижада шoir ўқувчида ўз фикрига, ўзин олган суратгаган болага шоян уйғотади.

е. Пейзаж газаллари классик шеърларда ва ҳозирги замон поэзиясида анча кенг тарқалган. Пейзаж газал деган термин остида тарабият, бегоён дала-боғлар, юлдуз тўла осмон, қорли тоғлар, булоқ ва дарёлар, яшил водийлар тасвири ва унга лирик қаҳрамоннинг муносабатини ифода этувчи газалларни тушувамиз.

Ваганга бўлган оташин муҳаббат, унинг гўзал манзаралари билан чин дилдан фахрланчи кишиларнинг энг юксак ва муқаддас туйғуси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутема прогрессив адабиётда ҳам ўз аксини топди.

Форе-тожик классик адабиётига назар ташласак, пейзаж лирикаси жуда қадимий эканини кўрамиз. Чунончи, Рўдакий жуда қудратли расом-шoir эди. Шoirнинг «Бўйи жўйи Му-

лиён ояд ҳаме» деб бошланувчи шеърда Бухоронинг гоят чиройли тасвири берилган. Бундан ташқари, унинг қасидаларида ва бошқа асарларида табиатнинг нафис лавҳалари тасвири учратамиз. Масалан, «Омад баҳор» номли лирик асарида ҳам шоир баҳорнинг гузал ва ёқимли манзарасини чизган.

Шунингдек, илк туркий шеърятда ҳам пейзаж тасвирига катта эътибор берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон» ига киритилган лирик парчаларнинг анчагина қисми табиат тасвирига бағинлангандир. Кейинчалик бу нарсга ўзбек ёзма адабиётига ҳам кириб келди. Ўзбек газалининг энг қадимий намунаси бўлган Рабғўзийнинг «Қиссан Рабғўзий» асарида кирган «Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзн» деб бошланувчи газали пейзаж газаларининг яхши намуналаридандир.

Ўзбек дунёвий адабиётининг биринк вакиллари Отойи, Саққокий, Гадоий, Сайфи Сароий, Лутфий газалларида ҳам табиатнинг гузал лавҳаларини кўплаб учратамиз.

Улар ижодида табиат манзаралари маҳубба тасвири учун муқояса предмети бўлган. Агар Лутфий газалиётига эътибор берсак, бундай приёمنى у деярли ҳар бир газалида қўллаганини кўраемиз:

Улким янгоқи кўзума гулзор кўрунур,  
Хўблар кўзума андин учун хор кўрунур.  
Кетти хирадим бошта чу ул қошини кўрдум,  
Ой бошта пайваста ҳилол ор кўрунур.  
Нозуклигинин болаи лаъл ирнини ҳўйса,  
Ул ерга ет анчаки боруб бор кўрунур.  
Мен фаҳр қилурмен манга дашном берурда,

Билмас кишиларга агар ул ор кўрунур.  
Ман этган учун Лутфийга ишқи йўли ичра,  
Ҳар қайдаки бир ёр дурур, ағер кўрунур.

Пейзаж газаллар Навоийга қадар жуда оз ёзилган эса-да, Навоийнинг «Ҳазоийи ул-маоний» девонида баҳор, ёз, куз, қиш манзараларини тасвирловчи, табиат неъматларини улуғловчи, табиатнинг чиройли лавҳалари чизилган яхлит пейзаж газалларни кўплаб учратиш мумкин:

Булул ҳайвон зиллоли бирла тиргузди ҳаво жонин,  
Севунмак ашқидин шодоб қилди сабза мужгонин.  
Эмастур сабзау лола ки жола тошидин гардун,  
Қўқарлиб ер юзин ҳар сори зоҳир айлади қонин.  
Ирик невчудурур шох узра гулбун барги сўхондек,  
Ипитмас бўлса булбул жони учун гунча пайконин.  
Чаган Лайлосидин айру дегайсен лола Махнундур,  
Ки гардун жола тошидин қопатмиш доғи ҳижронин.  
Чаман баҳри латофат бўлди найсон дурлари бирла,  
Қўзал тошдин муҳайё қилди ҳарён шохи маржонин.  
Бу фасл ичра маломат тошидин солим биров қолғай,  
Ки чеккай май сумурмоқда юзига жоми қалқони.  
Майким оташин чиқғай сориг гуллар, агар деҳқон  
Томизса қатран андин суворур чоғла бўстони.  
Бировким даҳр боғининг фирибин билди наргисдек,  
Қадаҳдин бош кўтармай сурди ишрат бирла давронин.  
Гули мақсуд ул кондур, Навоийким, аёгингдин  
Чиқар чекканда мақсад каъбаси хори муғилонин.

Мазкур газалда баҳор келиши билан табиатда юз берган ўзгаришлар, гузал манзаралар тасвир этилган.

Биринчи байтда шоир баҳор булутидан ёқ-

қан өмгирни хәят суви (оби хайвон)га ўхшатади ва у орзу-тилакларни, муҳаббат туйғуларини уйғотганини, жонлантирганини айтади. Сабзалар устиндаги шудрингларни севишчү ёшларига ўхшатади.

Иккинчи байтда тасвирланишча, баҳор келиб, даладар күм-күк сабзалар билан қопланган, лолалар очилган. Күкарған ерлар гүё дўл зарбидан күкарган баданга, лолалар қонли яраларга ўхшайди. Шoir бу ўришда гардуннинг золимлигини жуда усталик билан кўрсатади.

Үчинчи байтда гуллар барги тасвирланади. Шoir барг қирраларини эговга ўхшатади. Агар гунча бўлбул ноласидан очилмаса, шу эговлар уни қирқадилар.

Тўртинчи байт—лола тасвири. Лола чаманзорда эмас, гүё бағри доғ, қонга бўялиб саҳрода ўсган. Шу ҳолатни шoir Лайли ва Мажнун образларига қиёслайди. Чаманзор—Лайли, саҳрода ўсган лола—юррак-бағри қон Мажнун. Ҳнинг бағрини гардун жоласи (тошлари) доғ қилган.

Бешинчи байт. Нийсон (апрель) ойидаги ёгинлар тасвирида чаман лаофат денгизга айланади. Дарахт шохлари ва улардаги гунчалар бу денгиздаги маржонлардир.

Олтинчи байтда баҳор фаслининг яна бир яхши хислати баён қилинади. Баҳорда май ичила, кишилар маломатдан омон қоладилар. Чунки улар май жомини қалқон қила оладилар. Байтнинг асл маъноси шунки, баҳор кишилар қалбида хәятга севаги хисларини уйғотади.

Еттинчи байтда шoir майни гулларга хәят берувчи сувга, одамларни эса боғ (дунё) даги

гулларга ўхшатади.

Саккинчи ва тўққизинчи байтларда Навоний баҳор тасвирига боғлиқ ҳолда ўзининг фалсафий қарашларини беради. Гарни хәят шунчалик гўзал бўлса ҳам, даврон фирибардир. Шунинг учун даврон фирибини биллиб қолган кишилар қадахдан бош кўтармайдилар, баҳор гуллари чўл мўғилонларига (тиконли ўсимликларига) ўхшаб яшайдилар.

Айтилганлардан маълум бўладики, Навоний табиат тасвирига бағишланган ғазалида ҳам фақат кишилар қалбида жонажон ўлкага, унинг гўзал табиатига муҳаббат уйғотибгина қолмай, шу билан бирга ўзининг хәятга, даврга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу пейзаж ғазалларнинг ҳам катта ижтимоий мотивларини ўтказиш учун хизмат қила олишини исбот қилади.

Кейинги даврларда яшаган, Навоний традициялари асосида кўпгина пейзаж ғазаллар битган шoirлар (Бобир, Мунис, Отаҳий, Муқимий, Фурқат ва бошқалар) ҳам ўз ғазалларида худди шундай йўл тутадилар. Чунки Фурқатнинг «Чаманда гунчадин буйини тга тақминсан жарас булбул», «Баҳор айёми бўлди-ю, тушубдур бошима савдо», «Бу баҳор айёми бўлди, келинг, эй аҳбоблар», «Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар» деб бошланувчи ғазаллари, Муқимийнинг «Неъмат нра хуш лаофатликда мустасно анор», «Навбаҳор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар» деб бошланувчи ғазаллари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Фурқатнинг қуйидаги ғазалига диққат қилинг:

Фасли навбахор ўлди келибон эминистонлар,  
Дўстлар, гаиматдур, сайр этинг тунистонлар,  
Субҳидам тушуб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,  
Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар,  
Настаран юлиб юзани, ёсумон тузуб ўзини,  
Наргис очибон кўзини интизори ёронлар,  
Бир саҳар эдим уйғоқ: ўт тутонтин оламга,  
Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар,  
Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳчаҳ,  
Сарв гул уза доим тортар оҳу эфгонлар,  
Булбул ўкуғоч йиллаб субҳидам хазон фаслин,  
Ғунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар,  
Кечилар вафо аҳли қолмайин тутуб сийсан,  
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паршонлар,  
Қуймасун бу савдода не учун димонимким,  
Рапжу ғўссада доно, кечса шод подонлар.

#### ж. Публицистик ғазаллар:

Навоийнинг «Қилди душман раҳм баским,  
қилди жавр пазор дўст», «Чекти булбул келиб  
минг лаҳн ила дoston ҳофиз», «Ўртанур эл-фур-  
қатиндин наиха бунёд айласам», «Буқун аҳ-  
ли жаҳондин хаста хотирмен, жаҳондин ҳам»,  
«Ёр ила агёр озориндин андоғ зормен», «Гарчи  
ёр этмади ҳаргиз мени ношодни ёд», «Не рафн-  
қеким, давосиз дарди ҳолимни десам», «Қимга  
қилдим бир вафоким, юз жафосини кўрмадим»,  
«Жиява қилднг кўриб, сарви равондин ким  
десун?» деб бошланувчи шеърлари публици-  
стик ғазалнинг энг яхши намуналаридандир.  
Шоирнинг бу ғазаллари ўз замонининг муҳим  
ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган.  
Уларда шоир ўз замонасига прогрессив позн-  
циядан туриб назар ташлайди ва даврнинг

илгор мишси сифатида ижтимоий-сиёсий ма-  
салаларга ўз муносабатини билдиради.

Навоийнинг қуйидаги ғазални кўриб чиқай-  
лик:

Қимга қилдим бир вафоким, юз жафосини кўрмадим,  
Кўргузуб юз меҳр, минг дарду балосини кўрмадим,  
Қимга бошани фидо қилдимки, бошим қасдига,  
Ҳар тарафдан юз туман тили жафосини кўрмадим,  
Қимга кўнгилум айлади меҳру муҳаббат фошким,  
Ҳар вафого юз жафо, онинг жазосини кўрмадим,  
Қимга жонимни асир эттимки, жоним қатлига,  
Ғайр сори хулқи лутфи жон физосини кўрмадим,  
Қимга соддим кўз қарову оқини ишқ ичраким,  
Қон аро ишхон кўзум оқу қаросини кўрмадим,  
Сен вафо ҳуеи аҳлидин қилма таваққуъ, эй рафқ,  
Қим мен ушбу ҳайлини ҳусеи вафосини кўрмадим,  
Эй Навоий, тавба андин қилмадим шайх оллода,  
Қим бу ишда дайр ирринишг ризосини кўрмадим.

Навоийдан кейин яратилган публицистик ға-  
залларнинг энг яхшилари, янги илкомий-сиё-  
сий шароитда, XIX асрнинг иккинчи ярми ва  
XX аср бошларида пайдо бўлди. Ўрта Осиёнинг  
Россияга қўшилши патижасида бу ерга ки-  
риб келган илк буржуа муносабатлари, маҳал-  
лий эксплуататорларнинг буржуалашуви, рус  
ва маҳаллий бойлар орасидаги рақобат; экс-  
плуатация ва зулмининг кучайиши, халқ нороз-  
чилигининг янада ортиши; ўзбек халқи ораси-  
га рус маданияти ва техникасининг кириб  
келиши, халқнинг маърифат ва зиёга бўлган  
интилиши — буларнинг ҳаммаси XIX аср ил-  
кинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек де-  
мократик адабиёти учун асосий тема бўлди.

Фурқатнинг «Кўнгул дардига борамап ҳар-  
гиз даво истаб», «Биз истино эши қичқирмоғон  
маъвога бормасмиз», «Келинг, мулло Раҳим,  
ёр ахтарайлук», «Оҳким, йўқтур менинг  
таъбимга лойиқ улфатим», «Жаҳонни кезди-  
му, офоқни сарбасар кўрдум», «Оҳким, ҳам-  
дард йўқ, дард ошқор айлай десам», «Алам-  
лик қумриман бир гул бадандин айрилиб қол-  
дим», «Ғариби бу вилоят ховимонидан адаш-  
ганман», «Ҳайратий, кел-кел бери, ул шўхи  
жонондн гапур», «Ваҳм бирла галгани қим-  
мат қилур ханнотлар» деб бошланадиган бир  
қанча шеърлари публицистик ғазаллардир.  
Худди шу тилдаги ғазаллар Муқимий, Зав-  
қий шеъриятида ҳам учрайди.

Ғаддор фалак ситам нишона,

Каждор, мариз, эй замона!

Яхши ҳама дахр аро ниғунсор,

Ҳар ерда ривождур ямона.

Ҳеч камбағал ўлмагай қариндош,

Бойларни биров демас бетона.

Пул бўлса кифоя, майли душман,

Бопул қарамайди дўст жона.

Зоғу зағани юрибди озод,

Булбулга қафас ёғур замона.

Инсон шарафи-ла қадрсиздур,

Ҳайвон жасади-ла мардумона.

Сардорлар ўлди бехирадлар,

Ақл аҳли юраги тўлди қона.

Эй тез забону мардум озор,

Қил фикр, не иш эрур чаёна?

Эл таънида шаквал замондин,

Завқий, ишнинг ўлди бу фасона.

Шоирнинг бу ғазали замонанинг зўр сиёсий  
характеристикаси бўлди. У ўз замонасининг  
гаддор, каждор эканини кўрсатиб, бунинг са-  
бабиятларини очади. Ҳамма яхшилар тубан-  
лашган, ёмонларнинг эса иши ривож. Камба-  
галга шафқат йўқ, бойларга ҳамма ерда эшик  
очиқ, уларни ҳеч қим бегона демайди. Пул  
бўлса, душман ҳам дўст. Зоғ-заганлар озод,  
аммо замон булбулни қафасда сақлайди. Ша-  
рафли инсоннинг қадри бўлмагани ҳолда, ин-  
сон қиёфасидаги ҳайоцлар қадрлидир. Ақл-  
сизлар элга бошлиқ бўлгани сабабли халқ-  
нинг юраги қонга тўлган...

Авазнинг публицистик ғазаллари ҳам ўзбек  
ғазалиётида алоҳида ўрни тутади. Унинг «Гўлқ  
жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ»,  
«Топар экан қачон, ё раб, ҳаётни жовидон минг-  
лат?», «Фидойи халқим ўлсун танда жоним»,  
«Нега мунча зулм этиб миллатни айларсан  
хароб», «Эйки сизлар, то таассуб бирла дав-  
роп эттингиз» деб бошланувчи қатор ғазалла-  
ри сиёсий-публицистик ғазал дурдоналаридир.







## ҒАЗАЛНИНГ БОШҚА ЖАНРЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбек классик адабиёти жанрларнинг хилма-хиллиги ва бойлиги билан ҳам эътиборга лойиқдир.

Алишер Навоийнинг ижодий меросига қараб ҳукм чиқарилса, классик адабиётимиз лирик тур жанрларига жуда бой эканини кўрамиз. Ғазал, мустазад, таржибанд, таркибанд, рубоий, туюқ, фард, тарих, муаммо, чистои ва мусамматлар ана шулар жумласига киради. Навоийдан кейинги ўзбек адабиётида қадимги халқ қўшиқлари асосида пайдо бўлган мураббалар ҳам тараққий қилди.

Булар лирик турнинг айрим-айрим жанрларига бўлишига қарамай, улар ўртасида муштарак хусусиятлар ҳам мавжуддир.

Бу лирик жанрлар бир-бирлари билан ўзаро муносабатларда бўлиб, бир-бирларининг тараққий этишига омил бўлганлар, бошқа жанрларнинг пайдо бўлишига ердам берганлар.

### 1. Ғазал ва мустазад.

Алишер Навоий «Мезон ул-авзон» да ёзади: «...Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани маҳзуф ваз-

нда анга байт боғлаб битиб, аниг мисраидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки руқни биладо қилиб, суруд нағамотиға рост келтурурлар эрмиш ва ани «мустазад» дерлар эрмиш, андоққим (мустазад):

Эй хусунга зарроти жаҳон ичра тажалли

Мафъулу мафойилу мафойилу фаулун

Маҳҳар саиға ашё,

мафъулу фаулун

Сен лутф била кавну макон ичра мувалли

Олам саиға мавало».

Характерли томони шуки, ўтмишда мустазаднинг формал-поэтик томонларигагина эътибор берилган, холос. Фикримизча, мустазаднинг гоёвий-тематик мундарижаси худди ғазалники сингари бўлган.

Адабиётшунос Е. Э. Бертельс, А. Ҳайтметов, Э. Рустамов, Огоҳ Сирри Левенд ва бошқа олимлар мустазад, унинг келиб чиқиши, хусусиятлари тўғрисида, ғазалга бўлган муносабатлари ҳақида гапириб, мустазаднинг тематик жиҳатдан ғазалга ўхшашлигини, ундан ўснб чиққанлигини таъкидлайдилар.

Проф. Е. Э. Бертельс қуйидагиларни ёзади: «Мустазад нисбатан камроқ учрайдиган формалардандир. Бундай шеър қуйдагича тусилади: ўз шаклига эга бўлган одагдаги ғазалга ҳар мисраъ охирида қофиядан сўнг ўша вазннинг бир ёки икки стопаси қўшилади. У янги қофияга эга бўлиб, ғазалнинг умумий қонуниятларига бўйсунмади. Бу қўшимча ўзга хос «нақарот» дир!»

1 Е. Э. Бертельс. Навои и Джами, стр. 88.

Бироқ филология фанлари доктори Э. Рустамов ўзининг «XV аср биринчи ярмидаги ўзбек поэзияси» китобида Гадоийнинг

Эй гамзаси фитна, кўзи фаттон ўзи офат,  
раҳм айла бу жона,—

деб бошланувчи мустазоди ҳақида фикр юрйтиб, «бу мустазодда иккига турли вазн ва қофиядаги газал турли», деб ёзади.<sup>1</sup> Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки Гадоийнинг мазкур мустазодида ҳам, ундан кейинги яратилган барча мустазодларда ҳам қўшимча икки рукнага мос келувчи сўзлари алоҳида ёзиб чиқилса, бўлмайди.

Мустазод ўзбек адабиётида қачон ва нима сабаб билан пайдо бўлганини туғрисидаги муаммо қизиқарлидир. Отоҳ Сирри Левенд бу жакр қадим араб халқ қўшиқларида учрашини айтса, Э.Рустамов туркий халқлар оғзаки ижодидан келиб чиққан ва форс-тожик поэзиясига туркий халқлар алабиётидан кирган деб ҳисоблайди.

Бизнинг назаримизда мустазод туркий халқлар поэзиясига хос лирик жанр бўлмаган. Буни қуйидагилар тасдиқлайди:

1. Мустазод арузда ёзилади. Ҳолбуки, туркий халқлар оғзаки поэзияси учун етакчи вазн қадимда ҳам, ҳозир ҳам бармоқ вазнидир.

2. Ҳозиргача маълум бўлган, туркий тилда яратилган энг қадимий ёдгорликлар орасида мустазодга лоақал ташқи кўринишдан ўхшайдиган шеърлар учрамайди.

<sup>1</sup> Э. Р. Рустамов. Узбекская поэзия в первой половине XV века, ИВЛ, М., 1963, стр. 140.

3. «Мустазод» термини «бир-бири билан алмашадан бўлган орттирма» маъносини беради. Шундай маънони ёки шундай шеърни билдирадиган туркий термин йўқ. Ҳолбуки, айрим шеър терминларнинг туркча номлари ҳам мавжуд. Чунки шеърнинг мазкур тури туркий поэзияда мавжуд бўлган: тўртлик, қўшма ва бошқалар.

Мустазодни биринчи марта Гадоий ижодида кўрамиз. Кейинчалик бу жанрда Алишер Навоий, Машраб, Мунис, Огаҳий ва бошқа шоирлар ёздилар. Айниқса, ўзбек классик адабиётида ҳеч ким Машраб сингари кўп ва тўзал мустазодлар яратмаган.

Мустазод учун замин — асос бўлган жанр газал эканига шубҳа йўқ. Газалдаги гоёвий-тематик умумийлик, образлар системаси, баъдий тасвирлаш воситалари, шунингдек, қофияланиш усули, матлаъ ва мақтаъ, байтлар сони ва бошқа кўпгина хусусиятлар шундай дейишга имкон беради. Бироқ нима учун газал арузнинг жуда кўп баҳрларида яратилмаган? Шунини мақфуфи маҳзур вазнида битилади? Шунини айтиш керакки, бу вазн арузнинг энг ўйноқли, агар таъбир жоиз бўлса, жинжаланиб товланган баҳрларидандир. Кўпинча бундай баҳрда яратилмаган шеър ўқувчи қалбда шодлик, тўққинланиш ҳиссётини, ҳаяжонни юзага чиқаради. Шунинг учун ҳам хоҳ шодлик, хоҳ алам туғрисида шу вазнда шеър битилса, унинг таъбирчанлиги кучли бўлган. Вазн охиридаги икки рукннинг қўшимча қилиниши — оҳангнинг такрорланиши титловчиға фавқулодда таъбир эта олган. Мустазод худди шу

сабабля шонрлар орасида шуҳрат толди десак янглишмасмиз. Машраб лирикасидаги ҳарорат, исёнкорлик уни кўпроқ муставод яратишга ундамадимикан?

Ўзбек поэзиясида муставоднинг янги шаклини биринчи марта Огаҳий яратди. Чунончи, унда муставоднинг қуйидагича формаси учрайди:

Э ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул  
бир ошиқ қайрон,

дийдоринго шайдо,

Бир шўйфадур кокули мушкинга сунбул,  
ҳам ҳоли паришон,  
ҳам бошида савдо.

## 2. Ғазал ва мусамматлар.

Ғазал билан алоқадор лирик жанрлардан энг кўп тарқалгани мусамматлардир. «Мусаммат» арабча сўз бўлиб, инга ўтказилган марварид маъносини билдиради. Термин сифатида эса (Қабул Муҳаммаднинг «Ҳафт қулzum» асарига кўрсатилишича) олдин айтиган мисраларга вазн ва қофияда мос келувчи мисра-ларни қўшилганда, ҳосил бўлувчи янги шеър-га айтилади. Яна шу авторнинг кўрсатишича, мусаммат саккиз хилдир: мусаллас (учлик), мураббаъ (тўртлик), мухаммас (бешлик), мусаддас (олттилик), мусаббаъ (еттилик), мусамман (саккизлик), тасниъ (туъқизлик) ва машру (ўнлик) турлари бор.

Мусамматлар тузилишига кўра икки хил бўлади: а. Мустақил мусамматлар, б. Ғазал асосида яратилган мусамматлар.

а. Мустақил мусамматларнинг хусусияти шуки, ундаги барча мисралар бир

шонрнинг ўзи томонидан яратилади. Ундай шеърлар учун бошқа шoir ва ёки ўзи томонидан шилгари яратилган ғазал асослик вазифини ўтамайди. Масалан, Алишер Навоийнинг анчагина мусамматлари Лутфий, Ҳусайний ғазаларига, шунингдек, ўз ғазаларига боғланган бўлса-да, «Субҳидам махмуриқтин тортибон дарди сари», «Даҳр аро чун қайғусиз йўқ ҳеч нишрат, эй рафиқ», «Неча, эй ой, мендин айру айлагай даврон сени» ва ҳоказо мусамматлари мустақил яратилгандир.

Кўринадики, ўзбек классик ёзма адабиёти-мизда мусамматларнинг биринчи етук намуна-ларини буюк Навоий яратди ва сайқаллади. Навоийдан кейин мусаммат шундай катта шуҳрат тутдики, унда ижод қилмаган бирор шонрли толиб бўлмади.

Ўрни келганда, мураббаъ билан боғлиқ ма-сала ҳақида ҳам фикр айтиш зарур. Навоий ва унинг даврида мураббаъ ёзма адабиётда учратилмади. Фақат кейинги даврларда, ай-ниқса, XIX асрда у кенг урф бўлди. Демак, му-раббаъ мусамматлар составига ўзбек классик адабиёти-мизда фақат XVIII—XIX асрлар-да кирди дейилса тўғрироқ бўлур эди. Шундай қилиб, мусамматларнинг тўла шаклланиши XIX асрда тугади.

Мусамматларнинг қофияланиш усули қуйидагича:

1. Мураббаъ: а-а-а-а, б-б-б-а ва ш. к.
2. Мухаммас: а-а-а-а-а б-б-б-б-а ва ш. к.
3. Мусаддас: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а ва ш. к.  
ёки: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а ва ш. к.
4. Мусаббаъ: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а ва ш. к.

Ахлоқ темасидаги газаллар Навоидан  
ёки: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а-а ва  
ш. к.  
5. Мусамман: а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-б  
ва ш. к.  
ёки: а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-б-а-а  
ва ш. к.

Мусамматларнинг иккинчи хилда қофияла-  
ниши кўпинча шундай шеърларда учрайдики,  
уларда охириги икки мисра доимо такрорланиб  
келади.

Масалан, Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер,  
сайёд, сайёра экан мендек» деб бошланувчи  
мусаддасида қуйидаги мисралар такрорланиб  
келади:

Ҳижрон ўқидин жисми кўл ёра экан мендек,  
Куйган жигари, бағри садпора экан мендек.

Бундай шеърлардаги такрорланиб келувчи  
мисралар ўзига хос нақарот бўлиб, шoirнинг  
асосий етакчи фикри шў ўринда берилган бў-  
лади. Жумладан, Фурқатнинг юқорида айтил-  
ган мусаддасида тутқинлик азобини чекаётган  
оҳунинг аянчли аҳволи тасвирланар экан,  
шoir ўзининг (ва демак, кенг меҳнаткашлар  
оммасининг ҳам) аҳволини ўша асоратдаги  
оҳуники каби эканини уқтирмоқчи. Бу мусад-  
даснинг етакчи гоёси бўлганидан худду шу  
маъноларни ташийдиган мисраларни шoir  
ҳар банд охирида такрорлайди ва ўқувчи диқ-  
қатини шунга тортишга интилади.

6. Газал асосида яратилган  
мусаммат ижод қилмоқчи бўлган шoirнинг  
имкон доираси қаттиқ чегараланган бўлади,

яъни у олдин яратилган шеърнинг темаси, го-  
вий мазмунини давом эттириши керак, ўша  
газалнинг вазн, қофия, радифларини ўз ҳоли-  
ча сақлаб қолмоғи лозим. Шунинг учун, биз-  
нинг фикримизча, шoirлар бундай мусаммат-  
ларни маълум поэтик маҳоратни эгаллаганла-  
ридан кейин ярата бошлаганлар.

Газал асосида мусамматлар ёзиш ўзига хос  
поэтик мусобақа бўлган. Лекин бу санъатда  
ҳам ҳамма муваффақият қозонавермаган. Чу-  
нончи, Нишотийнинг Навоийга боғлаган му-  
хаммаслари ҳамма вақт ҳам яхши чиқмаган,  
айримлари муваффақиятсиз чиққан.

Демак, мусамматнинг муваффақиятли чиқ-  
моғи учун биргина талантининг ўзи кифоя эмас,  
олдинги газал автори билан кейинги мусаммат  
автори ўртасида муштарак дунёқараш, эсте-  
тик позиция, ижтимоий-сийсий концепция бўл-  
моғи зарур. Фақат шундагина мусаммат авто-  
ри ўзидан олдинги шoirнинг фикрини манти-  
қан давом эттириши мумкин, теманинг олдин-  
ги газалда очилмай қолган томонларини ўз  
даври талаблари асосида ёритиши мумкин.  
Натижада ҳар икки шoir шеъри ўртасида шун-  
дай уйғунлик юзата чиқадики, бундай шеър  
икки автор томондан эмас, балки бир шoir  
томонидан ёзилгандек туюлади.

Шoir у ёки бу газални танлаб олар экан, ун-  
да ўз замонаси учун ақтуал бўлган масалалар-  
ни бера билиш мумкинми ё йўқми эканига ҳам  
диққат қилади, ўша газаллардаги фикрларни  
чўқурлаштириш ва кенгайтиришга интилади.

1 В. А. Абдуллаев. Хоксор ва Нишотий,  
СамДУ нашриёти, Самарқанд, 1960, 57—58-бетлар.

Масалан, Навоийнинг «Ёр бўлмоқ тонг эмас, мен зору расво бирла дўст» деб бошланувчи ғазалига Фурқат томонидан боғланган мухаммасни кўриб чиқайлик. Ғазал инсон инсон билан дўст бўлиш ҳақида, ҳаётнинг тўзал ва маъноли бўлиши учун дўст (ёр) ортириш кераклиги, ҳақиқий дўстлар бор ерда зоҳидларнинг душманлиги нисанд эмаслиги, дўстлик кишига мадад бериши ҳақида сўзлаб, дўстликда вафодор бўлиш ғоясини тарғиб қилувчи байт билан тугайди:

Эй Навоий, неча душман бўлса ёнма дўстдан,  
Чун санга бўлмушдур ул юз минг таманно бирла  
дўст.

#### Ф у р қ а т м у х а м м а с и:

Қўнғулум истар ўнголи ул ҳур сиймо бирла дўст,  
Яъни ул ноз офарину жилва نیرو бирла дўст,  
Телба қилмоқ қасдида бўлганда доно бирла дўст,  
Ёр бўлмоқ тонг эмас, мен зору расво бирла дўст,  
Қим нари тоҳи бўлур мажнуни шайдо бирла дўст.

Ғазал асосида ёзиладиган мусамматлар қуйидаги усулда қофияланади:

1. Мухаммас: а-а-а-а-а, б-б-б-б-а ва ш. к.
2. Мусаддас: а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а ва ш. к.
3. Мусаббаъ: а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а ва ш. к.
4. Мусамман: а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а ва ш. к.

Ўзбек классик адабиётида мусамматларнинг мухаммас тури жуда кенг тарқалган. Бунинг

сабаби, бизнингча, мухаммаснинг ашула қилиб айтишга қулайлиги ва лирик шеър ҳажмининг тегишли меъёрдан ошиб кетмаслиги кераклигидир.

Мусамматлар лирик шеъриятнинг энг гўзал ва мароқли турларидандир. Мусамматчиликнинг кўпгина ижобий томонлари бўлиб, булар: 1. Ўтмишда кўйланган улуғ мақсадларни мусаммат боғлаган шoir пропаганда қилади, ўз халқини ўша олижаноб мақсадлар асосида тарбиялашни кўзда тутлади; 2. Ўтмишдаги шoir обрўсидан фойдаланиб, ўз мақсадини ўтказишга ҳаракат қилади; 3. Бу жанр шoirларни бир-бири билан боғлайдиган алоқа воситасидир<sup>1</sup>. 4. Мусамматнинг ўтмишда яшаган шoir ижодини пропаганда қилишга ҳам ёрдами катта.

Ўзбек поэзиясида ғазал асосида яратилган мусамматларнинг илк намуналарини Алишер Навоий ижодида кўрамыз. Масалан, у Лутфийнинг «Эй жамолинг лоязалу бебадал хуспунг жамил», Хусайнийнинг «Эй ажал, озод қил ҳижрон балосидин мени» деб бошланувчи ғазалларига мусаддаслар боғлаган. Кейинчалик бу анъана бошқа ўзбек шoirлари томонидан давом эттирилган.

#### 3. Ғазал ва эпик поэзия

Ўзбек халқининг эпик меросига назар ташласак, баъзи дostonларда у ёки бу қаҳрамон тилидан мусаммат тибидаги шеърлар берилган. Бу ҳодисани баъзи адабиётшунослари

<sup>1</sup> Раҳмат Маждий. Огаҳий лирикаси, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, Тошкент, 1963, 89-бет.

миз фақат кейинги даврларга хос деб келардилар.

Лекин шу аёнки, халқ достонлари бахшилар томондан турли йиғинларда музика асбоби жўрлигида айтилган. Бахши қаҳрамонларнинг сўзларини қўшиқ қилиб—қўнға солиб айтиб берган ва бу тингловчиларга фавқуллода катта таъсир этган. Ана шундай қўшиқ текстлари ўз мазмунига кўра достонларнинг сюжетига мос бўлишидан ташқари, формаларига ҳам адабиётдаги айрим шеър турларига мос келганлар. Мана шу сабабларга кўра достонларда қўшиқ текстининг бўлиши қадимий ҳодисадир, деб қаралмоғи керак.

Халқ оғзаки достонларидаги бундай ҳодисани ёзма адабиётда ҳам учратиш мумкин. XVIII аср туркман шоири Андалибнинг «Лайли ва Мажнун», Увайсийнинг «Достони шаҳзода Хусайн» асарларида қаҳрамонлар тилидан турли лирик шеърлар берилган. Шунингдек, Сайқалининг «Баҳром ва Гуландом», Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зуҳра», номаълум авторнинг «Девона Машраб» асарларида классик ёзма адабиёт учун хос бўлган ғазал, мустазод ва мусаммағлар жуда кўп учрайди.

Бундай шеърларнинг асосий мазмун йўналишига мос бўлиб, ундаги сюжет тараққиёти учун, образлар характерининг очилиши учун хизмат қилади.

Достонлар ичидаги ғазалларга диққат қилсак, улар формал-поэтик жиҳатдан мустақил ғазаллардан деярли фарқ қилмайди. Уларни мустақил ғазаллар сифатида ўқиб, қўшиқ қилиб айтиш мумкин. Бироқ бундай ғазаллар

ташқи кўринишидан мустақилдек туюлса-да, улар достон тўқимасига жуда ҳам сингиб кетган бўлади.

Достонлардаги ғазаллар тўғрисида яна шуни ҳам айтиш керакки, уларнинг мақтаида аксарият ҳолларда шоирнинг тахаллуси келадди. Шу муносабат билан шоир худди шу байтда ўзининг мазкур достон сюжетига алоқаси бўлмаган ижтимоий-сиёсий қарашларини ҳам бера олади. Бошқача қилиб айтганда, ғазал мақтаи анча мустақил бўлади.

Масалан, Сайқалий достонидаги Гуландомнинг Баҳромга ёзган номаси охирида келтирилган қуйидаги ғазални кўрайлик:

Боракаллоҳ, аҳду паймонингга, эй олижаноб,

Ман сияҳ бахтинг учун кўрдунг бу ерда кўп азоб.

Имтиҳон эгмак учун бемарҳабо сўзлар дедим,

Улмади шарҳи вафодин сандин ўзга ҳеч жавоб.

Сўзларим заҳробисар бирла зиёфат айладим,

Вола шукр иш эта кўрдунг ани жоми шароб.

Бир-бири битган китобатларки Давлат илкидин,

Қолди биздин ёдгори Лайли-Мажнундек китоб.

Билмадим сан Рум шаҳаншоҳини нури чашмисан,

Ҳар китобатда гадо деб ман сани қўлдим хитоб.

Офарин, тамкину бардошингга, эй олий ҳимама,

Шамс тоблиғин юзидин олмадинг охир ниқоб.

Сайқалий, қилма ўтар дунё учун аҳди дуруғ,

Қетса бошинг кўчаи ишқ ичра, қилма иҳтисоб.

Мазкур ғазалнинг мақтаидан олдинги ҳамма байтлар мазмуни достон сюжетига ғоят маҳкам боғлиқдир. Аммо охириги байтда Сайқалий сюжетга алоқаси бўлмаган ўз фалсафий репликасини беради.



### ЎЗБЕК СОВЕТ ПОЭЗИЯСИДА ҲАЗАЛЧИЛИК ТРАДИЦИЯЛАРИ

Улуғ Октябрдан кейинги йилларда, хусусан 20-йиллардаги адабиётшуносликда бир-бири-зария орасида қарама-қарши бўлган икки на-ўзбек миллатчи буржуа идеологлар, чунончи Сайдали, Фитрат сингарилар «ягона оқим» назариясининг ўнг қанотига мансуб бўлиб, ўтмишдаги Шарқ халқлари адабиётларини, жумладан, ўтмиш давр ўзбек адабиётларини, дарга кўтардилар, жаҳонда мисли йўқ адаби-ёт деб уни идеаллаштирдилар. Бошқа бир гу-руҳ вульгар социологлар эса ўтмиш маданий меросни тула инкор этиб, пролеткультчилар нзидан бормоқчи бўлдилар. Вульгар социоло-тизм ботқоғига ботган Вадид Маҳмуд, Ж.Бойбўлатов сингарилар ўтмиш адабиёт-мизни «ягона оқим»нинг сўл қаноти позиция-сидан баҳоладилар, ўтмишда яшаб ижод эт-ган энг яхши шоирларни ҳам мутасаввуфлар, хаёлпарастлар, символистлар деб атадилар ва шундай қилиб, ўтмишдаги барча маданий-адабий бойликларни зарарли деб эълон қил-дилар, ундан воз кечишга чақирдилар.

Бинобарин, ҳар икки гуруҳ ҳам маданий

мерос тўғрисидаги марксча-ленинча масала-да зарарли позицияда турди.

Маълумки, В. И. Ленин ўзининг «Миллий масала юзасида танқидий мулоҳазалар» де-ган мақоласида бундай деб ёзган эди:

«Ҳар бир миллий маданиятда гарчи ривож-ланмаган бўлса-да, демократик ва социалис-тик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилнувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва со-циалистик идеологияни тугдиради... Биз ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демо-кратик ва социалистик элементларинингина оламиз!».

Ўзбекистондаги ижодий интеллигенциянинг илгор отряди вакиллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Олим Шарафутдинов ва бошқа кўпгина та-ламли кишилар маданий мерос ва янги совет адабиётини яратиш масалаларида марксча-ленинча позицияда туриб кураш олиб борди-лар.

Оловли йилларда тугилган ўзбек совет ада-биёти олдиди жуда катта олижаноб, револю-циян вазифалар турар эди. Бу вазифаларни ҳал қилишда классик адабиётимиз анъана-лари билангина иш кўриш етарли эмас эди, албатта. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки поэ-зиясининг етакчи вази бўлган, шоирларга анча кенг имкониятлар берувчи бармоқ ваз-нининг роли ошди. Ўзбек классик шеърини вази традициялари асосида тарбия топган

1 «Ленин о культуре и искусстве», стр. 164.

бўлишларига қарамай, Ҳамза, Айний сингари санъаткорлар бу вазнда (бармоқ вазнида) кўплаб шеърлар ёздилар, замон учун энг ақтуал бўлган масалаларни кўтариб чиқдилар. Ҳамзанинг «Ҳой-ҳой, отамиз!», «Яша Шўро!», «Уйғон», «Ишчи бобо», «Ишчилар, уйғон!», Садриддин Айнийнинг «Хуррият марши», «Биринчи май марши», «Байналмилал марши» сингари шеърлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ўзбек совет адабиётига классик адабиётимизда бўлмаган янги жанрлар, образлар, бадий воситалар, янги ғоялар кириб келди. Буларнинг барчаси янги совет адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб қолди. Ўзбек совет адабиёти манбаларидан бири бўлган классик адабиётимиз қўлга киритган энг яхши анъаналар ҳам совет адабиётида яшаб қолди. Жумладан, классик адабиётнинг етакчи вази аруз янги шароитларда тараққий эта бошлади.

1950 йилда Ўзбекистон Совет Ёзувчиларининг IV пленумида қилган докладыда Шароф Рашидов қуйидагиларни айтган эди:

«Аруз шеърининг энг қадимги формаларидан биридир. Шу асосда бўлса керак, баъзи танқидчилар аруз совет воқелигини тасвирлаш учун ожиз, аруз араб ҳам эрон сўзларини ишлатишга мажбур эгадн, шунинг учун бизга арузнинг кераги йўқ, дейдилар. Арузни бундай инкор этиш нотўғри. Маълумки, бизнинг классик шоирларимиздан Навоий, Лутфий ва Муқимийлар аруз формасидан кенг сурагда фойдаланганлар. Шунн ҳам айтиш керакки, шоирларимиздан Ғафур Ғулум, Ҳа-

мид Олимжон, Уйғун, қардош Тожикистон шоирлари (хусусан Мирзо Турсунзода ва бошқалар) аруз билан ёган шеърларида янги социалистик маъмуни тўла ифода қила билдиллар. Бу аруз — янги аруз, ижодий меҳнат билан қайтадан яратилган ва бейнатирилган, совет поэзиясига хизмат эта оладиган арузлар. Аруз формасини адабиётимиздан чиқариб ташлаб бўлмайди, чунки поэзиянинг бошқа шакллари билан бир қаторда аруз ҳам поэзиямизнинг тараққий эта борашида маълум роль ўйнаши мумкин»<sup>1</sup>.

Маълумки, адабиётда форма ғоя ва тематикага қараганда секинроқ ўзгаради. Айрим формалар кўп асрлардан бери деярли ўзгаришсиз яшаб келадилар, чунинчи, ўзбек классик адабиёти учун етакчи жанр бўлган ғазал ва мусаммаллар узоқ асрлар давомида формал-поэтик жиҳатдан ғоявий-тематик томонга қараганда анча кам ўзгаришга учради. Аммо, юқорида кўрганнимиздек, ҳар бир давр бу жанрларнинг ғоявий-тематик жиҳатлардан ўзгаришнн ва кенгайишига олиб келди.

Ўзбек совет поэзиясидати ғазал тараққиётини назар ташласак, у ўзбек совет адабиёти тараққиёти этаплари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрамиз.

Совет даврида ғазал адабиётимиз тараққиётининг барча этапларида замон билан ҳамнафас бўлди, ҳар бир этап учун етакчи бўлган темалар, ғоялар ва образларин акс эттирди, булгина эмас, ғазал жанри социалис-

<sup>1</sup> Ш . Рашидов . Адабий таъқид ҳақида («Шарқ юлдузи» журнали, № 5, 1950 йил, 104—105-бетлар).



тик реализм методидан озиқланди ва совет воқелигини, совет кишиларининг кайфият ва кечинмаларини ҳаққоний ифода этди. Шундай қилиб, бу кўҳна жанр бизнинг поэзиямизда янги хусусиятларга эга бўлди ва то манаънода яшарган, янгиланган жанр бўлиб қолди. Буни ўзбек совет поэзиясининг асосчиси Ҳамзанинги инқилобдан кейинги ғазалларида, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чустий, Чархий, шунингдек, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов ва бошқа кўпгина шоирлар ижодида кўриш мумкин.

Ҳамзанинги «Ўзбек хотин-қизларига» газали ўзбек совет ғазалчилигидаги дастлабки энг яхши намуналардандир.

Мазкур ғазалда Ҳамза Фазлий ғазалининг вази, қофияси ва радифини олади. Биринчи қарашда бу ғазал назиргага ўхшаса ҳам, том маънодаги сригинал асар эди. Фазлий ўз асарида хотин-қизлар тасвирида ортиқча эротикага берилса, Ҳамза ўзбек хотин-қизларини улуғлайди, уларга бўлган янгича мубосабатларни баён этади, уларни маърифатни эгаллашга, меҳнат ва ижодга чақиради:

Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоеъ қил,

Парчалаб кишанларни ҳар томон паршон қил,

Мақтаб анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи,

Илму фан тиги бирлан жаҳл бағрини қон қил,

Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,

Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил,

Чўриликни мулалар сенга қилдилар тақрир,

Кел, бугун бу заҳминга маърифатни дармон қил,

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни

Юзларин қаро айлаб, феълидин пушаймон қил,

Ҳазалда шоир «Илму фан тиги бирла жаҳл бағрини қон қил», «заҳминга маърифатни дармон қил», «юзларин қаро айлаб», «қора чиммат зулми», «нур ичида жавлон қил», «маърифат... нурларин олиб кўзга сурман Сулаймон қил» каби кўпгина оригинал, образли биринмаларни қўлайди.

20-йиллардаги ғазалларда инқилоб темаси этакчи ўринга чиқди. Бу жиҳатдан Нозиманинги «Муборак», «Инқилоб қуёши», Мутрибанинги «Буюк инқилоб» ғазаллари диққатга сазовордир.

Улар инқилобни халққа озодлиқ келтирган, мустабидлар даврини йўқ қилган, мазлумлар кўз ёшини қуритган, илму урфон авбоби (эшиги)ни кенг очган буюк куч, «хуршиди тобон», «бахту нқбола етган улуғ кун», «қуёш» деб атайдилар.

30-йилларга келиб Ўзбекистонда ҳам қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, янги совет кишиларини тарбиялаш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун қизгин курашлар бошланди. Мамлакатимизда социализм қурилди. Бу оламшумул ғалаба Садриддин Айний, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Уйғун, Амин Умарий, Собир Абдулла, Ҳабибий ва бошқа шоирларнинг бадий асарларида ўз аксини топди.

Уша йилларда Фафур Фулом, Собир Абдулла ва Ҳабибийлар кўпроқ публицистик ғазаллар битдилар, синфий душманларни, реакцион ислом идеологияси тарғиботчиларини фож қилдилар, айрим кишилар онгида сақланиб келаётган феодализм тушунчаларни танқид қи-

либ, уларни янги ҳаётга бошладилар. Бундай газаллар ўз гоёвий-темастик жиҳатларидан «Ҳой-ҳой, отамиз!», «Уйғон», «Биз ишчимиз», «Байналмилал марши» шеърлари билан ҳамоҳанг эдилар.

30-йилларда Собир Абдулла, Ҳабибий, Қус-тиний ва бошқа шoirлар яратган ишқий-интим газаллар ҳам халқимиз орасида кенг тарқалиб кетган. Бироқ бу газаллар ўтмишда шундай мавзуда яратилган газаллардан фарқ қилмади. Чунки сеvgи интимий ҳодиса бўлиб, у муайян тарихий шароит билан, кишиларнинг ўзаро муносабати, характери билан боғлиқдир. Ўз сеvgиси билан масрур, бахтиёр ошаник ва вафодор машуққа янги газалининг янги қаҳрамонлари бўлдилар.

Шунинг ҳам айтиш керакки, ишқий-интим газалларда классик газалиёт анъаналари ва ундан баҳраманд бўлиш яққолроқ намоён бўлди. Шу жиҳатдан Собир Абдулланинг қуйидаги газали характерлидир:

Қаердан кўз кўзи шаҳлога тушди,  
Бу ишқим шўхн беларвога тушди.  
Демай, бир мөн кўриб озора бўлдим,  
Кўриб оху, йўли сахрога тушди.  
Боқолмасдан инғиримга, қуёшнинг —  
Хижолат партави дунёга тушди.  
Тишидан гавҳару маржон лабидан  
Этиб рашк, бордию, дарёга тушди.  
Қалам қўйганда у кенг гулшан ичра,  
Бегаб ўзни, чаман орога тушди.  
Қазил эрди юзи раънони боғда,  
Кўришда доғлар раънога тушди.  
Толомай дилбарим тенгини Мажнун,

Иложас хоҳиши Лайлога тушди,  
Узоқдан лутф этиб Собирга ул шўх,  
Кўришгач, нозу истиғнога тушди.

Газалда шoir лирик қаҳрамон севиб қолган маҳбубанинг портретини чизади. Аммо бунда у классик газалиётимиздаги приёملардан фойдаланади ва чиройли образлар яратади.

Масалан, маҳбубанинг кўзларини кўргач, биргина ошаник эмас, ҳатто оху ҳам уни севиб қолади ва ўз кўзи маҳбуба кўзларига қараганда чиройлироқ эмаслигига ишонч ҳосил қилгач, сахрога кетади. Бу байт Фурқатнинг қуйидаги байтларига ҳамоҳанг:

Наҳвати зулфинг ушотиб нофан Чин қадрини,  
Охул дашти Хўгани шармисор айлар кўзинг.  
Саҳл, агар бўлса паришон, дилбарим, қилсаг ингоҳ,  
Қилди охуни Хўтан даштида сарсон кўзларинг.

Гавҳар ва маржонларнинг дарё, денгизда бўлмоғи табиий бир ҳол. Аммо шoir бунини кутилмаганда, гавҳар машуқанинг тиши ва лабларидан уялиб ўйна жойга кетган, деб изоҳлайди. Бу байт Лутфийнинг қуйидаги байтини эслатади:

Исо фалакка ошти чун бўлди лабинг жон бергучи,  
Шармандалиқдин кетмаса кўхта анга не бор эрур?

Бундай ўринлар газалда анчагина. Аммо шoir муросоти назира, ийҳом санъатларига асосланган бундай байтларни яратаётганда, албатта, оригиналликка интилади ва бунга

эришади. Шунинг учун ҳам унинг кўлига ишқий-интим ғазаллари бадий баркамол асарлар даражасига кўтарилади.

Улуғ Ватан уруши совет кишилари, жумладан, севишганлар учун ҳам катта синов бўлди. Бу даврдаги ишқий ғазалларнинг лирик қаҳрамонлари жангчи солдат, садоқатли ватанпарвар, вафоли ёр, дилдор сифатида тасвирланади. Чунончи, Собир Абдулланнинг «Хат ёзарди сенга, ёр, заҳ ертўла, пол устида», «Гуллар безаниб, боғ ила бўстонга ярашди», «Хатни олдим, севганим, меҳрингга таҳсин айладим»; Уйғуннинг «Онт», «Кут», «Мардонавора айттинг», «Арзимни ёра айттинг», «Соғиниш» сингари ғазаллари ана шундай ишқий ғазаллардандир. Аммо улар ғамгин, пессимистик руҳдаги шеърлар бўлмаي, умидвор, мағрур қаҳрамон образини яратган ғазаллардир.

Собир Абдулланнинг қуйидаги ғазалида лирик қаҳрамоннинг ўз ёрига фронтдан ёзган хати тасвирланади. Хат формасидаги ғазаллар классик адабиётимизда кўп. Улар одадга, ошиқнинг машуқага бўлган оташин севгиси, маҳубанинг гўзал ҳусни ва хулқи тасвирига бағишланган бўлса, бу ғазалда лирик қаҳрамон (ошиқ)нинг ёвга бўлган чексиз нафрати, унинг мардонавор кураши тасвирланган.

Хат ёзарди сенга, ёр, заҳ ертўла, пол устида,  
Қисқа қилдим, тўхтаёлмай ҳолу аҳвол устида.  
Сен у ерда бир асаларича сақла ўз уянг,  
Асрасанг, ёг пашшалар ўлтирмагай бол устида,  
Ухла, жоним, мен учун ҳам, яхши туш кўр ҳар кеча,  
Отда гоҳи ухласам мен, ёстуғим ёл устида.

Қувламай, қирмай иложим йўқ уларни, жанг қилиб,  
Ҳўкмигонлик истаса ёв бахту иқбол устида.

Сенга айтсам, титрама, бу ваҳший ёвнинг қилмишини,  
Битди кўпларининг ҳаёти бир метр шол устида.  
Сўнги кунлар зарба ёб, сурбет фашистлар жанг қилур,

Баъзи подвал остида, баъзиси девол устида.  
Тоб беролмасдан ҳужумларга, чекиб фарёду дод,  
Бошини тикса кавакка, шаккаси тол устида.  
Собиро, пок бу ватанда ёв учун йўқдир паноҳ,  
Оқди кўп нолок вужуди қон юқи сол устида.

Қўринадики, келтирилган ғазалда шоир лирик қаҳрамоннинг ёвга қарши ғазоби, кураши орқали унинг ёрга, диёрга бўлган оташин севгиси тасвир этилган. Демак, бу ғазалда ва уруш даврида яратилган бошқа шундай ғазалларда ишқ-муҳаббат мотивлари тор шахсий интим дунёдан ташқарига чиқади, лирик қаҳрамоннинг севгиси халқ ва Ватанга бўлган муҳаббатнинг таркибий бир қисми сифатида талқин қилинади.

Урушдан кейинги давр ғазалиётида висол онларини тасвирловчи ғазаллар айниқса кўп яратилди. Бунда Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Воент Саъдулла, Ёнгин Мирзо, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов ғазаллари диққатга сазовордир. Ҳабибийнинг «Дилдор ўйнасин», «Сабо келур», «Мунча соз», «Хушёр ёр», «Ёр ўлтурур», «Келса», «Жониним келиб», «Сирдошим менинг», Чархийнинг «Қиёлаб ўтди», «Олам саодатни», Саида Зуннунованинг «Ҳай-ҳай», «Ўтдим», Эркин Воҳидовнинг «Лола сайли» каби ғазаллари висол онларининг тароналаридир.

Таклиф этдим тоғ билан дилдорни лола сайлига,  
Бешим осмонларга етди ёр деганда «майлига».

Кенг жаҳон бўлди мунаввар лутфидан эй воҳ, қани  
Сидқидилдан юрса дилбар доим ошиқ майлига.

Ўйладим шу тоғи, неча йил дашту сахролар кезиб,  
Тавлифи сайл айламабдир не учун Қайс Лайлига.

Бу хаёлим ёрга айтсам, кулди-ю, берди жавоб:  
— Аҳли шиқ ҳам боққай албат ўз замонин зайлига.

Лола тердик даста-даста, кеч билан қайтдик шаҳар,  
Ўлда бир-бир тарқатиб, Эркин муҳаббат ҳайлига.

Эркин Воҳидовнинг мазкур «Лола сайли» ғаминишга назар ташлаб ўз замонасининг улурворлигидан, озодлигидан, замонамиз ёшлари «эркин муҳаббат ҳайли» эканидан қувонади. Бугунги ошиқ ва машуқларнинг бахтининг Қайс ва Лайли қисматига қийёслайди ва буни замон билан боғлайди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги поэзиямизда социалистик ижодий меҳнат ва меҳнат аҳли тўғрисида, унинг томен ва бахтини, ўзини улугловчи жуда кўп ғазаллар битилди.

Ўтмишда меҳнат қўлмиш бахтсизлик нишонаси бўлган эса, давримизда у шон-шараф, шуҳрат ва қаҳрамонлик ишига айланди. Бахтиёр ҳаётимиз, коммунистик келажак, социалистик ватанимизнинг хавфсизлиги фақат меҳнат шарофатидандир. Шунинг учун ҳам бу мавзу поэзиямизда, жумладан, ғазалиётда жуда катта ўрин олди.

Себир Абдуллагининг «Бўлиб бир неча кун сайр айладик Ленин районида», «Мироблик гашти зўр, куз хирмовининг иштиёида», «Комсомоллар, чўлни обод этдингиз бел боғ-

лашиб», «Ваъдага вафо қилди, чўлга берди даврон сув», «Кузда ҳар туп пахтадан юз шона кўзлар кўзларинг», «Эй хур ватаним, тоза тану жон ила севдим», «Наманган шаҳри хўб оро этилмиш», «Эл топди зафар нида шараф-шон деди қўтлуғ», «Хабибийнинг «Улуғ бурч», «Инсон», «Сув», «Ойна», «Тўқувчи ёшлар қўшини», «Мирзақўл комсомолларига», «Қўлга келгай», «Обод этдик», «Дўстлар», «Қаҳрамон халқим», Чархийнинг «Меҳнат бахт» шеърлари ана шундай ғазаллардандир.

Кейинги даврда социалистик меҳнат темасида яратилган ғазаллар билан бир қаторда лидактик ғазаллар, ватанга муҳаббат, коммунистик эътиқод, тинчлик темасида ҳамда нейзаж ғазаллар кўплаб яратилди, халқ орасида кенг тарқалди.

Айтилганлардан шундай хулосалар чиқариши мумкин:

1. Ғазал ҳозирги замон ўзбек совет поэзиясида традицион жанр бўлишига қарамастан, у замон талабларига жавоб бериб келмоқда.

2. Ўзбек совет ғазалиёти ўзининг қатор хусусиятлари билан классик ғазалиётдан фарқ қилади: булар образлар системаси, тематика, гоаявий дўналлш, турмушни акс эттириш, метолаш ва бошқаларда кўринади.

3. Ҳозирги замон ўзбек ғазалиёти «аруз замон руҳига мос эмас» деган баъзи фикрларнинг асоссиз эканлигини яна бир марта исбот қилди. Айрим бўш, хиссиз, сакта ёзилган ғазаллар, умуман ғазалиёт замон талабларига жавоб беролмай қолганининг оқибати бўлмай, баъзи авторларнинг истеъдодсизлиги, аруз назариясини яхши билмаслиги оқибатидир.

## МУНДАРИЖА

Кириш	8
Ғазалинг жанр хусусиятлари ва ўзбек ғазалиётининг вужудга келиши замири	7
Ўзбек ғазалиётининг тараққиёт этаплари ва стакчи тен- денциялари	34
Ўзбек ғазалиётининг турлари ва уларнинг таснифоти	62
Ғазалининг бошқа жанрлар билан муносабатлари	110
Ўзбек совет поэзиясида ғазаличилик традициялари.	122

На узбекском языке

НАСЫРОВ АДИЛЖАН

«ГАЗЕЛЬ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ»

Техн. редактор Э. САИДОВ  
Редактор О. МАТЖОНОВ  
Раском Э. ВАЛИЕВ  
Корректор М. ОРИФЖОНОВА  
Расмысл редактор И. ЦИГАНОВ

Босмахонага берилган 1871-1972 й. Босмига рухсат  
этиди 28/VI-72 й. Формати 70x80 1/32. Босма  
д. 4.23. Шарҳи босма л. 4.97. Назр л. 4.67.  
Тиражи 5 000. Р 08492. Габуур Ғулом номида-  
ги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, На-  
воий кўчаси, 30. Шарҳнома № 102—71.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот  
Давлат комитетининг Бекobod шахридаги Удир-  
лик босмахонасида МС қирғога босилди.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1972 йил, декабр № 9.  
Баҳоси 29 т.